Э+С-877
2003:1

# O'ZBEKISTON TARIXI



1
2003

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

# O'ZBEKISTON TARIXI

*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi*
*Bir yilda to'rt marta chiqadi*

1
2003

*Toshkent*
*O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi*
*«Fan» nashriyoti*

O'zR FAAK
2003 4-1

*Таҳрир ҳайъати:*

Дилором АЛИМОВА *(бош муҳаррир)*, Азамат ЗИЁ, Шоира АСАДОВА *(масъул котиб)*, Омонулла БЎРИЕВ, Валерия ГЕНТШКЕ, Доно ЗИЁЕВА, Неъматилла ИБРОҲИМОВ, Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Ўткир ИСЛОМОВ, Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУКМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин ЎРИНБОЕВ.

*Манзилимиз:*

*700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй*
*Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73.*

© Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти, 2003 йил.

Муҳаррирлар: *М. Саидова, Ҳ. Раупова*
Техмуҳаррир: *Л. Тюрина*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00208. Теришга берилди. 20. 02. 2003. Босишга рухсат этилди 31. 03. 2003. Қоғоз бичими 70×100 1/16. Адабий гарнитура. Юқори босма. Офсет қоғози. Шартли босма т. 6,45. Ҳисоб-нашриёт т. 5,35. 555 нусха. 8 буюртма.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент, акад. Я. Ғуломов кўчаси, 70.

ЎзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170. Тошкент, акад. Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 79.

O'ZBEKISTON TARIXI

2003 1-son

# Тарихга янги нигоҳ

А. Хўжаев

## ҚАДИМИЙ ХИТОЙ МАНБАЛАРИДАГИ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРГА ОИД АЙРИМ ЭТНОНИМЛАР

Бизга Н. Я. Бичурин таржимаси орқали маълум бўлган манбаларнинг энг қадимийси Сима Чян, унинг отаси ва укаси томонидан ёзилган «Ши жи» («Тарихий хотиралар») асари ҳисобланади. Мазкур умумлаштирилган асар эса шуларгача битилган майда асарларга асосланган деб ҳисобланса ҳам, у илгари ёзилган барча маълумотларни қамраб олган деб айтиш қийин. Буни сўнгги 20 йил ичида Хитой Халқ Жумҳурияти (ХХР) олимлари томонидан нашр этилган бир қатор йирик тарихий асарларда келтирилган янги маълумотлардан билиб олишимиз мумкин. «Тужюэ ши» («Турклар тарихи»)[1], «Чжунггуо минзу ши» («ХХР халқлари тарихи»)[2], «Шиюй тунгши» («Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи»)[3] каби фундаментал китоблар ана шундай маълумотлар келтирилган асарлар жумласидандир. Мазкур асарларда туркий халқлар тарихига оид маълумотларга катта ўрин ажратилган. Албатта, бир мақолада ушбу маълумотларнинг ҳаммасини келтириш мумкин эмас. Шу боис ушбу мақоламизда хитой манбаларида илк бор учрайдиган туркий халқларнинг номлари ҳақида тўхтаб ўтиш лозим топилди. Зеро, бу масалага ойдинлик киритиш тарихимиз учун муҳим аҳамият касб этади.

Россия олимларининг асарларида турк (тюрк) атамаси илк бор қабила номи сифатида милодий VI асрнинг ўртасида пайдо бўлган, деб зикр этилиши ҳаммага маълум. Ушбу фикр рус адабиёти орқали ўзбек адабиётига ҳам кириб келган. Аммо, хитой манбаларида учрайдиган туркий халқларга оид илк маълумотларга ва сўнгги йилларда Хитой олимлари томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижасига асосланганда, бу фикрни тўғри деб айтиш мумкин эмас.

Аввало айтиб ўтиш жоизки, хитой манбаларида ва адабиётида ҳозирги замон хитой тилида «тужюэ» (tujue) деб ўқиладиган икки иероглиф билан ёзилади. Ушбу иероглифларнинг хитой манбаларига кириб келган вақти милодий VII асрга тўғри келади. Айни замонда ушбу иероглифларда «тукювет» деб ўқилади. Буларни замонавий ўқилишига асосланганда, «тужюэ» турк атамасининг транскрипцияси эканлигини билиб олиш қийинроқ. Аммо, уларнинг қадим замондаги талаффузига қараганда, «тукювет» «турк+ут»нинг транскрипцияси эканлиги аниқ кўринади. Бинобарин, тужюэ иероглифларнинг хитой

---

[1] Сие Зунчжэнг. Тужюэ ши (Турклар тарихи). Пекин, 1992.

[2] Ванг Чжунгхан. Чжунгго минзу ши (Хитой Халқ Республикаси халқлари тарихи). Пекин, 1994. Ванг Чжунгхан бошчилигидаги тарихчилар гуруҳи томонидан битилган. Шу номда бошқа китоблар бўлганлиги учун қуйида Ванг Чжунгхан Чжунгго минзу ши деб кўрсатилади.

[3] Юй Тайшан. Шиюй тунгши «Ғарбий мамлакатларнинг умумий тарихи». Пекин, 1966.

манбаларига кириб келиш даврига қараб турк атамасининг ёки ушбу этноним билан аталган халқнинг пайдо бўлган вақти айнан шу даврга тўғри келади деб айтиш асосли бўлмайди.

Маълумки, турк атамасига қўшилган «ут» қадимги Хитойнинг шимолида яшаган қитонлар[4], журженлар (рувран) ва мўғуллар тилида кўпликни билдирган. Милодий VI асрда «турк» деб аталган қабила эса журженлар итоатида бўлиб, асосан темирчилик билан шуғулланган ва улар тилида туркут, яъни турклар деб номланган. Қолаверса, айни замонда журженлар хитойликлар билан қўшни бўлиб яшаганлигини инобатга олинса, ушбу атама хитойликларга журженлар тилидан ўтганлиги маълум бўлади. Масаланинг мунозарали бўлиб келган томони шу эдики, хитой манбаларида тукювет (тужюэ) иероглифлар билан ифодаланган атама пайдо бўлишидан олдин турк атамаси бўлганми йўқми, бўлган бўлса у хитой манбаларида қайси даврда пайдо бўлган ва қандай аталганлигидир.

Хитой манбаларидаги маълумотларни атрофлича тадқиқ этганимизда ва Япония, Хитой олимларининг тадқиқотларини чуқур ўрганганимизда маълум бўлдики, турк атамаси VI асрдан аввалги иккиминг йилдан ортиқ давр ичида мавжуд бўлган. Аммо, хитойлар мазкур номни ҳар хил иероглифлар билан ёзишган. Мазкур иероглифларнинг ўқилиши эса аста-секин ўзгариб борган. Хитой тилидаги ушбу ўзгаришларни билдирувчи тадқиқотлар ва луғатлар юзага келмагунча туркларнинг номи атрофида содир бўлган ўзгаришларни англаб олиш қийин бўлган.

Турк атамаси тор маънода милодий III—VI асрларда хитой манбаларида «теле» деб аталган туркий халқлар таркибидаги бир қабиланинг номи, кенг маънода эса бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ва туркий тилларда сўзлашадиган барча халқларнинг умумий номидир. Масалан, Хитой катта энциклопедиясининг «Хитой тарихи» жилдида турк атамаси ҳақида қуйидагилар ёзилган. «Tujue атамаси VI асрдан кейин Чжунггонинг[5] (Хитойнинг) шимолий ва шимоли-ғарбий томонида яшаган туркийзабон халқлар ва VI—VIII асрларда мавжуд бўлган хонлик номи ҳисобланади. Tujue иероглифлари илк бор «Чжоу шу» («Чжоу сулоласи тарихи»)[6], «Бэй Чи шу» («Шимолий Чи сулоласи тарихи»)[7] ва «Бэй ши» («Шимолий сулолалар тарихи»)[8] да

---

[4] Хитой манбалари ва адабиётида «чидан» деб ҳам аталган ушбу этноним рус адабиётига «кидан» шаклида кирган. Биз учун одат бўлиб қолган «хитой» этноми айнан шу сўздан трансформация этилган.

[5] Хитойлар ўз мамлакатларини Чжунгго ёки Чжунггуо (Ер юзи марказидаги давлат маъносини англатади) деб атайдилар. Оврўпа адабиётида ушбу давлат номини Чайна, рус ва ўзбек адабиётларида Хитой деб ёзиш одатга кирган. Айрим муаллифлар ҳозирги Хитой Халқ Республикаси (Чжунгхуа Реимин Гунгхэгуо) атамасини ҳам Хитой деб аташади.

[6] Чжоу шу (Чжоу сулоласи тарихи) 557—581 йилларда мавжуд бўлган Шимолий Чжоу хонлиги тарихига бағишланган бўлиб, у 639 Ху Дэфэн томонидан ёзиб битирилган. Асарнинг айрим жойлари йўқолганлиги туфайли, у кейинги даврларда бошқа манбалар асосида тўлдирилган.

[7] Чи шу (Чи сулоласи тарихи) деб ҳам аталади. У 550—557 йилларида мавжуд бўлган Чи хонлиги тарихига бағишланган. Асар Ли Байяо (565—648) томонидан ёзилган бўлиб, у 50 бобдан иборат эди, ҳозир шундан 17 боби сақланиб қолган.

[8] Бэй ши (Шимолий сулолалар тарихи) Танг сулоласи (618—907) даврида яшаган Ли Яншоу (туғилган ва ўлган йиллари номаълум) томонидан 643 йили ёзилган. Мазкур манба ўша давргача мавжуд бўлган асарларини жамлаш асосида битилган.

пайдо бўлган. Суй (581—618) ва Танг (618—907) даврдаги хитой тилида ушбу атама «t'uet kiuet» деб талаффуз этилган»[9].

«Чжоу шу» асари милодий 639 йили ёзиб битирилганлиги ва мазкур 557—581 йиллари мавжуд бўлган Бэй Чжоу (Шимолий Чжоу) хонлиги тарихига бағишланганлиги инобатга олинса, тукювет иероглифлари билан ифодаланган атамасининг хитой манбасига кириб келиш вақти мазкур хонлик даврига тўғри келганлиги маълум бўлади. Бу атама эса Ашина авлодларининг Олтойда қайтадан қабила бўлиб шаклланиб ва кучайиб тарихга қайтадан кириб келган вақтига тўғри келади.

Сўнгги йилларда Япония ва Хитой олимлари «тукювет» сўзи пайдо бўлишидан илгари турк атамаси мавжуд бўлганлигини ва у милоднинг дастлабки бир неча асрлари давомида хитойлар томонидан «теле», «тиеле», «чилэ» деб талаффуз этилганлигини исботлаб чиққанлар[10].

«Тсихай» («Сўзлар денгизи») номли энциклопедик луғатда «кенг маънода тужюэ (тукювет) барча теле қабилаларининг умумий номидир, тор маънода у биргина тужюэ қабиласининг номидир. Милодий VI асрда тужюэ қабиласи Ашина етакчилигида Жингшанда (Олтинтоғ, ҳозир Олтой тоғи) яшаган» деб ёзилган[11].

Шунга ўхшаган фикр Хитойда чоп этилган бошқа луғатларда ҳам учрайди. Чунончи, Шинжянг лиши тсидян (Шинжянг тарихи луғати)-да «Тужюэ қадим замонда Хитойнинг ғарбий ва шимолий томонида яшаган халқдир. Орхон турк битикларида турк сўзининг маъноси паҳлавон, пишиб етилган, жўшқинлик маъносини англатади, деб кўрсатилган. Гоҳ хунларнинг, гоҳ усунларнинг авлоди деб айтилади»[12].

Чжунгго гужин диминг датсидян (Хитойнинг қадимги даврдан ҳозирги замонгача бўлган ер исмлари луғати)да ҳам милодий VI асрдан олдин турк қабиласи мавжудлиги ва улар ху деб аталганларнинг бир қисми бўлганлиги, Олтойга Хэши коридоридан Ашина бошчилигида бориб қолганлиги акс эттирилган. Масалан луғатда шундай зикр этилади. «Тужюэнинг аждодлари Пинглянда яшаган заху (бир бўлак хулар)дир. Улар кейинги Вэй[13] (Шимолий Вэй, милодий 386—589) давлати томонидан тор-мор қилинган. Шунда Ашина исмли бир киши 500 оилани етаклаб руру (чжуржен)ларга эл бўлиб Жингшан (Олтин тоғ, яъни Олтой)га жойлашган... Шу ерда улар ўзларини тужюэ деб атаган»[14]. Шу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, Олтой тоғига келиб жойлашишдан олдин Ашина авлоди ғарбдан шарққа, аниқроғи мўғул далаларига, сўнгра Хэши коридорига кўчиб келган.

Теле атамасининг хитой манбаларида пайдо бўлишидан олдинги бир неча аср давомида барча туркий қабилалар Ҳун империяси фуқа-

---

[9] Чжунгго дабайкэ чюаншу. Чжунгго лиши (Хитой катта энциклопедияси. Хитой тарихи). Пекин, 1997, 729-бет.

[10] Ванг Чжунгхан. Чжунгго минзу ши. 317-бет.

[11] Тсихай (Сўзлар денгизи). Шанхай, 1979. 1794-бет.

[12] Шинжянг лиши тсидян (Шинжянг тарихи луғати). Урумчи, 1994. 504-бет

[13] Шимолий сулолалар давридаги (милодий 420—550) Бэй Вэй (Шимолий Вэй) хонлиги кўзда тутилади. Мазкур атама ушбу давлатни милодий 220—265-йиллардаги Вэй хонлигидан фарқ қилиш мақсадида ишлатилади.

[14] Чжунгго гужин диминг датсидян (Хитойнинг қадимги даврдан ҳозирги замонгача бўлган ер исмлари катта луғати). Шангхай, 1930. 656-бет.

ролигида бўлганлиги туфайли улар умумий ҳолда «шюнгну» ёки ху (ҳун) деб аталган. Шу боис айни замонда битилган хитой манбаларида туркий халқлар ху, шюнгну деб ҳам аталган. Натижада 500 йилга яқин давр давомида ҳун атамаси турк атамасининг кенг маънодаги синонимн сифатида хизмат қилган.

Милоддан аввалги III асрдан олдинги иккиминг йилдан ортиқ давр давомида турклар (телелар) ди, дили, динглииг деб талаффуз этилган. Ушбу атамалар ифодаланган иероглифларнинг қадимги ўқилишига эътибор берилса бунга ишониш қийин эмас.

Масалан «Тсиюан» («Сўзларнинг келиб чиқиши») номли изоҳли луғатда «Ди мамлакатимизнинг шимолий ҳудудларидаги майда халқларнинг умумий номидир. Ди ти деб ҳам ўқилган» деб зикр этилган[15].

Мазкур номлар билан аталганлар тарихига оид манбаларини чуқур ўрганган йирик хитой тарихчиси Люй Симян «Илгари динглииг ёки динглинглар деб номланганлар кейинчалик чиле, теле деб аталган. Ҳозир биз уларни умумлаштириб уйғур деб атаймиз, ғарб мамлакатларида уларни турк деб аташади. Аслини олганда турк ва уйғур динглинглар таркибидагилардир... Чилэларни хитойликлар гавчэ деб ҳам аташган. Мазкур номлар бири-бирига ўхшамаса ҳам, улар келиб чиқиши бир бўлганларнинг турлича аталишидир. Буларнинг теле ва гавчэ деб аталиб қолишининг сабаби шу бўлганки, қумликнинг[16] жанубида яшаб Вэй хонадонига (милодий 220—260) итоат қилганлар гавчэ, қумликнинг шимолида яшаб журженлар итоатида бўлганлар теле деб аталган»[17].

Сие Зунгчжэнг раҳбарлигидаги бир гуруҳ хитой олимлари томондан нашр этилган «Чжунггуо Шинжянг гудай шэхуэй шэнгхуо ши» «ХХР Шинжянгнинг қадимги жамияти ва ҳаёти тарихи» номли йирик асарда «Гавчэ гавчэ-динглинг атамасининг қисқартирилган шакли бўлиб, у ўзга халқлар томонидан қўйилган номдир. Гавчэлар ўзларини бундай деб атамас эди, аммо динглинг телениг қадимги талаффузи ҳисобланади» деб ёзилган[18].

Динглингларга оид қадимий ёзма манбалар ичида нисбатан тўлароқ маълумот берадиган асар «Шанхай жинг» («Тоғ ва дарёлар қиссаси») ҳисобланади. Ушбу асарда нафақат динглинглар кимлар эканлигини, балки уларнинг давлат тузуми бўлганлигини кўрсатадиган маълумотлар учрайди. Унда «Динглинг давлати», «Гуйфанг давлати» каби сўзларнинг борлиги фикримизга далил бўла олади[19].

Хитойнинг тарихий энциклопедиясида «Динглинг қадимий халқ номи... қумликнинг шимолида қолган динглинглар Жин тарихида (Жин шу)[20] чилэ, Суй тарихида (Суй шу) теле деб аталган»[21] деб кўрсатилади.

---

[15] Тсиюан (Сўзларнинг келиб чиқиши) 4 жилдли, 3-жилд. Пекин, 1982. 1994-бет.
[16] Жанубий Мўғулистондаги чўллик кўзда тутилган.
[17] Люй Симян. Чжунггуо минзу ши (ХХР халқлари тарихи). Шангхай, 1987. 87-бет.
[18] Чжунггуо Шинжянг гудай шэхуэй шэнгхуо ши (ХХР Шинжянгнинг қадимги жамияти ва ҳаёти тарихи). Урумчи, 1997. 164-бет.
[19] Люй Симян. Чжунггуо минзу ши. 22-бет.
[20] Милодий 265—316 ва 317—420-йилларн мавжуд бўлган Шижин (Ғарбий Жин) ва Дунгжин (Шарқий Жин) хонликлари тарихи бўлиб, у 644—646-йиллари битилган.
[21] Тсихай. 10-бет.

Қадимги замонда ишлатилган иероглиф ва атамаларга бағишланган луғатларда, ҳамда «Зуо[22] чжуан» («Зуо тафсири») номли хотирада «Мўғул даласи билан Жанубий Сибирияда динглинглар яшаган эди, Шэнси вилоятининг шимолий ва жанубий қисмида, Тайхангшан тоғлари атрофида дилар бор эди. Уларнинг ҳаммаси Шанг (мил. авв. XVI—XI асрлар) ва Чжоу ҳокимлиги (мил. авв. XI аср—771 йиллар) давридаги гуйфангларнинг кейинги авлодлар эди»[23] деб зикр этилган маълумотлар мавжуд.

Динглингларга оид хитой манбаларини чуқур ўрганган хитой тарихчиси Дуан Лянчин қуйидагиларни ёзади.

«Гуйфанг халқи Шия сулоласининг (мил. авв. XXI—XVI асрлар) подшоҳи Вудининг урушпарастлик сиёсати туфайли узлуксиз ҳужумга учраган эди. Шунинг натижасида гуйфангларнинг бир қисми ўз жойларидан кўчиб кетди. Айни замонда уларнинг ғарбий томонида кучли ғарбий рунг (ширунг) қабилалари мавжуд эди»[24].

«Шия (мил. авв. XXI—XVI асрлар), Шанг (мил. авв. XVI—XI асрлар) ва Чжоу (мил. авв. XI—VII асрлар) сулолалари давридаги гуйфанглар динглингларнинг ўзи эди»[25].

Хитой манбаларида ди икки хил иероглифлар билан ёзилган. Буларнинг бири шубҳа, ҳийла, нопоклик, иккинчиси эса ёввойи, узун думли балиқ каби маъноларни англатади. Бинобарин, иероглар маъносидан келиб чиқиб ди этнонимнинг этимологияси ҳақида ҳукм чиқариб бўлмайди. Аммо ди сўзи ҳар хил иероглифлар билан ёзилса ҳам уларнинг қадимги ўқилишига эътибор бермай бўлмайди. Ҳайвон белгиси билан олов белгисини билдирадиган икки қисмдан иборат бўлган биринчи ди иероглифи қадимда «тиек» ёки «диек» (dick) деб ўқилган. Қуш белгиси билан ёзиладиган иккинчи ди иероглифи қадимда «диаук» (diauk), тиаук (tiauk) деб ўқилган. Ҳар икки мисолдаги «ди» иероглифи «ти» деб ҳам талаффуз этилганлиги эътиборга сазовордир. Қолаверса, хитой тилида ундош «р» товуши билдирувчи иероглиф йўқ. Шу боис хитойлар ўзгалардан қабул қилинган атамалардаги «р»-ни тушириб қолдиришга ёки уни лэ, ла, ли деб талаффуз этишган. Қадим замонда тиек тиаук деб ўқилган иероглифларнинг борлиги хитойлар учун турк сўзини битта иероглиф билан ифодалашга қўл келган. «Р» ни айтолмайдиган кичик боланинг ёки тили чучук одамнинг турк сўзини «туйик» деб талаффуз этишини кўз олдимизга келтирсак, «р» ундош товушини талаффуз қилолмайдиган хитойлар турк сўзини айнан шундай талаффуз этганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

«Хан (Шарқий Хан милодий 25—220), Вэй, (милодий 220—265), замонасидаги динглинглар, 16 та хонлик (милодий 304—439) ва Шимолий сулолалар (милодий 386—534) давридаги қангқилар, Суй (581—618), Танг (618—907) сулолалари давридаги теленинг ҳаммаси бир халқнинг ҳар хил тарихий давридаги номларидир»[26].

---

[22] Тўла исми Зуо Чюнминг, шу боис айрим тадқиқотчилар асар номини Зуо Чюнминг тафсири ёки маълумоти деб таржима қилишди.

[23] Дуан Лянчин. Динглинглар, қангқилар ва туролар. Урумчи, 1996. 1-жилд, 138-бет.

[24] Ўша жойда. 137-бет.

[25] Ўша жойда. 115-бет.

[26] Ўша жойда, 1-бет.

«Хан. Вэй давридаги динглинглар ҳунларнинг ва қанғитларнинг (гавчэ) шимолий томонида, яъни ҳозирги жанубий Сибирияда шарқда Байкал кўлигача, ғарбда Балқош кўлигача бўлган жойларда ўтроқлашган»[27].

«Шянг (мил. авв. XVI—XI асрлар), Чжоу (XI аср—мил. авв. 771) ҳокимликлари замонидаги динглинглар, дилар ёки гуйфонглар совет олимлари томонидан динглинг деб таржима қилинган туроларнинг бир қисми эди...»[28].

Япония ва Хитой олимлари ҳам хитой манбаларидаги ди, дили, динглинг, чилэ, тэлэ, теле каби атамалар «турк» сўзининг ҳар хил даврларидаги хитойча талаффузидир, деб ҳисоблайдилар[29]. Масалан, Япония, олими Матсуда Хисов хитой манбаларидаги тужюэ ва теле этнонимларига оид маълумотларни қиёсий таҳлил қилиб шундай ёзади: «теле ниҳоятда катта бўлган заминда яшаган ва ҳаракат қилган бир тоифадаги халқларнинг умумий номидир, гавчэни (баланд араваликлар — *А. Х.*) унинг синоними деб ҳисоблаб бўлмайди, гавчэ теленинг бир қисмидир.... Тўлўс (Toloc) тужюэларнинг шарқий томонидаги бир кичик қабиланинг номидир... Хатакё теле турк атамасининг транскрипцияси эканлигини исботлаб берган эди. Унинг бу хулосаси беқиёс катта аҳамиятга эгадир»[30].

Динглинг ва теле бир сўзнинг ҳар хил тарихий даврдаги хитойча талаффузи эканлигини Сие Зунгжэнг қаламига мансуб «Тужюэ ши»да қайд этилади. Масалан, у ўз асарида «Гавчэлар гавчэ динглинг сўзнинг қисқартирилган шаклидир, динглинг ва теле ди атамасининг транскрипциясидир» деб ёзади[31].

Динглинг ва ундан олдин пайдо бўлган ди этнонимлари турк атамасининг ҳар хил давридаги хитойча транскрипцияси эканлигига асосланиб хитой манбаларга қарайдиган бўлсак, мазкур атама камида 3,5 минг йил муқаддам хитой манбаларида мавжуд бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Ди билан бирга хитой манбаларида рунг атамаси ҳам кўп тилга олинади. Мазкур атамалар билан боғлиқ бўлган воқеалар эса «Чунчю» («Баҳор ва куз») замонасининг (мил. авв. 770—476) дастлабки даврида юз берган бўлиб, уларнинг аксарият қисми рунг ва дилар билан хитойлар орасидаги урушлар акс эттирилган[32].

Чунончи, «рунг» атамаси юқорида тилга олинган ва милоддан аввалги VII асрда ёзилган «Зуо жюан» номли биринчи тарихий асарда кўп учрайди. Масалан, ушбу асарнинг бошида шундай маълумот келтирилади.

«Жигунгнинг[33] 7-йили рунглар Чжоу саройига совға-саломлар билан ташриф буюрдилар. Аммо, саройнинг мезбони ҳоким Фанбо уларга ҳурмат билдириб кутиб олмади. Шу боис ушбу ҳоким Лу мамла-

[27] Ўша жойда.

[28] Ўша жойда.

[29] Хўжаев А., Хўжаев К. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. Тошкент, 2001. 11—15-бетлар.

[30] Матсуда Хисов. Гудай. Тяншань лиши дилишюэ янжю (Қадимий тангритоғнинг тарихий жуғрофиясига оид тадқиқот). Пекин, 1987. 271-бет.

[31] Сие Зунгчжэнг. Тужюэ ши, 1992. 68-бет.

[32] Зуо жюан. (Зуо ҳикояти). Чунчю асарлари тўплами, 2-жилдли, 1-жилд, Шанхай, 1997. 167—415-бетлар.

[33] Чжоу мамлакатининг ҳокими, мил. авв. 722—710-йиллари ҳукмронлик қилган,

катига бориб қайтаётганида ўз қилмишига жавобан жазога тортилди»[34].

Мазкур асарнинг иккинчи бир жойида «Жигунгнинг 9-йили (мил. авв. 730) шимолий рунглар (бэйрунг) Чжэнг мамлакатига ҳужум қилди... Шу йили 11-ойда Чжэнгликлар пистирма уюштириб рунг лашкарлари устидан ғалаба қилди»[35].

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, милоддан аввалги VIII асрда хитойларнинг шимолида яшаган халқ хитойлар томонидан бэйрунг, яъни шимолий рунг деб номланган.

Рунг атамаси аслида этноним бўлганми йўқми, деган масала ҳозирча мунозарали бўлиб келмоқда. Аммо, ушбу атама милоддан аввалги XI асрдан бошлаб этноним сифатида ишлатилган. Ундан олдинги минг йил давомида хитойликлар ўзларининг атрофидагиларни умумлаштириб рунг деб аташган[36]. Шунга қараганда, айни замонда дилар ҳам рунг деб номланганлиги аён. Хитойлар ўзларининг шимолий ва ғарбий томонидаги рунгларни жанубий томонидагилардан фарқ қилиш учун уларни ширунг (ғарбий рунг) ва рунгди деб аташган.

Лингвистик нуқтаи назардан олиб қараганда, рунг иероглифи аскар, лашкар маъносини англатади[37]. Шунга асосланиб қадимги хитойлар турк атамасини тиек, тиеук (ди) деб транскрипция қилганлигини инобатга олинса, рунгди атамаси турк лашкарлари, турк одамлари каби маънога эга бўлганлигининг гувоҳи бўламиз.

Чжоу сулоласи кучая бошлаганда, яъни милоддан аввалги иккинчи мингйилликнинг охирида, куйрунг (гуйрунг) этноними хитой манбаларида пайдо бўлган. Ушбу атамадаги куй «куйфанг» этнонимининг қисқартирилган шаклидир. Шундай экан, табиийки куйфанг қайси халқ ва хитой манбаларида қачон пайдо бўлган? деган савол келиб чиқади.

Бошқа бир гуруҳ қадимий хитой ёдгорликлари хитой қамишидан қилинган ва бир-бирига бирин-кетин боғланган тахтачаларга ёзилган битиклардир. Одатда, уларни «Жушу» (қамиш китоб маъносини англатади) деб аталади. Бундай китобларнинг айримлари сўнгги ярим аср давомида очилган кўҳна қабрлар ичидан топилган. Шулардан бири милоддан аввалги XVI—XI асрларда мавжуд бўлган Шанг ҳокимлигига оид воқеалар баёнидир. Унда қуйидаги маълумотлар келтирилади. «Удинг 3-йили (мил. авв 1322) йил давомида куйфангларга ҳужум уюштириб, улар устидан ғалаба қилди. Уйи даврида (мил. авв. 1198—1193) Чжоугу-гун Данфу шюнгюй ёки диларнинг ҳужумига дуч келди»[38].

Ғарбий Чжоу ва Чжоу деб номланган ҳокимликлар (мил. авв. 1066—771) ҳақида ёзилган «Қамиш китоб»да қуйидагилар зикр этилган. «Чжоу [мамлакати ҳокими] Жили ғарб томондаги куйрунгларга ҳужум қилди. Дийининг 3 чи йилида (мил. авв. 1188) Нанжунг қалъасини ҳимоя қилиш учун буйруқ берилди. Тахминан 17 йил ўтгандан кейин Чжоу [мамлакати ҳокими] Вэнванг диларга, яъни рунгларга ҳужум уюштирди»[39].

[34] Зуочжуан. 2 жилдли, 1-жилд. Пекин. 1996. 20-бет.
[35] Ўша жойда. 25-бет.
[36] Ванг Чжунгхан. Чжунггуо минзу ши. 121-бет.
[37] Ўша жойда, 125—126-бетлар.
[38] Чжунггуо минзу гуанши гангъяв. 60-бет.
[39] Ўша жойда. 60-бет.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, милоддан аввалги XII—XI асрларда хитойлар ҳунларни яхши билишган ва уларни «шюнгюй», «куйрунг», «ди» деб аташган.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, хитой олимлари ҳунлар хитойларнинг шимолида яшагани «ди»ларнинг бир қисми эди, деган хулосани олға сурадилар. Жумладан, йирик олим Ванг Дужян ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Чунончи, у ўз асарида «шюнгну Хитойнинг шимолида яшаган кўчманчи халқ бўлиб, у Чин давридан анча замонлар олдин мамлакатимиз шимолида яшаган ди халқининг бир қисми эди» деб таъкидлайди[40].

Ван Дужяннинг сўзи билан айтганда «Шанг сулоласи ташкил топган (мил. авв. XVI—XI асрлар) ва ривожланган даврида хуашия (хитой) халқининг қулдорлик жамият тузуми янги даврга ўтган эди. Шунда шимол томонда яшаган халқ қабилаларга бўлиниб тарқоқ ҳолда жойлашган. Аммо, улар ичида туфанг, юнфанг, куйфанг деб номланган йирик қабилалар иттифоқи мавжуд эди. Ғарбий Чжоу даврида (мил. авв. XI аср — 771) шимолдаги халқлар ҳамон тарқоқ яшаган бўлса ҳам, уларда чюанрунг каби мукимлашган йирик сиёсий куч юзага келган»[41].

Шэн Вэй томонидан ёзилган «Люйжян» номли бир битикда «Тай ҳокими Гаофу Бин вилоятида[42] яшар эди, бу ерга дилар ҳужум қилди»[43].

Мазкур маълумотлардан кўриниб турибдики, куйфан диларнинг бир қисми бўлиб, унинг тарихий саҳнага келган вақти милоддан аввалги иккиминггинчи йилларга бориб тақалади.

Дуан Лянчиннинг келтирган маълумотларига қараганда, ди Шанг ҳокимлиги даврида хитойлар томонидан тилга олинган[44]. Маълумки, Шанг ҳокимлиги милоддан аввалги XVI асрда бошланган.

Мазкур хулосани асос қилган ҳолда Шие Зунгчжэнгнинг фикрига ёндошилса, турк ва туро атамалари ҳам бир сўздан трансформация этган бўлиб, уларнинг этимологик асоси қаттиқ ва ўткирлик маъносини берувчи «тиг» сўзига бориб тақалади, аммо турк бирликни, туро кўпликни билдиради[45].

Шундай қилиб айтиш мумкинки, турк атамасининг хитой манбаларида пайдо бўлганига 3,5 минг йилдан ошган. Аммо, мазкур атаманинг хитойларга маълум бўлган вақти унинг ва ушбу этноним билан аталган халқнинг пайдо бўлганига ҳам шунча вақт бўлди деб бўлмайди. Зеро, турк деб номланган халқнинг ва турк этнонимининг пайдо бўлган вақти ундан анча олдин бўлиши керак.

Қадимий турклар номини хитойлар туйик, туаук (ҳозирги ўқилишда ди, ти), дили, тили, динглинг, телэ деб талаффуз этишган. Ушбу хитойча аташлар турк этнонимининг ҳар хил даврдаги хитойча транскрипциясидир. Шунинг билан бирга хитойлар қадимда туркларни умумий ҳолда рунг, бэйрунг, рунгди, куйрунг деб ҳам аташган. Ушбу атамалар туркларга хитойлар томонидан қўйилган номлардир.

[40] Ўша жойда. 109-бет.
[41] Ванг Чжунгхан. Чжунггуо минзу ши. 109-бет.
[42] Ҳозирги Хитойнинг Жэнон ўлкасида жойлашган.
[43] Ванг Чжунгхан. Чжунггуо минзу ши. 215-бет.
[44] Дуан Лянчин. Динглинглар. 12-бет.
[45] Сие Зунчжэнг. Тужюэ ши. 77—84-бетлар.

Уларни турк сўзининг транскрипцияси эмас, балки синонимлари деб айтиш мумкин.

Турк деб номланган қабила турклар таркибидаги бир авлоддир. Унинг номидан келиб чиқиб қадимий туркларнинг келиб чиқиш тарихига ёндошиш ва ҳукм чиқариш ҳақиқатдан узоқлашишга олиб келади.

*А. Ходжаев*

*НЕКОТОРЫЕ ТЮРКСКИЕ ЭТНОНИМЫ В ДРЕВНЕЙШИХ КИТАЙСКИХ ИСТОЧНИКАХ*

*В результате проведенного исследования выявлено, что этноним «тюрк» вошел в китайскую историографию около 4 тыс. лет тому назад. Изменения при чтении китайских иероглифов в процессе эволюции собственно китайского языка привели к появлению массы разночтений многих этнонимов, что крайне затруднило правильное понимание исследователями ряда исторических событий.*

*A. Khodjaev*

*DATE ON TURKIC NATIONES SOURCED FROM ANCIENT CHINESE MANUSCRIPTS*

*The present article is dedicated to study the data on Turkic nations sourced from ancient Chinese manuscript and to analysis of ancient reasing (pronunciation) of Chinese characters usrd to transcript different ethnonims. Reult of the concluded study it is discovered the ethnonim Turk started to bu uzed in Chinese historiography about 4 thousand years ago. Some changes in pronunciation of characters during the process af evolution of Chinese language have leaded to o lot of different pronunciations of many ethnonims and as result created many difficulties for researchers in right understanding of different historical facts.*

*Ш. Шаназаров*

## КЛАССИФИКАЦИЯ НАМОГИЛЬНЫХ КАМНЕЙ XV—XIX вв.

### (по материалам Каршинского оазиса)

Письменные источники, археологические и этнографические сведения не могут дать полного представления о протекавших в прошлом исторических картинах. Важнейшим информативным источником, раскрывающим некоторые аспекты истории отдельных районов Мавераннахра, являются эпиграфические памятники — надгробные надписи, содержащие самые разнообразные сведения.

Намогильные камни — своеобразный исторический и археологический источник.

Помимо пышных надписей, свидетельствующих о конкретных исторических персонах, они содержат богатые декоративные приемы, отражающие художественно-ремесленные достижения мастеров Мавераннахра и Хорасана. Наряду с эпиграфическими надписями, на всех памятниках мусульманской культуры широко применялось архитектурно-декоративное оформление. Художественная обработка и изготовление каменных надгробий проводились в специализированных мастерских крупных городов. Принимая заказы от городской знати и местных правителей, резчики по камню вырезали изысканные узоры на мраморе и граните. Творения сангтарашей — намогильные камни,

являлись образцами высокохудожественных изделий, приобретая вид «микроархитектурных зданий»[1].

За последние годы в Каршинском оазисе обнаружено большое количество намогильных камней (более 80), содержащих ценные исторические сведения, охватывающие период с XV по XIX вв.

Намогильные плиты разных эпох различаются по форме и внешним признакам, что является основой для проведения типологического анализа и распределения эпитафий по группам.

Нами выделены два типа намогильных камней:

I. Сундукообразные.

II. Трапециевидного сечения или продолговатой формы.

I. Сундукообразные. По внешнему виду они напоминают сундук. В тексте одного из намогильных камней горного района Кашкадарьинской области имеется термин — самоназвание «сундук» (Катта-Лангар, 4)[2]. Этот же термин широко распространен на памятниках подобного типа в Азербайджане[3]. В нашем списке количество таких намогильных камней составляет 35%. Сундукообразные намогильные камни бывают двух видов: а) несводчатые; б) сводчатые.

Камни первого вида содержат 27% всех эпитафий, хронологические рамки которых охватывают период XV—XVI вв. Сундукообразные несводчатые намогильные камни по размерам разделены на две группы: а) больших размеров (длина 152—225 см); б) малых размеров (96—146 см).

Второй вид — сундукообразные сводчатые намогильные камни. По внешнему виду они напоминают колыбель *(бешик, гавхара)*. Таких памятников около 8%. Их длина составляет от 80 до 154 см.

Интересен тот факт, что, судя по надписям, намогильные камни со сводчатой верхней частью устанавливались над женскими погребениями.

II. Намогильные плиты трапециевидного сечения или продолговатой формы. Большинство памятников этого типа хронологически относится к XVIII—XIX вв. Их длина — 92—157 см. К концу XVIII в. намечается упрощение в оформлении каменных надгробий. Изделия в основном некачественные и по внешнему облику становятся более стандартными и примитивными.

Эпиграфические памятники Каршинского оазиса представляют собой тщательно обработанные мраморные и известняковые плиты в форме плоского параллелепипеда. Все камни были предназначены для установки на могилах, поэтому при размещении эпитафии резчик оставлял незаполненным нижний конец камня, который закапывался в землю, т. е. его подземная часть не обрабатывалась. Данный принцип соблюдался в абсолютном большинстве случаев. Намогильные камни устанавливались у изголовья погребенного лицевой стороной на восток.

---

[1] Массон М. Е. Плоскоплиточные каменные намогильники Южного Туркменистана XVIII в. (Из истории Мерва XVIII столетия)//Труды ЮТАКЭ. Т. XIV. Ашхабад, 1969.

[2] Аминов Б. Б. Памятники эпиграфики юга Узбекистана как исторический источник (XV—XX вв.) Автореф. дис.... канд. ист. наук. Ташкент, 1998.

[3] Нейматова М. С. Мемориальные памятники Азербайджана XII—XIX вв. Баку, 1981.

Оформление эпиграфических памятников и их декорировка неразрывно связаны со структурой текста, его почерком и содержанием самой надписи. Это источники особого рода, включающие в себя особенности памятников письменности и материальной культуры.

В круг архитектурно-декоративных элементов намогильных камней входят: полуколонки по четырем углам, сталактиты на верхней части, михрабные ниши, звезды и т. д. Наиболее эффективно была оформлена верхняя часть намогильных плит. Именно в этой части памятников декор складывался из отдельных орнаментальных мотивов, служащих датирующими признаками. Здесь были популярны отдельные декоративные элементы (розетки, плетенки, звезды, сталактиты, тимпаны, михрабы и т. д.).

На большинстве намогильных камней привлекает внимание изображение восьмигранных звезд, которые вырезались двумя параллельными линиями — внутренней и внешней. Кончики наружных отростков венчаются двумя расходящимися друг от друга линиями. Посередине такой звезды аккуратно вырезан прямоугольник, который соединяет все ее лучи.

Изображение восьмигранных звезд стало практиковаться в конце XIV в. Этот обычай соблюдали до начала XVI в.

Отметим, что основные декоративные приемы , зафиксированные в оформлении кайраков XI—XIV вв., нашли претворение и развитие в резных мраморных надгробиях Самарканда XVI и последующих веков[4].

Большое значение в оформлении надгробий XV—XVI вв. имеют бордюры, сделанные, главным образом, для усиления художественного восприятия Бордюрные орнаменты могут быть трех разновидностей: 1) углубленные одинарные или двойные прямые линии; 2) рельефные или углубленные полосы; 3) параллельно идущие валики или линии, пересекающиеся под прямым углом через определенные промежутки.

Основной текст эпитафии может отделяться от заглавной формулы орнаментальной полосой, имеющей вид растительного побега, известного на Востоке под названием «византийской ветки» или «ислими».

Важным элементом оформления сундукообразных намогильных камней является также наличие архитектурных элементов — полуколонок по четырем их углам. Выделяются три типа декора: морпеч (змеиный стиль); занджира (цепеобразный стиль); простые (отсутствие орнамента или полуколонок).

Орнаментация первого типа относится к XV—XVI вв., второй и третий датируются XVI—XIX вв.

На протяжении XIV—XVIII вв. резной камень и резное дерево весьма часто использовались в декоративных целях. Широкое распространение имели художественная каллиграфия, геометрические и растительные арабески[5]. Следует отметить, что каллиграфы не только в совершенстве владели своим искусством, но также были замечательными художниками.

---

[4] Додхудаева Л. Н. Эпиграфические памятники Самарканда XI—XIV вв. Т. 1. Душанбе: Дониш, 1992. С. 52.

[5] Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И. Очерки искусства Средней Азии. М.: Искусство, 1982. С. 35.

Вышеописанные знаки и орнаменты в большинстве случаев датированы. Знаки, орнаменты и изображения разнообразных фигур могут служить ценным источником для этнографов и искусствоведов в определении художественной ценности или датировки знаков при надписях на памятниках Каршинского оазиса.

Расположение надписей на намогильных камнях имеет определенный порядок и систему. Кроме исторических данных на эпитафиях нанесены выдержки из Корана. Большое количество надписей-эпитафий XV—XVI вв. расположено в следующем порядке:

1. В верхней части лицевой плоскости нанесены коранические стихи, а также «Калима тавхид».

2. Ниже идет изображение михраба. Внутри него, в том числе и по краям эпитафии, имеются «Оят ал-курси» (престольный стих), иногда марсия (элегия) в честь усопшего.

3. В верхней и нижней частях лицевой плоскости или на торце памятника высечены имена, титулы, сведения о роде занятий и дата смерти.

4. На боковых частях многих намогильных камней нанесены марсия на персидско-таджикском языке.

Надписи намогильных камней, датируемых концом XVIII—XIX вв., особенно исторические данные, обычно располагаются только на верхней площадке продолговатых камней.

Тексты эпитафий XV—XVI вв. составлены на арабском и персидско-таджикском языках.

Прослеживаются различия в датах, текстах многих эпитафий XV—XVI вв.: дата смерти указана в цифрах, а в отдельных случаях— в летосчислении абджад.

Подавляющая часть текстов эпитафий XV—XVI вв. составлена почерком сульс, сульс-и насхи и куфи.

Некоторые надписи исполнялись более сложным приемом — они крупного размера и имеют довольно высокий рельеф. Резчики по камню в результате постоянного, упорного и кропотливого труда совершенствовали свое мастерство. В работах таких замечательных мастеров-резчиков угадывается тенденция превращения арабских букв в один из элементов орнаментального искусства. Вообще в Средней Азии, как установил А. Муродов на основе рукописей среднеазиатских каллиграфов, употреблялось не менее 36 разновидностей стиля арабского письма[6].

Небольшие лаконичные тексты намогильных камней, состоявшие из трех—четырех строк, постепенно увеличивались до нескольких строк. Первоначально это увеличение шло за счет общепринятых коранических формул, затем, в XV—XVI вв., они постепенно стали сводиться до минимума. Эпитафии увеличивались за счет текстов на таджикском языке, преимущественно стихотворного содержания. Большинство подобных текстов непосредственно адресовано покойному. Характерной особенностью таджикских текстов является их официальный тон: в основном они посвящены представителям феодальной верхушки, деятельности правителей.

---

[6] Муродов А. Урта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. (Из истории каллиграфии Средней Азии). Тошкент, 1971. 25—28-бетлар.

Следует особо сказать о намогильных камнях, изготовленных и обработанных в эпоху Темуридов. Это высокохудожественные изделия, отличающиеся качественным оформлением и богатством архитектурно-декоративных элементов, не встречающихся среди памятников последующих столетий. Широкое применение в качестве материала для каменных надгробий XV в. получил мрамор. Большое количество намогильных плит XVI—XIX вв. изготовлено из серого и темно-серого гранита.

Памятники XV в. — творения Самаркандской школы камнерезания и каллиграфии. Однако, начиная с этого же столетия, стали появляться намогильные камни, изготовленные мастерами местной школы, хотя и уступающие предыдущим качеством художественной обработки.

Таким образом, анализ памятников культуры XV—XIX вв. Каршинского оазиса показал, что здесь были распространены намогильные камни двух видов: сундукообразные и трапециевидные. Начиная с XVIII—XIX вв., порядок при нанесении коранических стихов, марсия и исторических данных не всегда соблюдался[7], что отразилось на характере оформления намогильных камней мастерами местной школы.

Классификация камней также дает ясную картину уровня развития экономики. Так, низкого качества и примитивно оформленные надгробные памятники XVIII—XIX вв. свидетельствуют о кризисе камнерезного искусства в то время.

*Ш. Шоназаров*

*XV—XIX АСРЛАР ҚАБРТОШЛАРИНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ*

*(Қарши воҳаси материалларидан)*

*Мовароуннаҳр тарихини ёритиб бериш учун эпиграфик маълумотлар муҳим аҳамият касб этади. Қабртош ёзувлари турли хил янги ахборотлар манбаи бўлиб хизмат қилади Ёзувлар айрим тарихий шахслар ҳақида гувоҳлик беради. Қабртош ёзувлари турли хил араб ёзувларида битилган. Қабртошлардаги нақш безаклар Мовароуннаҳр ва Хуросон бадиий ҳунармандчилигининг тараққий томонларини ёритиб беради. Унинг сифати нафақат сангтарошлик мактаби, балки воҳанинг иқтисодий аҳволини ҳам қамраб олган.*

*Sh. Shanazarov*

*CLASSIFICATION TOMB-STONE XV—XIX AGE*

*(material Karshi oasis)*

*One of the most important informative sources, opening some aspects of history of individual districts of Mavoraunnachr mace an appearance epigraphic monuments-epitaphs including the most diverse information. Inscriptions attest about concrete historical persons. In accomplishment of inscriptions are made use of different styles of arabian hand-writing. The decoration of gravestones reflect art-handicraft achevements of craftsmen of Mavoraunnachr and Khorasan and quality of its accomplishment disposes the picture of development level not only rock craftsmanship, but economics in whole.*

[7] Мукминова Р. Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI веке. Ташкент, 1976.

*Ш. Камолиддин, Р. Мукминова*

# ЗАМЕТКИ О ГЕОГРАФИЧЕСКОЙ КАРТЕ СРЕДНЕЙ АЗИИ АБРАХАМА МААСА

«Карта Каспийского моря и страны Узбек» *(Nova Maris Kaspii et Regionis Usbeck)*, опубликованная в 1735 г. в Нюрнберге[1], согласно латинской надписи на ней, была составлена неким Йоханном Петером ван Геленом на основе рукописной карты голландского картографа Абрахама Мааса, служившего в свое время в России. Она была скопирована им с оригинала русской карты, составленной по случаю отправления в 1723 г. посольства России в восточные страны и представленной русскому монарху[2]. В настоящее время эта карта хранится в Национальной библиотеке им. Сечени в г. Будапеште (Венгрия)[3].

Карта А. Мааса относится к разряду географических, созданных в непрофессиональный период картографии, т. е. до начала проведения точных топографо-геодезических измерительных работ в начале XIX в. Среди известных карт Средней Азии того периода хронологически она стоит между картой М. Дубровина, изданной в 1731 г. И. Кириловым в Москве[4], и картой, составленной в 1741 г. геодезистом И. Муравиным[5], а из синхронных географических карт, созданных в

---

[1] Nova Maris Caspii et regionis Usbeck Cum provincijs adjacentibus vera delineato in qua itinera Regia et alia notabiliora accurate denotantur per A. Maas. Curantibus Homannianis heredibus/Reductio mappae... per Iohannem Petrum van Chelen. Nurnberg: Homanische Erben, 1735.

[2] Это посольство, по всей вероятности, было отправлено царем Петром I (в 1686—1696 правил Россией вместе со своим братом Иваном V, а с 1721 г. по 1725 г.— император России), правление которого характеризуется значительным развитием науки и техники и, в частности, интенсификацией географических исследований и открытий. (См.: Берг Л. С. История русских географических открытий. М., 1962. С. 18, 106—108). Известно, что Петр I имел особые планы на Среднюю Азию и в 1714—1715 гг. снарядил две специальные экспедиции, одна из которых под руководством князя А. Бековича-Черкасского должна была исследовать старое русло Амударьи, по которому ранее она впадала в Каспийское море, а вторая — под руководством полковника И. Бухгольца должна была исследовать золотые запасы Средней Азии. По завершении экспедиций Петр I дал распоряжение составить карту Каспийского моря и Средней Азии, которая легла в основу многих более поздних карт. (См.: Дьяконов М. А. Путешествия в Среднюю Азию от древнейших времен до наших дней. Л., 1939. С. 45—51; Берг Л. С. Очерк истории исследования Аральского моря//Избр. тр. Т. 3. Средняя Азия. М., 1960. С. 197—198). После провозглашения в 1721 г. Российской империи Петр I в 1722—1723 гг. вел войну против Ирана и присоединил к Российской империи западное побережье Каспийского моря. После окончания войны в 1723 г., вероятно, и было отправлено посольство в Среднюю Азию, в котором принимал участие А. Маас.

[3] По данным Л. С. Берга, она находится в одном из атласов наследников Гомана, хранящихся в Публичной библиотеке (шифр 26 10.1.2). (См.: Берг Л. С. Очерк истории исследования Аральского моря. С. 200). Копия с этой карты была снята во время визита государственной делегации Узбекистана в Венгрию в октябре 2002 г.

[4] Берг Л. С. Две карты Аральского моря первой половины XVIII в.//Известия Всесоюзного географического общества, 1939. № 10 Имеется также генеральная карта Российской империи, составленная самим И. Кириловым (1734 г.), в которой им были подытожены все имевшиеся в то время картографические данные о Средней Азии. См.: Багров Л. С. Карты Азиатской России. Исторические заметки. Пг., 1914. С. 18.

[5] Федчина В. Н. Как создавалась карта Средней Азии. М.: Наука, 1967. С. 60.

Карта Каспийского моря и страны Узбек Абрахама Мааса(Нюрнберг, 1735г.)



Западной Европе, она относится к карте, составленной в 1730 г. греческим путешественником В. Ватаци[6], и предшествует карте, составленной в 1745 г. английским капитаном Т. Вудруфом[7].

Хотя карта А. Мааса и была известна исследователям истории создания карты Средней Азии, специальных работ, посвященных ее описанию, не имеется[8]. Между тем эта карта содержит в себе данные не только географического, но и историко-политического характера, и ее изучение может внести в научный оборот новые данные по исторической географии и топонимике Средней Азии эпохи позднего средневековья.

Карта А. Мааса представляет собой схематическое описание Каспийского моря *(Mare Caspium)* и Среднеазиатского региона, вся территория которого объединена под названием «Узбек» *(Usbek* или *Usbeck)*. На севере она граничит с областью Калмукия *(Kalmuchia)*, относившейся к России *(Russia Magna)* и областью Казахов *(Kosaki Populi Regio)*, на востоке — с областью Кашгар *(Cascar Regnum)*, а на юге — с областью Кабул *(Kabul Regnum)*, относившейся к Индии *(Indostan)*, областями Забулистан *(Sablestan)*, Хорасан *(Corassan)* и Астрабад *(Asterabat)*, относившимися к Персии *(Persia)*[9]. На карте изображены также регионы, прилегавшие к Каспийскому морю: с юга — области северной части Персии *(Persia)*, а именно Мазандеран *(Masanderan)*, Гилан *(Gilan)*, Курдистан *(Curdistan Persica)*, Персика *(Persica)*, Нусиабад *(Nusiabat)* и Йеркатзем *(Yerkatzem)*, с запада — области Тюркской Персии *(Persia Turcarum)*, а именно Азербайджан *(Aderbegian)*, Карабах *(Karabach)*, Ширван *(Scirwan)* и Курдистан *(Curdistan)*, с северо-востока — области Дагестан *(Dagestan)*, Черкессия *(Circassia)* и Грузия *(Gurgistan)*, с севера — южная часть Астраханской области *(Astracanum Regnum)* и Калмукии *(Kalmuchia)*, входившие в состав Российской империи *(Russia Magna)*.

С физико-географической точки зрения она представляет собой схематическое описание указанной территории, осуществленное на основе расспросных данных, путевых записок и карт, составленных рус-

---

[6] Багров Л. С. Материалы к историческому обзору карт Каспийского моря. Спб., 1912.

[7] Федчина В. Н. Как создавалась карта Средней Азии. С. 62.

[8] Имеются только отдельные упоминания о ней и краткие описания некоторых ее частей. См.: Берг Л. С. Очерк... С. 200—201.

[9] В географической литературе вся территория Средней Азии известна под названием «Туркестан». Этот естественный природно-географический регион, имеющий четко обозначенные границы, занимает обособленное положение в центре Азиатского субконтинента и представляет собой единую тесно взаимосвязанную систему равнин, гор и рек. (См.: Мушкетов И. Туркестан. Геологическое и орографическое описание по данным, собранным во время путешествий с 1874 по 1880 гг. Т. I. Пг., 1915. С. 15). Туркестанский регион, в свою очередь, делится на несколько физико-географических провинций, главной составляющей из которых является провинция Туран. (См.: Когай Н. А. Туранская физико-географическая провинция//Научные труды ТашГУ. Вып. 353. Ташкент, 1969. С. 7—9; Бабушкин Л. Н., Когай Н. А. Физико-географическое районирование Средней Азии//Научные труды ТашГУ. Вып. 307. Вопросы географического районирования Средней Азии. Ташкент, 1967. С. 13—14). Большую часть провинции Туран составляют пустыни Устюрта и Приаралья (См.: Мурзаев Э. М. Исследование И. П. Герасимовым Туранской равнины. Ашхабад: Ылым, 1990. С. 50—53), а также склоны горных систем Западного Тянь-Шаня, Гиссара, Алая и Копетдага (См.: Когай Н. А. Физико-географическое районирование Туранской части Средней Азии. Ташкент: Фан, 1969. С. 3—4).

скими и европейскими путешественниками предшествующего времени. По уровню технического исполнения и точности передачи расположения географических объектов она стоит намного выше, чем, например, известная карта, составленная английским путешественником А. Дженкинсоном в 1562 г.[10] или карты Н. Витсена 1687 г., Е. Мейера 1703 г. и карт, составленных экспедицией Черкасского в 1715—1716 гг., и даже превосходит вышеупомянутую карту Т. Вудруфа 1745 г. Ее можно поставить в один ряд с такими картами, как карта путей Российского посольства в Персию, составленная в 1746 г., генеральная карта Оренбургской губернии и сопредельных с ней земель, составленная в 1780 г., и карта Киргизской степи и Бухарии, составленная в конце XVIII в., которые непосредственно предшествуют периоду, когда были начаты первые топографо-геодезические работы[11]. Однако по своим техническим характеристикам и достоинствам она значительно уступает более поздним военно-топографическим картам XIX в., составленным российскими военными специалистами на основе точных картографических данных[12].

Очертания Каспийского моря (*Mare Caspium*) в целом соответствуют его действительной конфигурации, но довольно далеки от точности[13]. В частности, залив Кара-Богаз-гол (*Sinus Karabusa*) на этой карте изображен в значительно меньших размерах и несколько севернее своего действительного местоположения. То же самое можно сказать и о полуострове Мангышлак, очертания которого не соответствуют истинным. Аральское море (*Lacus Aralskaya*) изображено в виде яйца и помещено значительно южнее своего действительного местоположения[14]. Очертания рек Сырдарьи (*Sirl fl.*) и Амударьи (*Amu fl.*) также весьма схематичны. Согласно карте, несколько восточнее от дельты Сырдарьи с северной стороны в нее впадают несколько рукавов, вытекающих из довольно крупного озера, называемого Фарабским (*Lacus Farabensis*), помещенного в округе Отрара (*Ostrar Regnum*) между Фарабом (*Farab*) и Исфиджабом (*Esfisjaab*). Однако на других картах того времени[15] и на современных картах в этой местности столь крупного водоема не было и не существует[16]. Пески Кызылкума и Каракумов, расположенные к востоку от Аральского моря, на карте вообще не показаны. Между тем общие представления об этих пустынях

---

[10] Английские путешественники в Московском государстве в XVI веке./Пер. с англ. Ю. В. Готье. М., 1938. С. 193.

[11] Федчина В. Н. Как создавалась карта Средней Азии. С. 44—77.

[12] Там же. С. 78—117.

[13] По данным Л. С. Берга, Каспийское море на карте Мааса занесено по съемкам и промерам В. Вердена и Соймонова 1720—1721 гг. См.: Берг Л. С. Очерк... С. 201.

[14] См.: Карта Аральского моря, составленная Бутаковым и Поспеловым в 1848—1849 гг.//Известия Туркестанского Отделения Императорского Русского географического общества. Т. 3. Научные результаты Аральской экспедиции. Вып. 1. Ташкент, 1902. С. 62.

[15] Кроме вышеупомянутых карт имеется еще целый ряд других, составленных в первой половине XVIII в., таких, в частности, как карта Шенка 1722 г., карта Сибири Штраленберга 1730 г., Генеральная карта России Кирилова 1734 г., карта Российской империи Сеутера 1739 г. и т. д., на которых изображена и территория Средней Азии. См.: Багров Л. С. Карты Азиатской России. С. 16—25.

[16] На современной карте имеются маленькое и не связанное с Сырдарьей озеро Арысь и протекающая к востоку от нее небольшая река Сарысу, временами впадающая в Сырдарью.

были известны русским географам уже в XVII в.[17] На реке *Gemba fl.* (Эмба), впадавшей в Каспийское море, нанесены те пункты, которые встречаются на картах того времени на Сырдарье: *Aukairgan, Iakscha, Isugan, Kursauk, Sukan, Sakairon* и др. В Эмбу впадает также река *Kindiralik fl.*, тогда как на других картах она вливается в Сырдарью[18]. Горы на карте показаны весьма условно, без различия их высоты: одним и тем же знаком (в виде горки) переданы как горы Тянь-Шаня, Памира и Алая, так и небольшие возвышенности.

Особый интерес представляют данные карты о двух протоках, вытекавших из Амударьи в западном направлении и впадавших в два разных залива, располагавшихся в южной части Каспийского моря[19]. Один из них южный (верхний), назывался *Rulchana*[20] *Kurkan fl.*, отделялся от Амударьи южнее Хивы (*Khiwa*) и соединялся с заливом *Sinus Minkischlakensis;* второй, северный (нижний) проток *Gihoun fl.*, отделялся, от дельты Амударьи и соединялся с Балханским заливом (*Sinus Balchensis*). Примечательно, что большая часть обоих этих рукавов изображена полноводной и лишь небольшой участок их русел, соединенных с Каспийским морем, изображен сухим. Нижние сухие части обоих русел сопровождаются надписью *Alveus viccus*. В самом начале нижнего протока, у места его отделения от дельты, отмечен большой мост *Pons rocus de Pioco.* Еще в недавнем прошлом в нижней части Амударьи от ее главного русла отделялись несколько рукавов, соединявшихся в одно русло и впадавших в озеро Сарыкамыш, располагавшееся на полпути между руслом Амударьи и побережьем Каспийского моря. Исходя из этих данных, можно предположить, что в определенный период истории воды Амударьи впадали в Каспийское море[21] не только

---

[17] Ю г а й Р. Л. История развития географических и картографических представлений о пустыне Кызылкум (с древнейших времен до середины XIX в.). Ташкент: Фан, 1966. С. 13.

[18] Так, на карте Шенка (1722 г. река *Kindiralik* впадает в Сырдарью. Так же и на 21 карте Ремезова (1697 г.), где эта река носит название *Большой Кындырлик.* См.: Б е р г Л. С. Очерк... С .194—196.

[19] На других известных картах того времени отмечено только одно — нижнее русло. (См.: Ф е д ч и н а В. Н. Как создавалась карта Средней Азии. С. 51, 70, 75 и др.). Некоторое исключение, пожалуй, составляет только карта «Азии» 1795 г., согласно которой Амударья целиком впадала в Каспийское море, а Аральское море было соединено с Каспийским отдельным руслом. См.: Ф е д ч и н а В. Н. Как создавалась карта Средней Азии. С. 76.

[20] Л. С. Берг читает это название в форме *Bulchane.* См.: Б е р г Л. С. Очерк... С. 200.

[21] Согласно данным письменных источников, в середине I тысячелетия до н. э. Амударья впадала в Каспийское море (Геродот), в I в. н. э. часть ее вод впадала в Каспий, а часть — в Арал (Страбон), в VIII—X вв. она впадала в Арал (арабские географы IX—X вв.). После того, как монголы опустошили Хорезм и разрушили все имевшиеся на реке плотины, Амударья вновь изменила свое течение и пошла к Каспийскому морю. (См.: Б а р т о л ь д В. К вопросу о впадении Амударьи в Каспийское море// Записки Восточного Отделения Императорского Русского археологического общества. Т. XIV. СПб., 1902. С. 25). По данным хивинского хана Абу-л-Гази (1603—1663 гг.), в 1573 г. Амударья вновь повернула свои воды к Аральскому морю, проложив себе путь через тугай Кара-уйгур (См.: Б е р г Л. С. Сведения источников о Каспийском море//Избр. тр. Т. 3. Средняя Азия. М., 1960. С. 334—335). Существует мнение, что Амударья изменила свое течение после того, как хивинцы возвели плотину, опасаясь проникновения русских военных кораблей из Каспийского моря в Хорезм. См.: Д ь я к о н о в М. А. Путешествия в Среднюю Азию. С. 47—49.

по сухому ныне руслу Узбоя[22], а также по другому самостоятельному руслу[23], точное местоположение которого еще предстоит выявить[24].

С историко-политической и историко-этнографической точек зрения карта А. Мааса представляет собой, с одной стороны, схематическое описание территории расселения узбеков в XVI — первой половине XVIII в., с другой — территории Средней Азии, подчинявшейся политической власти узбекских ханов, а именно правителей из династии Шайбанидов (XVI в.) или ханов из династии Аштарханидов (XVII — первая половина XVIII в.). Границы территории, обозначенной под названием «Узбек», на западе проходят вдоль восточного побережья Каспийского моря, на севере — от места впадения реки *Gemba fl.* (Эмба) до северной оконечности Тянь-Шаньских гор, на востоке — вдоль гор Тянь-Шаня, Памира и Алая, а на юге — вдоль гор Хиндукуша[25]. Вся эта территория разделена на 11 провинций *(Provincija)*, или областей *(Regnum)*, располагавшихся в три ряда. В верхнем ряду находились шесть областей, которые назывались (с востока на запад) так: *Turkestan* (Туркестан), с центром в городе *Turkestan vilus Xocan*,

---

[22] Сведения Абу-л-Гази не были известны европейцам, поэтому на картах Средней Азии, составленных ими вплоть до начала XVIII в. (карта Н. Витсена 1665 г., карта Н. Витсена 1687 г., карта Я. Стрюйса 1668 г., карта Ремезова 1697 и 1699 гг., карта Е. Мейера 1703 г., карта Исбранта, Идеса 1704 г.), Амударья, как и прежде, продолжала впадать в Каспийское море. (См.: Берг Л. С. Сведения источников о Каспийском море. С. 336—342). Точные данные о впадении Амударьи в Аральское море и ее старом русле (Узбое) стали известны русским только после экспедиции А. Бековича-Черкасского (1715 г.), после чего впервые на картах (карта А. Бековича-Черкасского 1715 г., карта неизвестного автора 1723 г., карта Дубровина, изданная Кириловым в 1729 г., карты Кожина и Урусова 1718 г., карта Ван-Вердена и Соймонова 1720 г. и др.) появилось изображение старого сухого русла Амударьи. (См.: Берг Л. С. Сведения источников о Каспийском море. С. 345—350). О сухом русле Узбоя см. также: Низовья Амударьи, Сарыкамыш, Узбой. История формирования и заселения. М., 1960; Толстов С. П. По древним дельтам Окса и Яксарта. М.: Наука, 1962. 324 с.

[23] О существовании этого русла еще в XVI в. писал английский путешественник А. Дженкинсон. См.: Английские путешественники в Московском государстве в XVI в. С. 190.

[24] Известно, что Петр I уже давно вынашивал планы завоевания Средней Азии с целью выхода к границам Индии. Для этой цели он снарядил в 1714—1715 гг. специальную экспедицию для исследования старого русла Амударьи, по которому она раньше впадала в Каспийское море. Эта огромная экспедиция в составе 1 900 человек под руководством князя А. Бековича-Черкасского, выехавшая на 30 кораблях из Астрахани, должна была изучить возможность возвращения вод Амударьи в ее прежнее русло, чтобы русский флот мог проникнуть по водной магистрали из Каспийского моря в глубь Средней Азии и дойти до Индии. А. Бекович-Черкасский искал плотину, которую возвели хивинцы, чтобы разрушить ее и повернуть Амударью к Каспийскому морю. См.: Дьяконов М. А. Путешествия в Среднюю Азию. С. 45—49.

[25] Вся эта территория в XIX — начале XX в. была известна под названием «Туркестан». В то время данный топоним означал не только географическое понятие, а прилагался к конкретной территории, которая позднее была включена в состав Российской империи в качестве отдельной территориально-административной единицы. В период национально-освободительной борьбы народов Средней Азии за свою независимость (1917—1924 гг.) это название имело также политическое значение. В 1924 г. вместо него искусственно был введен географический термин «Средняя Азия». (См.: Камолиддин Ш. С. К вопросу об употреблении терминов «Мавераннахр» и «Туркестан»//Ўзбекистон тарихи. 2002. 4-сон. 61—68-бетлар). Употребление на карте Мааса по отношению к этой территории названия «Узбек» свидетельствует о том, что после XVI в. этот этноним, имевший в то время политическое значение, заменил собой бывший до этого в употреблении термин «Туркестан», под которым подразумевалось государство Темуридов, т. е. вся территория Средней Азии.

*Fargan* (Фергана) с центром в городе *Fargan vilus Karcham, Askent* (Ташкент) с центром в одноименном городе *(Askent)*, *Ostrar* (Отрар) с центром в городе *Farab* (Фараб), *Aralskaia* (Арал) с центром в городе *Aral* (Арал) и *Turcomani Populi* (Туркменское население) в Туркменской пустыне *(Desertum Turcomanense)*[26]. В среднем ряду располагались три области — *Samarcand* (Самарканд) с центром в городе *Samarkand*[27], *Bocharia Propria* (Бухария) с центром в городе *Bochar* (Бухара) и *Chiwa Propria* (Хива) с центром в городе *Chiwa* (Хива) в Хивинской пустыне *(Desertum Chiwense)*[28]. В нижнем ряду находились две области — *Badaschan* (Бадахшан) с центром в городе *Badaſshan* (Бадахшан) и *Balk* (Балх) с центром в одноименном городе *(Balk)*.

Для обозначения двух областей, Бухары и Хивы, употреблено слово *Propria* (владение), передающее, по всей вероятности, значение «ханство»[29]. Хивинское владение *(Chiwa Propria)* и Аральская область *(Aralskaia Regnum)* объединены под общим названием *Regn. Chiwense* (Хивинская область). Бухарское владение *(Bocharia Propria)* и Самаркандская область *(Samarcand Regnum)* объединены под общим названием *Regnum Bocharia* (область Бухария). Административные центры всех областей обозначены специальным значком (минарет с мечетью и еще одно купольное здание), обрамленным в кружочек красного цвета. Общая столица всей территории, обозначенная на карте под названием «Узбек», не указана[30].

Одной из главных особенностей карты является то, что на ней наряду с населенными пунктами, передающимися специальным значком (в виде минарета с мечетью или минарета с двумя мечетями в зависимости от величины населенного пункта), также отмечены территории расселения кочевых племен, обозначенные другим значком (определенное количество юрт в зависимости от величины племени). Так, из этой карты мы узнаем, что в первой половине XVIII в. кочевые племена населяли северную часть Туркестанской области, северную и юго-восточную части Ферганской области, северо-восточную и северо-западную части Ташкентской области и восточную часть Хивинской области. Остальные территории, объединенные под названием «Узбек», согласно карте, были заняты оседлыми населенными пунктами, горами и пустынями. Юртами обозначены также прилегавшие с севера территории рас-

---

[26] На карте *Deſertum Turcomanense.*

[27] На карте название области передано в форме *Samarcand*, а название административного центра — в форме *Samarcand.*

[28] На карте *Deſertum Chiwenſe.*

[29] Это слово употреблено только по отношению к Хиве и Бухаре. Однако территории, обозначенные под словом *(Propria)*, по своей площади меньше, чем область *(Regnum)*. Возможно, что у составителя карты не было четкого представления о политическом устройстве государств Средней Азии того времени.

[30] Из этого следует, что в данном случае на карте мы имеем изображение территории не централизованного государства, а территорию расселения узбеков и областей, подчиненных политической власти отдельных узбекских государств, а именно Хивинского, Бухарского, Кокандского и Балхского ханств. Вполне вероятно, что под названием «Узбек» имеется в виду централизованное государство узбеков Шайбани-хана (XVI в.), распавшееся впоследствии на несколько ханств (См.: Ахмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. М.: Наука, 1965. 165 с.). Возможно, что в европейской традиции государство Шайбани-хана было известно именно под этим названием. Расположение областей и их границы на карте переданы неточно и лишь отдаленно соответствуют их действительному местоположению.

селения казахов *(Kosaki Populi Regio)*, расположенные к востоку от реки *Gemba fl.* (Эмбы) и к северу от Тянь-Шаньских гор, а также земли каракалпаков *(Karakalpaki Pop)*, которые, согласно карте, были расселены к северу от реки Эмбы, между ней и страной *Kalmuchia* (Калмыкия). К некоторым из юрт *(Steomikare* около дельты Амударьи в области Хивы) или нескольким из них *(Contubernia Cardaunorum* к северу от Отрара и к югу от реки Эмбы) на карте приложены названия, это, вероятно, означает, что здесь проживали не кочевые племена, а полукочевники, ведшие полуоседлый образ жизни. На карте имеются также значки в виде маленького черного кружочка, которыми обозначались небольшие селения, располагавшиеся на караванных путях и вдали от них, а также значки в виде кружочка с флагом, которыми, вероятно, обозначались караван-сараи. Отдельными линиями на карте изображены караванные пути, соединявшие между собой города и населенные пункты.

Отдельные территории на карте покрыты специальными значками в виде дерева с тенью. Ими обозначены только территории, располагавшиеся к югу от Амударьи, а именно южная часть Бадахшана, северная, южная и восточная части Балхской области, крайняя южная часть Бухарской области и крайняя юго-восточная часть Хивинской области. Значение этого значка еще предстоит выяснить. Он не мог означать леса, поскольку в указанных на карте территориях таковые отсутствуют. Если он означает сады или культурные земли вообще, то неясно, почему им не обозначены территории, располагавшиеся к северу от Амударьи. Примечательно, что этим же значком густо покрыты территории некоторых областей Южного Прикаспия (Мазандаран, Тегеран, частично Джурджан, Табриз и Мешхед), располагавшиеся на территории Персии, т. е. Ирана. Исходя из этих сведений, можно предположить, что под данным значком имеются в виду плантации определенного культурного растения выращиваемого в то время на этих территориях[31].

Карта А. Мааса представляет определенный интерес и с точки зрения исторической топонимики. Все надписи на ней осуществлены латинским шрифтом и легко читаются[32], однако в отдельных случаях они весьма трудно, а иногда и вовсе не поддаются чтению, так как осуществлены очень мелким и расплывчатым почерком и разобрать их можно будет только при помощи специальной компьютерной обработки. На данном этапе исследования кроме вышеперечисленных названий областей и их административных центров, нам удалось разобрать на карте названия еще некоторых географических и населенных пунктов. Так, кроме Амударьи *(Amu fl.)*, Сырдарьи *(Sirt fl.)* и Эмбы *(Gemba fl.)*, на карте отмечены реки *Iaik fl.* (Урал), *Fargan fl.* (правый приток Сырдарьи), *Maracal fl.* (правый приток Сырдарьи), *Bochar fl.* (правый приток Амударьи), *Balk fl.* (левый приток Амударьи), *Kindiralik fl.* (правый приток Эмбы), *Rulchana Kurkan fl.* (верхний рукав Амударьи, впа-

[31] Таким растением, например, могли быть масличные культуры, которые традиционно выращивались в областях Южного Прикаспия. См.: Атаев Х. А. Туркмены Ирана в 30—80 гг. XX в. Ашгабат, 1992. С. 19—21.

[32] Названия стран, областей и их административных центров, а также названия пустынь, морей, озер и этнических популяций на карте переданы печатными буквами, а названия гор, рек, морских заливов, островов и населенных пунктов так же, как и надписи на латинском языке, переданы прописными буквами.

давший в Каспийское море), *Cihsun fl.* (нижний рукав Амударьи, впадавший в Каспийское море). Из отмеченных на карте многочисленных гор приводятся названия только двух: *Karabas Montes* (в области Самарканда, к востоку от Кеша и к северу от Термеза) и *Balchan Montes* (в области Хивы, около Балханского залива Каспийского моря).

В области *Turkestan* (Туркестан), кроме одноименного административного центра (*Turkestan vilus Xocan*) и юрт кочевников, на карте отмечены города *Cholcand* (Ходженд ?), *Merglen* (Маргилан?), *Iaconich* и *Herma*, а также населенные пункты *Alosiger, Egriar, Moku, Nilur, Usch* (Ош), *Yesgirl* и селение *Saki*[33].

В области *Fargan* (Фергана), кроме одноименного административного центра (*Fargan vilus Karcham*), также отмечены город *Rubekel* и населенные пункты *Aschkeb, Bela-schun* (Баласагун?), *Kalanqaja, Nikel, Saun* и селение *Neluam*[34].

В области *Askent* (Ташкент), кроме одноименного административного центра (*Askent*), расположены населенные пункты *Abnalik, Acamouma, Buskat, Cablich, Carasurnum, Iuknungan* и селение *Dalan*[35].

В области *Ostrar* (Отрар) помимо административного центра *Farab* (Фараб), находятся город *Xivak*, а также населенные пункты *Achsical* (Ахсикат), *Casan* (Касан), *Castra, Chowokand* (Хуваканд), *Chojand* (Ходженд), *Coba* (Куба), *Iasel* (Яссы?) и *Sairam* (Сайрам)[36].

В области *Aral* (Арал), кроме одноименного административного центра (*Aral*), отмечены населенные пункты *Alkaria* (Ал-Карийа ал-Хадиса?), *Esfisjaab* (Исфиджаб), *Ilak* (Илак), *Taras* (Тараз) и *Torckat*[37].

---

[33] Согласно карте, эта область была расположена в верхнем течении Сырдарьи, т. е. в восточной части Ферганской долины, в бассейнах рек Нарын и Карадарья. Однако в Ферганской долине отдельной области или города с названием Туркестан в письменных источниках не зафиксировано. Из помещенных в этой области топонимов три (Ходженд, Маргилан, Ош), возможно, связаны с Ферганской долиной, из которых только один (Ош) находился в восточной ее части. Известно, что до начала XX в. территориально эта область вместе с областями *Fargan* (Фергана) и *Askent* (Ташкент) составляла ядро Кокандского ханства, на основе которого в 1918—1924 гг. была провозглашена Туркестанская автономия. См.: А ъ з а м х ў ж а е в С. Туркистон мухторияти. Миллий демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. Тошкент: Маънавият, 2000. 168-бет.

[34] Область *Fargan* (Фергана) занимала бассейн правого притока Сырдарьи — реки *Fargan fl.* Из топонимов, располагавшихся в этой области, отождествлению поддается только один — *Bela-schun* (Баласагун?).

[35] Эта область была расположена в бассейне правого притока (*Maracal fl.*), впадавшего в Сырдарью в ее среднем течении, и по своему местоположению соответствует Ташкентской области. Локализации поддается только главный город этой области *Askent*, который можно отождествить с Ташкентом, хотя его местоположение и не соответствует действительности.

[36] Большинство из населенных пунктов этой области поддается отождествлению с топонимами, упоминаемыми в письменных источниках, однако только три из них локализуются в среднем течении Сырдарьи, а именно *Farab* (Фараб), *Iasel* (Яссы?) и *Sairam* (Сайрам). Что касается остальных, то они были расположены в западной части Ферганской долины. Эта область некоторое время также входила в состав Кокандского ханства, образованного в начале XVIII в.

[37] Эта область находилась в нижнем течении Сырдарьи и по своему местоположению примерно соответствует территории нынешнего Каракалпакстана. Почти все топонимы, помещенные в этой области, упоминаются в письменных источниках. Однако из них только один *Alkaria* (Ал-Карийа ал-Хадиса?) находился в нижнем течении Сырдарьи, а остальные располагались в ее среднем течении. Согласно карте Мааса, эта область вместе с Хивинским владением (*Chiwa Propria*) составляла еди-

Во владении *Chiwa Propria* (Хива), кроме одноименного админи-
стративного центра *(Chiwa)*, отмечены города *Urgens* (Ургенч), *Cant*
и *Chiwa majer*[38], а также населенные пункты *Amberlost s. Ancord, Deris-*
*ban, Hasarasp* (Хазарасп), *Residencia Chani, Sagas, Saisure, Schama-*
*chot, Thorar, Xin*, селения (с караван-сараями) *Nasu, Raschli* и селение
полукочевников *Steomikare*[39].

В области *Samarcand* (Самарканд), кроме одноименного административного центра *(Samarkand)*, отмечены еще города *Arbinjan* (Арбинджан) и *Termed* (Термез), а также населенные пункты *Alwachs* (Вахш), *Amoluch, Arcikan, Basda* (Базда), *Cash* (Кеш), *Dabusja* (Дабусийа), *Nasch-Chaf* (Нахшаб), *Orkend, Osruschna* (Усрушана), *Sabat* (Сабат), *Samin* (Замин), *Schuman* (Шуман), *Tacn, Thocais* и селение *Wasjerd* (ВаШджирд)[40].

Во владении *Bocharia Propria* (Бухарийа), кроме одноименного административного центра *(Bochar)*, отмечены также города *Faraber* (Фарабр), *Carakol* (Каракуль), *Cossin* и *Iangikand* (Йангиканд), а также населенные пункты *Buchend* (Байкенд?), *Charkof* (Чарджоу), *Chudowa, Darian, Sabran* (Сабран), *Wabkana* (Вабкана), *Xirshif* (Керки) и *Xyrmana* (Кермина)[41].

В области *Badaschan* (Бадахшан), кроме одноименного административного центра *(Badaschan)*, отмечены города *Barak vel Belak* и *Ocient*, а также населенные пункты *Achsiges, Anlechen, Kena, Semenga*[42].

---

ную Хивинскую область *(Regnum Chiwense)*. До начала XX в. эти две области, как известно, составляли ядро Хивинского ханства.

К западу от нее на карте выделена территория с надписью *Turcomani Populi* (Туркменское население), располагавшаяся между северо-западным побережьем Аральского моря и северо-восточным побережьем Каспийского. На этой территории, занятой пустыней *Desertum Turcomanense* (Туркменской пустыней), никаких населенных пунктов или юрт кочевников не отмечено. В действительности территория расселения туркменских племен была намного обширнее, и на севере доходила до р. Яик (Урал), а на юге — до Туркмено-Хорасанских гор. (См.: Очерки по истории туркменского народа и Туркменистана в VIII—XIX вв. Ашхабад, 1954). До начала XX в. эта территория в политико-административном отношении также относилась к Хивинскому ханству.

[38] Далее следуют три слова, чтение которых разобрать не удалось. Город находился к западу от дельты Амударьи, на правом берегу русла, отделявшегося от дельты и впадавшего в Балханский залив *(Sinus Balchensis)* Каспийского моря.

[39] Это владение занимало нижнее течение Амударьи и территорию между южным и юго-западным побережьем Аральского моря и юго-восточным побережьем Каспийского. Из всех топонимов, отмеченных в этом владении, отождествляются только три — *Chiwa* (Хива), *Urgens* (Ургенч) и *Hasarasp* (Хазарасп). В административном центре этого владения *(Chiwa)*, согласно надписи на карте находилась резиденция Хивинского хана *(Residencia Chani)*.

[40] Область *Samarcand* (Самарканд), согласно карте, включала не только долину Зарафшана, но также долины Кашкадарьи, Сурхандарьи, горные районы, прилегав-
шие к Туркестанскому хребту, и некоторые районы верхнего течения Амударьи. Поч-
ти все топонимы, помещенные в этой области, отождествляются с данными письмен-
ных источников и относительно правильно локализуются. Территория этой области вмес-
те с Бухарским владением составляла единую область Бухария *(Regnum Bocharia)*,
которая соответствует территории Бухарского ханства (позднее Бухарского эмирата).

[41] Территория *Bocharia Propria* (Бухарского владения), согласно карте, была зна-
чительно меньше, чем область Самарканда, с которой она объединена дополнительной
надписью Regnum Bocharia (область Бухарийа). Почти все отмеченные здесь топонимы
упоминаются в письменных источниках. До начала XX в. в Бухаре находилась рези-
денция бухарских эмиров.

[42] Область *Badaschan* (Бадахшан) располагалась в верхнем течении Амударьи, в бассейнах ее истока (р. Пяндж) и ее левого притока (р. Кокча). Из всех топо-

В области *Balk* (Балх), кроме одноименного административного центра *(Balk)*, отмечены также населенные пункты *Ankony* (Андхой), *Cabadian* (Кобадиан), *Ramian*, *Seminkan* (Семинган), *Walwalich* (Валвалидж), а также селения *Achsbarkan* и *Telkan* (Таликан)[43].

Во многих из этих названий можно распознать топонимы, упоминающиеся в средневековых источниках. Однако местоположение многих из них не всегда соответствует данным письменных источников. Но, несмотря на неточности в передаче названий и локализации, эта карта в известной степени может служить ценным источником по исторической географии Средней Азии, поскольку среди отмеченных здесь пунктов могут быть такие, которые не упоминаются в других источниках.

Таким образом, предварительное изучение географической карты А. Мааса позволяет нам прийти к следующим выводам:

1. На карте изображена территория расселения узбеков эпохи Шайбанидов и Аштарханидов, а также подвластных им областей Средней Азии в XVI — первой половине XVIII в. Под названием «Узбек» имеется в виду централизованное государство узбеков, основанное Шайбани-ханом (ум. в 1510 г.), впоследствии распавшееся на несколько независимых государств, а именно Бухарское, Хивинское, Кокандское и Балхское ханства.

2. Карта осуществлена на основе более ранних карт, составленных в период двух экспедиций под руководством А. Бекович-Черкасского и И. Бухгольца, отправленных в Среднюю Азию в 1714—1715 гг. русским монархом Петром I.

3. По уровню картографического исполнения и точности передачи географических объектов она стоит намного выше карт, составленных в XVI — первой половине XVIII в. русскими и европейскими путешественниками, но по своим достоинствам значительно уступает военно-топографическим картам XIX в., составленным русскими картографами на основе точных топографо-геодезических измерений.

4. Местоположение областей и населенных пунктов, отмеченных на карте, лишь отдаленно соответствует действительному положению и имеет много неточностей.

---

нимов, помещенных в этой области, отождествляется только ее одноименный административный центр, который можно локализовать на месте г. Файзабада. Бадахшанское владение на протяжении всей своей истории занимало обособленное положение на Памире, отделяясь от соседних владений высокими горами. В середине XVI в. Бадахшан был завоеван Шайбанидами и в последующие века управлялся узбекскими правителями, которые некоторое время были полунезависимыми, а затем стали подчиняться балхским ханам. См.: Абаева Т. Г. Очерки истории Бадахшана. Ташкент: Наука, 1964. С. 102—108.

[43] Область *Balk* (Балх) находилась в бассейне левого притока Амударьи — реки *Balk* (Балхаб). Главный город этой области *(Balk)* отождествляется с городом Балхом — важным экономическим и политическим центром. Некоторые из других топонимов, отмеченных на карте, также отождествляются с топонимами, упоминаемыми в письменных источниках. В XVI—XVIII вв. область Балха составляла отдельное полунезависимое ханство, номинально подчинявшееся Бухаре. Территория Балхского ханства в действительности была намного больше, чем показана на карте, и включала такие крупные области, как Тохаристан, Бамиан, Бадахшан, Чаганиан, Хутталан и собственно Балхскую область, т. е. практически всю территорию древней Бактрии — Тохаристана и Кушанского государства. См.: Ахмедов Б. А. История Балха (XVI — первая половина XVIII вв.). Ташкент: Фан, 1928. С. 15, 35 и др.

5. Несмотря на имеющиеся погрешности и неточности, карта может служить ценным источником для изучения исторической географии Средней Азии и истории узбекской государственности не только эпохи позднего средневековья, но и более раннего времени.

*Ш. Камолиддин, Р. Мукминова*

*АБРАХАМ МААСНИНГ ЎРТА ОСИЁ ГЕОГРАФИК ХАРИТАСИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР*

*Голландиялик картограф Абрахам Мааснинг қўли билан чизилган «Каспий денгизи ва Ўзбек мамлакати харитаси» 1735 йилда Германиянинг Нюрнберг шаҳрида нашр этилган.*

*Бу харита нафақат географик, балки сиёсий аҳамиятга эга бўлиб унда ўша даврдаги маълумотлар асосида бутун Ўрта Осиё территориясини эгаллаган «Ўзбек» мамлакатининг сиёсий-маъмурий ҳудудлари тасвирланган.*

*Sh. Kamoliddin, R. Mukminova*

*SOME NOTES ABOUT GEOGRAPHICAL MAP OF CENTRAL ASIA BY ABRAHAM MAAS*

*The geographical map «The map of Caspian sea and Uzbek country», edited in 1735 in Nurnberg by Iohann Peter van Celen. This map has not only a geographic, but a political importance too, because it has a description of political — administrative bord ers of the country named «Uzbek», which was covered at that time all the territory of Central Asia.*

*Б. Пасилов*

## БОЛЬШЕВИЗМ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Марксизм XX асрнинг ўрталарида демократик институтлар нисбатан ривожланган ва капиталистик муносабатлар шаклланган Ғарбий Европада дунёга келди. Лекин, Ғарбий Европанинг ривожланган мамлакатлари учун «мўлжалланган» «пролетар революцияси таълимоти», яъни пролетариатнинг куч ишлатиш йўли билан сиёсий ҳокимиятни ўз қўлига олиши, аниқроғи бир «синфнинг бошқа бир синф» устидан уюшган ҳолда зўравонлик қилиши истиқболи «капиталистик тузум томонидан эзилган синф» ишчилар ўртасида кенг кўламда қўллаб-кувватланмади.

Париж коммунасининг мағлубияти (1871 й.), шунингдек, Европа социал-демократикларнинг зўравонлик рамзи бўлган пролетариат диктатурасини инкор этиб, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишнинг эволюцион (босқичма-босқич ўзгаришлар) ва ислоҳотлар йўлини танлаганлари (масалан, «марксизмнинг ватани Германияда ишчилар иттифоқи «эксплуататорлар синфи давлатини синдиришдан воз кечиб, уни умумий сайлов ҳуқуқи ва ишчиларнинг ишлаб чиқариш ширкатлари ёрдамида ислоҳот қилиш тарафдори бўлган Ф. Лассал ва унинг издошларини кенг кўламда қўллаб-қувватладилар) ғарб коммунистик ҳаракатига жуда катта путур етказди. Шунинг учун Маркс ва Энгельс ўзларининг нигоҳини Шарққа қаратдилар. Уларнинг фикрича, энди «революцион ҳаракат маркази» «Европа реакциясининг таянчи» саналган Россияга кўчади ва рус пролетариати «дунё

коммунистик ҳаракатининг авангарди»га айланиши «башорат» қилинади. Афсуски, бу «башорат» «империализмнинг энг кучсиз бўғини» бўлган чор Россияси мисолида амалга ошди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида рус социал-демократларининг «оталари» Плеханов, Мартов, Аксельрод, Ульянов (Ленин) иқтисодий ва сиёсий ривожланишда Ғарбдан бир неча ўн йиллар орқада қолган, бошқариш тизими ўрта асрлар тартиблари асосида қурилган, лекин ушбу сиёсий ва иқтисодий тизимни ғарб демократик анъаналарига тақлидона ўзгартиришга ҳаракат қилаётган Россия шароитларига «қўниктириш» учун астойдил ҳаракат бошладилар.

Лекин улар ўртасида марксизмнинг муҳим принциплари бўйича кескин келишмовчилик юзага келади ва бу масала рус социал-демократларининг II съездида (1903 й.) ўз ечимини топади.

Плеханов, Аксельрод, Мартовлар марксизмни чор Россияси шароитларини ҳисобга олган ҳолда татбиқ қилишни таклиф этиб, пролетариат диктатураси, яъни зўравонлик ва террорга қарши чиқдилар. Ленин бошчилигидаги ўта радикал томон эса (улар съездда кўпчиликни ташкил қилган ва шунинг учун большевиклар деб ном олган) плехановчиларни марксизмга сотқинликда айблаб, Россияда пролетариат диктатураси ўрнатишни кун тартибига қўйди.

Айнан шу даврдан бошлаб Ленин ва унинг тарафдорлари учун Россияда сиёсий ҳокимиятни эгаллаш ва пролетариат диктатурасини ўрнатиш стратегик аҳамият касб этади (ушбу «орзу» 1917 йилнинг октябрида ушалгач эса большевизм «сиёсий оқим ва сиёсий партия сифатида» Россияни, шу жумладан, Туркистон халқларини ижтимоий ҳалокат ёқасига судрашни бошлайди). Ленин ўзининг биринчи асарларидаёқ Россия пролетариати ҳокимиятни ўз қўлига олиб «эксплуататорлар қаршилигини синдиргандан» сўнг «жаҳон меҳнаткашларини социализм томон ғолибона олиб боришини» «башорат» қилди[1]. Бу «башорат» кейинчалик ўзининг аниқ «назарий» кўринишини олди.

Энгельс «коммунистик революция» дунёдаги ривожланган цивилизацияли мамлакатларда ёки ҳеч бўлмаганда Англия, Америка, Франция ва Германияда бир вақтнинг ўзида содир бўлишни уқтириб бир давлатда бу «революция»нинг ғалаба қилишини инкор этган эди[2]. Биринчи Жаҳон уруши кетаётган пайтда Ленин «Европа Қўшма Штатлари» шиори тўғрисида» (1915 й.)[3] «Пролетар революциянинг ҳарбий программаси (дастури)» (1916 й.)[4] номли китобларида марксизмнинг «социалистик революция назарияси»ни «ривожлантириб», «социалистик революция» даставвал бир неча мамлакатларда ёки ҳатто алоҳида олинган бир капиталистик давлатда «ғалаба қозониши» мумкинлиги («пролетариат доҳийси» биринчи навбатда «империализм занжиридаги энг кучсиз ҳалқа». Россияни амалда тутган — *Б. П*), сўнг эса «марксизмнинг буюк назариётчиси»нинг фикрича, «ғалаба қилган» ушбу давлатнинг пролетариати «капиталистларни экспроприация қилиб» (уларнинг мол-мулкини зўравонлик билан тортиб олиб — *Б. П.*) ва ўзида «социалистик ишлаб чиқаришни ташкил этиб», бошқа давлатлардаги «эзилган синфларни ўзига жалб қилган ҳолда», қолган капиталистик дунёга «бош кўтаришини» «исботлаб» берди.

---

[1] Ленин В. И. Полн. собр. соч. Т. 6. С. 28.
[2] Маркс К., Энгельс Ф. Соч. Т. 4. С. 327—328.
[3] Ленин В. И. Полн. собр. соч. Т. 26. С. 354.
[4] Там же. Т. 30. С. 133.

Масаланинг моҳияти бундай қўйилишидан кўриниб турибдики, Ленин «коммунистик революция таълимоти»нинг «революция»ни экспорт қилиш вариантини ишлаб чиқди. Чунки «ғалаба қилган пролетариатнинг» қолган дунёга «бош кўтаришини» «социалистик революция»ни бошқа давлатларга экспорт қилиш натижасидагина амалга ошириш мумкин эди. Мазкур догма кейинчалик большевиклар учун «социалистик революция»ни нафақат ривожланган капиталистик давлатларга, балки рус мустамлакаларига, жумладан, Туркистонга, шунингдек, Бухорога ва Хивага экспорт қилиш учун ҳам асос бўлди.

1917 йил Февраль буржуа инқилобидан кейин Туркистоннинг озодлик кайфиятида бўлган илғор кучлари «...эркин миллий ривожланишнинг ўзига хос оригинал андозасини ишлаб чиқдилар»[5]. Маҳаллий халқ қалбида озодликка ва тараққиёт истиқболларига эришиш умиди уйғонди.

Лекин, Октябр тўнтариши метрополияда чоризм ағдарилгандан сўнг кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга туб ўзгариш киритди. Энди тарих ғилдираги тарихий қонуниятларга зид равишда орқага айлана бошлади, яъни катта бир жуғрофий-сиёсий ҳудуд ижтимоий ҳаёт мантиқига умуман тўғри келмайдиган «буюк инқилобий ғояларни» амалда синаш майдонига айланди.

Большевикларнинг Тошкентда ҳокимиятни қўлга олишлари миллатпарварларга Қўқон мухториятини тузишга тўсиқ бўла олмади. «Туркистон маҳаллий аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган сиёсий иродаси IV ўлка фавқулодда мусулмонлар қурултойида яққол намоён бўлди. Мазкур қурултой Советлар III қурултойининг шовинистик руҳдаги қарорларига қарама-қарши ўлароқ, 1917 йил ноябрининг охирида Қўқон шаҳрида чақирилди. Унда миллий давлат тизими бўлган Туркистон мухторияти ҳукумати эълон қилинди, у миллий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган миллий давлат қурилишининг ўзига хос андозаси тамойилларини акс эттирган эди»[6]. Туркистон халқларининг мустақилликка эришиш орзуларининг тимсоли бўлган ушбу сиёсий давлатчилик тизимини ташкил қилиш ва мустаҳкамлаш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди. Лекин, адолатнинг мезонини куч ишлатиш, зўравонлик, оммавий «қизил террор» деб тушунган марксизм ақидапарастлари Қўқон мухториятини қонга беладилар.

Большевистик марказ томонидан Туркистон мухторияти «Жаҳон пролетар революцияси» ва «синфий бирлик» ғоясига зид сиёсий устқурма деб баҳоланиб, уни йўқ қилиш тўғрисида Туркистон большевикларига кўрсатма берилди. Натижада Қўқонга минглаб қизил аскарлар юборилди ва большевиклар томонидан қилинган «...ёвузларча ҳаракат натижасида Қўқоннинг учдан бир қисмидан кўпроғи вайрон қилинди ва ўтда ёндирилди, тинч аҳолисининг 3 мингдан ортиғи ўлдирилди, кўпчилиги бошпанасиз, озиқ-овқатсиз, кийим-бошсиз қолди»[7].

[5] Алимова Д. А., Голованов А. А. Совет мустабид тузуми чоризм мустамлакачилик сиёсатининг ворисн ва давомчиси//Мустабид тузумнинг Ўзбекистонда миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865—1990 йиллар). Тошкент: Шарқ. 2000. 49-бет.

[6] Ўша жойда. 50-бет.

[7] Ўша жойда. 51-бет. Шунингдек, бу ҳақда батафсил қаранг: Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент: Маънавият 2000.

Шундай қилиб Туркистонда, кейинчалик эса Бухорода ва Хивада «социалистик революция экспорт қилинганидан кейин маҳаллий халқлар менталитетига ёт бўлган шўро давлатчилигига асос солинди[8]. Бир сўз билан айтганда, большевиклар Октябр тўнтариши арафасида ва ундан кейин ўзларини эзилган, мустамлака занжирига боғланган халқларга озодлик, мустақиллик берувчи сиёсий куч эканликларини қайта-қайта таъкидлаб, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ўз дастурларига киритган бўлсалар ҳам, лекин амалда олиб борган ишлари уларнинг сохта, иккиюзламачи сиёсатчилар эканлигидан, собиқ Россия империяси ҳудудларини яхлитлигига «қизил империя» таркибига киритишга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилганликларидан далолат беради.

Туркистон халқларининг миллий мустақиллиги, миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ортодокс марксистларнинг коммунизмнинг бутун дунёда, жумладан, Шарқда «ғалаба қилиши» тўғрисидаги ғоясини амалиётга татбиқ этиш учун қурбон қилинди.

Октябр тўнтаришидан кейин Ленин «соцалистик революцияларнинг» ривожланган Ғарбда бўлишига катта умид боғлаган эди. Бу умид Германиядаги воқеалар (Бавария Совет республикасининг мағлубияти)дан кейин сўниб борди ва энди большевиклар ўзларининг нигоҳини Шарққа қаратдилар.

Тўғри, воқеаларнинг бундай ривожига қарамай Ленин умрининг охиригача «жаҳон пролетар революциясига» умид билан яшади. Агар большевиклар 1920 йилда Варшавага «ғолибона» кириб келишса, Германияда тез орада «пролетар революцияси» рўй берадими ёки йўқми? деган саволни Ленин кун тартибига қўяди. Лекин, Варшава остоналарида «шонли» қизил армияни поляк «миллатчилари» мағлубиятга учратади. Натижада большевиклар орқага чекинишга ва 1921 йил март ойида Рига сулҳига имзо чекишга, Польшага катта миқдорда контрибуция тўлашга мажбур бўлади. Баъзи бир тарихчиларнинг фикрига кўра, айни шу муваффақиятсизлик Лениннинг ўлимини тезлаштирган. Таъкидлаш жоизки, Лениннинг васиятига содиқ қолган унинг издошлари «жаҳон пролетар революциясини» «келтириб чиқариш» учун Коминтернинг бошқа давлатларидаги секциялари орқали, ғарбдаги компартияларга ва Туркия, Эрон, Афғонистон, Хитойдаги сўл, миллий-озодлик ҳаракатларига очиқчасига моддий ёрдам кўрсатиб келган. Рус тарихчиси В. Сироткин эътироф қилганидек, Компартиянинг «революцияни экспорт қилиш» бюджети 1929 йилгача ушбу ташкилотнинг конгресс ва пленумлари стенография ҳисоботларида очиқ-ойдин нашр қилинган[9].

Большевикларнинг фикрича, Ўрта Осиёда социализмнинг ғалаба қозониши таъсири остида Шарқ халқлари миллий-озодлик курашини

---

[8] Бу ҳақда батафсил қаранг: Алимова Д. А. Голованов А. А. Совет мустабид тузуми чоризм мустамлакачилик сиёсатининг вориси ва давомчиси//Мустабид тузумининг Ўзбекистонда миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865—1990 йй.). Тошкент: Шарқ. 51—81-бетлар Қашанов Б., Сейитназаров М. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1919—1920 гг.) Нукус, 1997; Ражабов Қ. Бухоро ва Хоразм халқ республикалари: давлатчиликнинг демократик шакли//Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ. 2001.

[9] Сироткин В. О мировой революции и России, которую мы потеряли//Свободная мысль, № 15. 1992. С. 26.

бошлаб юборадилар. Бу кураш эса ортодокс марксистлар томонидан «социалистик революциянинг» бир таркибий қисми деб ҳисобланган. Бунда албатта миллий-озодлик курашларини «социалистик революция»га» айлантириб юбориш ва янги-янги давлатларни «Қизил империя» таркибига киритиш кўзда тутилган эди.

Айни ушбу коммунистик империяча амбициялар — бутун дунёни «социалистик революциялар», миллий-озодлик урушларини «пролетар революциясига» айлантириб юбориш орқали дунёни алғов-далғов қилиб юбориш ва давлат-коммуналар большевистик концепциясини амалга ошириш, яъни келажакда «Жаҳон Қўшма Штатлари»[10] деб ном оладиган «Қизил империя» барпо этиш орзулари олдида, бу йўлда керак бўлса Россиянинг ўзини ҳам «ағдар-тўнтар қилиб юборишга тайёр» бўлган большевиклар учун «қандайдир бир кичкина халқларнинг «арзимаган» ҳақ-ҳуқуқлари ҳеч нарса эмас эди.

Россияда, жумладан Ўрта Осиёда, большевиклар марксизм андозалари асосида «социализмни қуриш» режасини амалга ошириш йўлида жаҳон тарихида ҳали учрамаган «буюк тажрибалар» ўтказдилар. Коллективлаштириш, «маданий инқилоб», сиёсий қатағонлар, бутун бир халқларнинг бир жойдан иккинчи жойга сургун (депортация) этилиши шулар жумласидандир. Масалан, асрлар давомида кўчманчи чорвачилик билан шуғулланиб келган қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқларига зўрлаб деҳқончилик маданияти тиқиштирилди. Натижада, 1930—1932 йилларда биргина Қозоғистонда очликдан 1 миллион 750 000 дан ортиқ қозоқ чорвадорлари ҳалок бўлди. Бу эса шу пайтдаги қозоқ элатининг қарийб 40 фоизини ташкил қилди[11].

«Маданий инқилоб»нинг асосий мақсадларидан бири «...ахлоқ, адабиёт, санъатни самарали миллий заминдан ажратиб қўйишга, миллий фикрлаш тарзига ёт бўлган «пролетар маданияти»ни ва коммунистик мафкурани сингдиришга мўлжалланган эди. Унинг яна бир ўзига хос хусусияти чоризм томонидан амалга ошириб келинган руслаштириш йўлини давом эттириш эди»[12].

Бутун бир халқлар — қрим татарлари, болқар, қалмиқ, чечен, ингуш, месхетин-туркларига сотқин тамғаси урилиб, улар Ўрта Осиё ва Қозоғистонга мажбуран депортация қилиндилар. Оддий инсоний эҳтиёжлар ва шароитлардан маҳрум этилган ушбу халқларнинг кўплари очликдан, азоб-уқубатлардан, касалликдан ҳалок бўлдилар[13].

30-йилларда большевизм ўзининг «ғолибона» юриши давомида оммавий сиёсий қатағонлар уюштирди. Натижада ўзбек халқининг Ф. Хўжаев, А. Икромов, Фитрат, Чўлпон, М. Абдурашидхонов, А. Қодирий каби юзлаб муносиб фарзандлари сохта айблар билан «халқ душманлари» сифатида отиб ташландилар. Бу қатағонлар миллатнинг энг илғор, оқу-қорани ажрата оладиган қисмига қарши берилган мақсадли зарба эди. Чунки большевикларга мустақил фикрлай олмайдиган, ўз насл-насабини унутган манқурт халқлар керак эди. Уларнинг

---

[10] Ленин В. И. Полн. собр. соч. Т. 6. С. 354—355.

[11] История Казахстана. Очерк. Алма-Ата. 1993. С. 308—311.

[12] Алимова Д. А., Голованов А. А. Совет мустабид тузуми чоризм мустамлакачилик сиёсатининг вориси ва давомчиси... Тошкент: Фан, 2000. 61-бет.

[13] Пасилов Б. Колониальный характер миграционной политики советского тоталитарного режима//Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. 2-сон. Тошкент: Шарқ. 1999. 164-бет.

«ихтиёрий» қўшилишлари натижасида «инсонларнинг янги тарихий жамияти» — сунъий совет халқини шакллантириш «миллий масалани ечиш»нинг большевикча андозаси эди.

20—30-йиллар давомида собиқ СССРда жумладан Ўзбекистонда, совет мустабид тузумининг асослари шаклланиб борди. Бу жараён большевиклар партиясининг «доно раҳбарлиги остида» буюк давлатчилик шовинизми ва «синфий бирлик» тамойилларига қатъий амал қилинган ҳолда кечди. Большевизм сиғинган «коммунизмнинг бутун дунёда ғалаба қозониши», «халқаро пролетар бирлиги» каби хаёлий (утопик) ғоялар собиқ Россия империяси халқлари — ўзбек, украин, қозоқ, қирғиз, грузин, озарбайжон ва шу кабиларнинг миллий озодлигидан юқори қўйилди.

Синфийлик ва партиявийлик принциплари асосида шаклланиб келаётган совет тарихшунослиги эътироф қилганидек, 30-йилларнинг иккинчи ярмида собиқ СССРда «социализм асослари қуриб тугалланди». «Социализм шаҳарда ва қишлоқда ғалаба қозонди». Натижада мамлакатда «капиталистик элементларнинг қолдиқлари тугатилди», «антагонистик синфларни туғдирадиган» сабаблар «бутунлай йўқ қилинди»[14]. Асрлар давомида инсоният цивилизациясининг ривожини рағбатлантириб келган ижтимоий муносабатлар — шахсий мулкнинг тўла дахлсизлиги, иқтисодий рақобат шаклларининг хилма-хиллиги ва ҳаммасининг тенг имкониятга эгалиги йўқ қилиниши билан, «социализмнинг асослари қурилди» деб таърифланиши — большевизмнинг ижтимоий ривожланиш қонуниятини оддий ва қўпол тасаввур этишидан келиб чиқади. Бу эса қайсидир маънода ўрта асрларда Ғарбий Европадаги «энг адолатли жамият»ни қуришни орзу қилган қашшоқ деҳқонларнинг хаёлий (утопик) эгалитар (умумий мулкнинг одамлар ўртасида тенг бўлиниши орқали «адолатли жамият»ни яратиш) ғояларини эслатади.

50-йилларнинг иккинчи ярмида эса большевизм «назариётчилари» томонидан собиқ совет давлатида «социализм тўла ва узил-кесил ғалаба қозонди» деган концепция илгари сурилди. Яъни ушбу концепция «СССРда капитализмнинг қайта тикланмаслигига тўла кафолат яратилди» маъносида талқин қилинди[15].

Большевизм идеологлари «кашф қилган назария» умуминсоний тамойиллардан йироқ бўлиб, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни ўрганишда уларнинг синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан ёндошганликлари натижасида яратилган «маҳсулот» эди[16].

Ўзбекистон тарихини ўрганиш жараёни, шунингдек, Октябр тўнтаришидан кейин рўй берган воқеаларнинг таҳлили ҳам синфийлик ва партиявийлик тамойиллари асосида кечди. Бунинг натижаси ўлароқ, 60-йилларда, яъни «социалистик муносабатларнинг коммунистик муносабатларга айланиш жараёни бошланган даврда» Ўрта Осиё совет республикалари, жумладан «Совет Ўзбекистони» халқларининг «тарихан қисқа муддат ичида» капитализмни четлаб, «феодализмдан социализмга сакраганлиги» тўғрисидаги социализм қуриш амалиётига

---

[14] Лекции по истории КПСС. Вып. 2. М.: Мысль, 1972. С. 452—464.

[15] Там же. Вып. 3. 1972. С. 240—243.

[16] Бу ҳақда қаранг: Зияева Д. Туркистонда миллий озодлик учун кураш тарихшунослиги масалалари//Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар. Даврий тўплам. 2-жилд, Тошкент: Шарқ, 1999. 124- -126-бетлар.

Шарқ мамлакатларига «кўз-кўз» қилинди. Ўзбек халқининг «социализм сари нокапиталистик йўлдан бориб, хорижий Шарқ мамлакатларининг халқлари учун «илҳомбахш ўрнак» бўлаётганлиги ҳақида фахр билан гапирилди[17].

«катта ҳисса қўшган янги назариялар» яратилиб, дунёга, айниқса,

70-йилларнинг бошларида эса коммунизм «назариётчилари» собиқ СССРда «ривожланган социалистик жамият» қурилганлигини эътироф этишди[18]. Лекин сиёсий ва иқтисодий тузум бир йотага ҳам ўзгармади. Большевистик партиянинг ва коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлиги, ишлаб чиқариш муносабатларининг бир типлиги, марказнинг собиқ совет республикаларига, рус бўлмаган халқларга нисбатан буюк давлатчилик ва шовинизм позициясидан туриб муносабатда бўлиш амалиёти давом этарди.

Натижада, 80-йилларнинг охирида коммунистик мафкуранинг ва «ривожланган социалистик жамият»нинг инқирози яққол кўзга ташланиб қолди. 1991 йил эса, Президент И. Каримов таъкидлаганидек, «...янги давр бошланган тарихий нуқта бўлди. Шу йили тоталитар тузумнинг собиқ қурбонлари ўз мамлакатларининг озод бўлишига эришди ва миллий давлат сифатида қайта тикланиш имкониятини қўлга киритди»[19].

Мустақилликка эришган Ўзбекистон учун 90-йиллар миллий давлатчилик асосларини тиклаш ва мустаҳкамлаш даври бўлди. Шу билан бирга ўша даврда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик ёш мустақил давлат хавфсизлигига қандай реал таҳдид туғдирмоқда деган масала ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун долзарб бўлиб турган эди[20]. Бу ҳаракатнинг ғоявий илҳомчилари — необольшевистик партиялар бугунги кунда ҳам XIX асрнинг ўрталарида вужудга келган марксизмни бир ярим аср давомида дунёда рўй берган оламшумул ўзгаришларни инкор этган ҳолда, догма сифатида қабул қилиб, унинг ҳақиқатлигига ўта қаттиқ ишонишмоқда. Бу эса большевизмнинг сиёсий фундаментализмга хос бўлган хусусиятидир.

Шунингдек, марксизм ақидапарастларининг диний, миллий-шовинистик кўринишида бўлган фундаменталистик оқимлар сингари бошқа мафкураларга, назарияларга, диний эътиқодларга, сиёсий ва жамоат ҳаракатларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши табиий бир ҳолдир. Большевизм оммавий террор, оммавий қатағонларни ўз мақсадларига эришиш йўлидаги «қонуний» бир восита деб ҳисоблаб келган. Октябр тўнтаришидан кейин большевизм унинг зўравонлик сиёсатига қарши чиққан меньшевиклар, эсерлар, сўл эсерлар, Шўрои-Исломия, Шўрои-Уламо, Алаш каби кўплаб мухолиф партияларни куч билан тарқатиб юбориб, уларнинг раҳбарларидан шафқатсиз ўч олди. Динга қарши кураш ниқоби остида минглаб диндорлар қатағон қилинди, халқларнинг кўп асрлик тарихининг, маданиятининг рамзи ва гувоҳи бўлган мачитлар, черковлар бузиб ташланди, бебаҳо ёзма манбалар ёқиб юборилди. Буларнинг ҳаммаси большевизмнинг «зўра-

---

[17] Ўзбекистон тарихи. IV жилд. Тошкент, 1971. 580—590-бетлар.

[18] Лекции по истории КПСС. Вып. 3. С. 468—472.

[19] Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 58-бет.

[20] Ўша жойда.

вонлик» дунёсини бутунлай бузиб ташлаб, кейин ўзларининг янги дунёсини қуриш мантиқи доирасида амалга оширилган фожиали сиёсат эди.

Коммунистик мафкурани ва «социалистик революцияни» бошқа давлатларга, минтақаларга экспорт қилиш, социализмни бошқа халқларнинг хоҳиш-иродасини синдирган ҳолда куч билан жорий этиш ва бунинг натижасида «давлат-коммуналар», яъни «қизил империя» барпо этишнинг назарияси ва амалиётига мойиллик большевизмнинг агрессив фундаменталистик хусусиятидир. Бу «сифат» уни қайсидир маънода «ягона мафкуравий ҳудуд», «ягона халифалик» тузиш ниятлари бўлган диний фундаментализм билан, «пролетар» шоирининг таъбири билан айтганда, «қондош-эгизак» даражасига яқинлатиб қўяди.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин «империализм куршовида» бўлган собиқ совет давлати социализмни Европадаги Болгария, Венгрия, Польша, Шарқий Германия, Чехословакия, Осиёдаги Шимолий Корея, Въетнам, Лаос, Қампучия, Америка қитъасидаги Куба, Никарагуа каби ўнлаб давлатларга экспорт қилишга «муваффақ» бўлди. «Социалистик лагердан» чиқиб кетмоқчи бўлган халқлар эса (Венгрия 1958 й., Чехословакия 1968 й.) қурол кучи билан яна унга киритиб қўйилди.

1979 йилда «совет қуролли кучлари»нинг Афғонистонга очиқ ҳарбий тажовузи ва у ерда маҳаллий халқ менталитетига ёт бўлган «халқ-демократик» тузумнинг ўрнатилиши «революция»ни экспорт қилишнинг классик намунаси эди.

Бугунги кунда большевизм ўзининг кечаги қудратини ва мавқеини йўқотган. Лекин, унинг жуда хавфли сиёсий оқим эканлигини ва XXI асрда у буюк давлатчилик ва шовинизм кўринишида яна тарих саҳнасига чиқиши мумкинлигини унутмаслигимиз даркор.

*Б. Пасилов*

## *НЕГАТИВНОЕ ВЛИЯНИЕ ТЕОРИИ И ПРАКТИКИ БОЛЬШЕВИЗМА В УЗБЕКИСТАНЕ*

*В статье рассматриваются история формирования большевизма в России, его теория экспорта «революции» на Восток и создание тоталитарной государственности в Туркестане и Узбекистане. Автором также анализируются такие проблемы теории и практики большевизма, как политика коллективизации и «культурной революции», «решение» национального вопроса и массовые политические репрессии, направленные на разрушение традиционной формы земледелия, искоренение богатого культурного наследия и уничтожение национальной интеллигенции в Узбекистане.*

*B. Pasilov*

## *THE NEGATIVE IMPACT OF THE THEORY AND PRACTICE OF BOLSHEVISM IN UZBEKISTAN*

*This article deals the history of forming of the bolshevism in Russia and its theory of export of the «revolution» to the East and the creation totalitarian regime in Turkestan and Uzbekistan.*

*And so by author analised such problems as: theory and practice of bolshevism; the policy of collectivisation and cultural revolution, «solution» of national question and mass political repressions, which was directed for destroying of traditional form agriculture, eradicate rich cultural heritage and the termination of national Intelligente in Uzbekistan.*

*Ш. Қудратхўжаев*

# ЎЗБЕКИСТОНДА ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ ИДОРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН

Ўзбекистонда парламент тизимини ривожлантириб, икки палатали парламентга ўтишга жиддий тайёргарлик ишлари олиб борилаётган бугунги кунда бу соҳада сўнгги 12 йилда амалга оширилаётган ўзгаришлар моҳиятини янада чуқуррок англаб етиш учун мамлакатда илк қонун чиқарувчи органни ташкил этиш ғоялари, унинг ташкил топиши ва босиб ўтган йўлини тарихий изчилликда холисона таҳлил этиш лозим. Айниқса, Ўзбекистоннинг совет давридаги қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатини бажарган давлат органининг моҳияти ва ролини тўғри баҳоламасдан туриб, бугунги ўзгаришлар аҳамиятини чуқур тасаввур этиш мушкул.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «Ҳаётимизда қандай ўзгаришлар рўй берганини баҳолаш учун бизга собиқ Иттифоқдан, эски мустабид тузумдан қандай тарихий мерос қолганини яна бир карра эслашимиз зарур»[1].

Дарҳақиқат, дунёга адолатли ва демократик тузум қуриш ҳақида жар солиб, қандайдир хаёлий, утопик ғояларни рўёбга чиқаришга даъво қилган большевиклар амалга оширган давлат тўнтаришидан сўнг ўрнатилган янги тузум, янги бошқарув тизими бунинг мутлақо акси бўлиб чиқди. Бироқ, парламент тизими, қонун чиқарувчи органни шакллантириш йўлидаги илк уринишлар ва ҳаракатлар хусусида сўз борганда, бу жараённи совет даври билан боғлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Чунки, тарихий далиллар ўлкада бу масалада большевиклардан бир оз аввалроқ, 1917 йил Феврал воқеаларидан кейиноқ бошланиб, бу борада анча жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилганлигини тасдиқлайди. 1917 йил Февралга қадар эса Туркистонда қонун чиқарувчи орган тузиш ҳақидаги ғоялар илгари сурилмаган, чунки мамлакатда асрлар давомида ривожланиб келган миллий давлатчилик тизимида жамият шариат қонунлари билан якка ҳукмрон хонлар, амирлар томонидан тахт ворислиги асосида бошқарилар эди. Гарчи, давлат бошқарувида вазифалар аниқ, мукаммал тақсимланган бўлиб, хон ҳузуридаги нуфузли, эътиборли амалдорлардан тузилган кенгашда давлат ишлари маслаҳатлашиб турилган бўлса-да, амалдорлар, қозилар юқоридан тайинланар, сайловлар, қонун чиқарувчи органлар ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Хонликлардаги ички бикиклик, диннинг кучли таъсири, сўнгги асрларда Европада содир бўлаётган ўзгаришлардан бехабарлик шароитида мамлакатда парламент тизими ҳақида тасаввурлар ҳам йўқ эди. XIX асрнинг иккинчи ярмида ўлканинг Россия империяси мустамлакасига айлантирилиши ва мустақил миллий давлатчиликнинг тугатилиши эса ўлка тараққиётини орқага суриб, аҳволни янада оғирлаштириб юборди. Бу даврда Россияда ҳам абсолют монархиянинг ҳукмронлиги ўлкага илғор фикрларни кириб келишига жиддий тўсиқ эди. Бироқ, XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда юзага келган маърифатпарварлик ва

---

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент: Ўзбекистон, 1999. 5-бет.

тараққийпарварлик ҳаракати ўлка халқларини қолоқлик ботқоғидан олиб чиқиш йўлларини излай бошлади. Дастлаб халқни маърифатли қилиш орқали тараққиётни кўзлаган бундай илғор фикрли кишилар — жадидлар табиий равишда унинг илдизларига — сиёсий масалаларга ҳам яқинлаша бордилар. Ўлкадаги барча муаммолар асоси бўлган мустабид бошқарувга асосланган мустамлакачилик тизими ҳар бир соҳада оғир тўсиқ бўлиб турарди. Мустабид яккаҳокимлик империянинг ўзида ҳам халқ аҳволини ниҳоятда оғирлаштириб юборган бўлиб, унинг кескин норозилиги ва қаршилигига учрамоқда эди.

Бу норозиликлар Россияда, айниқса 1905—1907 йилларда кескин намоён бўлди. Бу даврда халқ норозилигининг кескин зарбаларига учраган ҳукумат халққа бир оз бўлса-да ён босишга мажбур бўлиб, Давлат Думаси ташкил этишга рози бўлди. Шу тариқа Россия империясида 1905 йилда вакиллик органи тузиш ҳаракатлари бошланди. Россиянинг чекка ўлкаси ҳисобланган Туркистон ҳам Думага ўз вакилларини юбориши керак эди. Бироқ, ҳукумат ўз мустамлакасига вакиллик ҳуқуқини беришни истамай, бу вакиллар асосан руслардан бўлишига ҳаракат қилди. Махсус ишлаб чиқилган «Туркистонда сайлов қоидалари» лойиҳасида белгиланган тартибга кўра ҳар бир вилоятдан 1 тадан миллат вакили ва албатта 1 та рус вакили сайланиши белгилаб қўйилди, яъни сайловга сайловчилар сони эмас, миллати асос қилиб олинди. Акс ҳолда сайловда маҳаллий миллатлар кўп овоз олиши турган гап эди. II чақириқ Давлат Думасига сайловда эса Туркистондан Думага фақатгина рус тилини эркин билувчилар сайланиши шарт қилиб белгиланди. III ва IV чақириқларда эса Туркистон халқлари, умуман вакиллик ҳуқуқидан маҳрум этилди. Бироқ, Туркистон жадидлари Давлат Думасида ўз вакиллик ҳуқуқларини тиклаш учун зўр бериб ҳаракат қилдилар, бу масалалар уларнинг ўзлари ташкил этган миллий матбуотда кенг муҳокама қилинди. Ҳатто 1916 йил қўзғолони мустабид ҳукумат томонидан шафқатсиз бостирилганда туркистонлик илғор зиёлилардан бир нечтаси, жумладан Убайдулла Асадуллахўжаев Давлат Думасига мурожаат этиб, мардикорлик ҳақидаги император фармонини бекор этишга, ўлкадаги хунрезликларга чек қўйишга ёрдам беришни сўради. Миллий зиёлиларнинг талаби билан Давлат Думаси махсус комиссия тузиб, ўлкадаги аҳволни бориб ўрганди ва ўзининг навбатдаги йиғилишларидан бирида уни кескин муҳокама қилди. Хуллас, мутлақо ҳақ-ҳуқуқсизлик шароитида ҳам Туркистондаги илғор фикрли кишилар ўша давр имкониятлари даражасида халқ манфаатларини ҳимоя қилишга интилдилар, бироқ ҳеч қандай амалий натижаларга эриша олмадилар.

1917 йил Феврал инқилобидан сўнг, яъни Россияда император тахтдан ағдарилиб, яккаҳукмронлик тугатилгач, ахвол ўзгарди. Муваққат ҳукумат 1917 йил 2 (15) мартда чиқарган «Баёнотнома»да янги қонунчилик органини тузиш, умумий сайлов ҳуқуқи асосидаги янги сайлов қонуни қабул қилиш эълон қилинди. Бундай шароитда маҳаллий халқларнинг сиёсий фаоллиги кескин кучайди. Туркистонда илк бор маҳаллий бошқарув органи сифатида шаҳар Думаларига 1917 йил июл-август ойларида сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловларда асосий кўпчилик ўрнини маҳаллий миллат вакиллари эгалладилар, яъни сайловлардаги миллий чеклашлар бекор бўлиши биланоқ маҳаллий халқ ўз фаоллигини тезда намоён қилди.

Бу даврда ўлкада тобора фаоллашиб бораётган сиёсий жараёнларда кузда ўтказилиши режалаштирилган таъсис мажлисига тайёргарлик алоҳида ўрин эгаллади. Таъсис мажлисига умумий тартибда сайлов ўтказиш кўзда тутилган бўлиб, унда Россияда мамлакат бошқарув шаклини ва табиийки, Туркистоннинг ҳуқуқларини ҳам белгилаб берадиган конституция тузиш кутилмоқда эди. Шунинг учун Туркистон тараққийпарварлари унга жиддий тайёргарлик олиб бордилар. «Биз туркистонликларга, — деб ёзган эди ўша пайтда Маҳмудхўжа Беҳбудий, — она тилида ҳам, рус тилида ҳам эркин сўзлай оладиган, таҳрир қиладиган, шариатни биладиган, жаҳон сиёсий шароитини тушунадиган кишилар дарҳол керак... Улар Туркистоннинг ҳаётий манфаатларини ҳисобга олувчи, биз учун зарур қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишлари лозим. Агар биз мусулмонлар бу ишни ўзимиз қилмасак, улар бизнинг ўрнимизга қонунлар чиқаради. Улар худди аввалгидек бизнинг дин ва ҳаётимизга мувофиқ келмайди»[2]. «Биз қабул қиладиган қонунлар, деб уқтиради у, — яҳудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам, умуман, барчанинг манфаатини ҳимоя қилиши керак»[3].

1917 йилда бўлиб ўтган I Умумтуркистон мусулмонлари қурултойида муҳокамага қўйилган масалалар ҳам ўша даврнинг илғор фикрли кишилари ўлкани демократик тараққиёт йўлига бошловчи давлат тузумини барпо этиш лозимлигини англаб етганларидан далолат беради. Чунончи, йиғилишларда М. Беҳбудий «Парламент деганда нимани тушуниш керак ва Президент ким?» деган саволларга тушунтириш беради. Мисол сифатида у АҚШ ва Франциядаги парламент тизимини мисол келтиради[4].

Айнан шу даврда Туркистонда илк бор миллий сиёсий партия тузиш зарурлиги англаб етилди, чунки таъсис мажлисига бўладиган сайловларда сиёсий партиялар катта ўрин тутиши кўриниб турарди. 1917 йил июлда Туркистон зиёлилари «Турк адами марказияти» партиясини туздилар. Партия ўз дастурини ишлаб чиқиб, эълон қилди. Унда 20 ёшга кирган барча миллат аъзолари миллати, жинси синфи, динидан қатъий назар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиши, виждон эркинлиги, таълим эркинлиги жорий этилиши белгиланган эди. Туркистон давлатчилиги тарихида биринчи марта бошқарувнинг республика парламент шаклларини барпо этишга қонун чиқарувчи мажлис (парламент) ва ижроия муассасаларини вужудга келтириш кўзда тутилди[5]. Демак, Туркистондаги илғор фикрли кишилар ҳали большевиклар ҳукуматни қўлга олишларидан аввалроқ демократик ҳуқуқ ва эркинликлар, демократик давлат тузиш йўллари ҳақида тўғри ва аниқ тушунчаларга эга бўлиб, бу борада ўз дастурларини ҳам белгилаб олган эдилар.

Ўлкадаги сиёсий жараёнлар жадаллик билан ривожланаётган бундай вазиятда миллий зиёлилар ҳам унга мос равишда кун тартибига ўша давр имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқ вазифалар

---

[2] Ҳуррият. 1917. 3 июль.
[3] Беҳбудий М. Баёни ҳақиқат//Улуғ Туркистон, 1917, 12 июль.
[4] Нажот. 1917, 28 апрел.
[5] Аъзамхўжаев С. С. Туркистон мухторияти: миллий демократик давлат қурилиш тажрибаси//Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ, 2001. 177-бет.

қўйиб борадилар. Улар Туркистондаги давлат бошқаруви масаласини муҳокама қилиб, Тошкентда 1917 йил 17—20 сентябрда бўлиб ўтган туркистонлик ва қозоқ мусулмонлари съездида Туркистон мухторияти таъсис этишга қарор қилдилар. Туркистон Россия таркибидаги Федератив Республика бўлиши кўзда тутилган бўлиб, давлат хазинаси, ўз армиясига эга бўлмаган Туркистон шароитида бу энг мақбул йўл деб топилган эди. Бу ҳукуматнинг қонунчилик органи парламент бўлиши, бу парламент Туркистон ўлкасида яшовчи барча халқлар томонидан умумий, тўғридан-тўғри, тенг ва яширин овоз бериш асосида 5 йил муддатга мажбурий пропорционал ваколатга эга бўлган ҳолда сайланиши ҳақида келишиб олинади. Жадидларнинг фикрича, ҳар бир шаҳар ва уезддан бир нечтадан вакил сайлаш ва Тошкентда Туркистон учун яроқли амалий натижа берадиган солиқ қонунлари ва фармонлар чиқара оладиган катта марказ ва мажлис ташкил этиш керак эди. Жадидларнинг давлатчилик ҳақидаги қарашларини таҳлил этган Д. Алимова таъкидлаганидек, бу ўринда парламент назарда тутилган эди[6]. Съездда ер-сув, армия, суд, пул масалаларида ҳам аниқ ва муҳим қарорлар қабул қилинади.

Миллий зиёлиларнинг сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритишга бўлган хоҳиши, ўлкани бошқариш истаги, қонуний ҳокимият органларининг легитим асосларини яратиш ва Туркистонда истиқомат қиладиган аҳолининг турмуш шароити ва менталитетига тўғри келадиган қонунчилик ҳужжатлари ва қарорларининг қабул қилиниши уларнинг олий ҳокимият органлари, хусусан қонунчилик органини яратиш мақсадини белгилаганликларини яққол кўрсатиб турарди. Шундай қилиб, 1917 йил кузига келиб Туркистон зиёлилари ўз дастурий ҳужжатларига эга бўлиб, таъсис мажлисига тайёр бўладилар. Муваққат ҳукумат таъсис мажлисига сайловларни 12 ноябрга, унинг очилишини 28 ноябрга белгилайди. Афсуски, миллий зиёлиларнинг катта умидлари, таъсис мажлисига ишончлари юзага чиқмади. Миллий демократик кучларни бу қадар фаоллигини кўрган социал-демократлар таъсис мажлисига қадар ҳокимиятни тортиб олиш лозим, акс ҳолда у мусулмонлар қўлига ўтиб кетади, ягона йўл — қуролли қўзғолон деган хулосага келдилар. Россияда ҳам худди шу йўл танланган эди.

1917 йил 25 октябрда Петроградда, 28 октябрда Тошкентда большевиклар ҳокимиятни қурол билан, яъни зўрлик йўли билан қўлга олдилар. Большевиклар ўлкада давр тақозоси билан юзага келган илғор ғояларни бўғиб ташладилар, уларни амалга оширишга йўл бермадилар. Ваҳолонки, туркистонлик тараққийпарварлар бу пайтда ҳокимиятни тинч йўл билан, сайловлар асосида, яъни демократик йўл билан қўлга киритиш учун жиддий тайёргарлик кўриб, шай бўлиб турган эдилар. Улар бу пайтга келиб дунёвий қонунчилик зарурлигини англаб етгандилар, демократик сайлов асосида қонун чиқарувчи органга эга бўлган дунёвий давлат тузиш режаларига эга эдилар. Уларнинг сайлов ҳуқуқи асосларини демократик тарзда, яъни бирон-бир чеклашларсиз ишлаб чиқдилар, диний мансублик, жинси, синфий ке-

---

[6] Алимова Д. Жадидчилик ҳаракати ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти. Жадидларнинг давлатчиликка оид қарашлари//Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент: Шарқ, 2001. 153-бет.

либ чиқиш ва мол-мулкка қараб чеклашлар қўймадилар. Ваҳолонки, XIX аср у ёқда турсин, XX аср ўрталарида ҳам АҚШ, Англия, Франция, Германия каби ҳозирда ривожланган давлатларда ирқи, жинси ва келиб чиқишига қараб жиддий чеклашлар — сайлов цензлари мавжуд эди. Туркистонлик илғор фикрли зиёлилар томонидан бундай илғор ғояларнинг 1917 йиллардаёқ илгари сурилиши уларнинг сиёсий жиҳатдан анча илғорлашиб бораётганликларини кўрсатиб турарди.

Бироқ, совет адабиётларида бу тарихий ҳақиқат эътироф этилмади, аксинча, Туркистон халқлари «сиёсий онги паст, қолоқ, саводсиз бўлган», деб уқтириб келинди.

Юқорида қайд этилган тарихий далиллар «совет ҳокимияти туфайлигина Ўрта Осиёда, жумладан Туркистонда олий қонунчилик ва вакиллик ҳокимияти идоралари пайдо бўла бошлади», деган даъволарнинг асоссизлигини, аксинча, совет ҳокимиятининг зўравонлиги туфайли миллий демократик давлат тузиш ҳаракатлари рўёбга чиқмай қолганлигини яққол намоён этади.

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Туркистондаги тараққийпарвар кучлар большевиклар ҳокимиятни қўлга олгандан кейин ҳам бўш келмадилар. Совет ҳокимиятига биронта маҳаллий аҳоли вакилининг киритилмаслиги унинг Туркистон халқи иродасини акс эттирмаслигини кўрсатиб турарди. Бунга жавобан «Шўрои уламо» зудлик билан ўлка мусулмонларининг тўртинчи фавқулодда қурултойини чақиради. Тошкент большевиклар ҳокимиятининг назорати остида бўлганлиги туфайли қурултой Қўқонда чақирилади.

180 нафар делегат иштирок этган қурултой 1917 йилнинг 9—10 декабрь кунлари Туркистон мухториятини эълон қилди. Унда демократик йўл билан Муваққат халқ кенгаши (айтиш мумкинки парламент) ва Муваққат ҳукумат сайланди. Европалик аҳолига халқ кенгашидан 18 та жой (яъни умумий миқдорнинг учдан бир қисми) берилди[7]. Бироқ, маҳаллий аҳолига биронта ҳам ўрин ажратмаган, уни давлат бошқарув ишларига қодир эмас деб таҳқирлаган совет ҳокимияти бу ҳукуматни тан олишни истамади. Ваҳолонки, бу Туркистон халқларининг иродасини акс эттирган илк демократик ҳукуматни Фарғона, Тошкент шаҳарларида бўлиб ўтган бир неча минг кишилик халқ намойишлари тўла қўллаб-қувватлаб, унга ишонч билдирган эди, совет ҳокимияти эса маҳаллий аҳоли томонидан мутлақо тан олинмаган эди. Бироқ, совет ҳокимияти Туркистон мухториятини йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1918 йилнинг 18 февралидан 19 февралига ўтар кечаси совет ҳокимияти юборган ҳарбий кучлар Қўқонни ишғол қилишни бошлади. Шаҳар ўт ичида қолди. Минглаб одамлар қурбон бўлди. Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлашда айбланган кишилар ишини кўриб чиқиш учун ҳарбий-инқилобий суд ташкил қилинди. Ўлкада ёппасига ҳибсга олишлар бошланиб кетди[8].

ХКС нинг Туркистон мухтор ҳукуматини йўқотиш тўғрисидаги 1918 йил февралда қабул қилган қарори туб аҳолининг асосий манфаатларини ошкора инкор этишдан далолат берарди. Айтиш мумкинки, туркистонликлар миллий демократик асосда давлатчиликни тик-

---

[7] Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Тошкент: Маънавият, 2000. 138-бет.

[8] Ўша жойда. 148—149-бетлар.

лаш, мустамлакачилик занжирларини узиш йўлида биринчи амалий қадам ташлашга уринган эди. Совет ҳукуматидан фарқли ўлароқ, Туркистон мухторияти қонуний асосда шаклланган бўлиб, кенг мусулмон оммаси ва демократик кайфиятда европалик аҳолидан ваколат олганди. Туркистон мухторияти ўз тақдирини ўзи белгилаган халқнинг республикаси эди.

Шундай ҳолат кейинчалик Бухоро Халқ Совет Республикаси ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида ҳам қайтарилди. Гарчи, советлар андозасини киритишга уриниш бўлганлигига қарамай, бу республикалар Шарқдаги биринчи халқ республикалари бўлиб, улар қисқа муддатда ўрта аср монархия тузуми ва қолоқликдан, диний ақидапарастлик ва билимсизликдан демократик ислоҳотлар томон улкан қадамлар ташлади. Ёш бухороликлар ва ёш хиваликлар томонидан тузилган Бухоро ва Хоразм ҳукуматлари большевиклар ўтқазиб турган кучли тазйиқларга, қарамай, жуда мураккаб шароитларда демократик ислоҳотларни амалга ошириш йўлини тутдилар. Бухорода Халқ Нозирлари Кенгаши, вакиллик ва қонун чиқарувчи орган вазифасини ўтаган давлат институти ҳам бор эди. Конституцияга кўра, давлатнинг олий органи этиб Бухоро халқ вакиллари қурултойи ҳисобланарди, у ҳар 2000 сайловчидан биттадан сайланадиган 350 нафар аъзодан иборат эди .Қурултой ҳар йили бир марта тўпланарди, жумладан, унда давлат бюджетини қабул қилиш ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқиларди. Конституцияга мувофиқ қурултойлар орасидаги даврда Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси қонунчилик ва назорат органи ҳисобланарди[9]. Демак республикада замонавий парламент институтлари ва анъаналари тузилмаларининг зарур белгилари мавжуд эди. Бироқ, улар келажакда мантиқий ривожлана олмади. 1924 йил кузида большевикларнинг миллий тараққиётининг ривожланиб кетиш қўрқуви босими остида иккала республика ўз мустақиллигидан айрилди ва тарқатиб юборилди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ҳудудида большевиклар диктатураси ўрнатилгунга қадар вакиллик ҳокимияти органларини тузиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш борасида аниқ амалий ҳаракатлар йўлга қўйилган эди. Афсуски, совет ҳокимияти уларни изчил амалга оширишга йўл бермади. Совет ҳокимияти қанчалик ҳаракат қилмасин собиқ СССР республикаларида парламентчилик дунёда эътироф этилган нормалар доирасида ривожланмади.

Чунки, ҳокимиятни бир-биридан мустақил бўлган учта тармоқ асосида (ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти) қўллаш амалга оширилмади. Давлатчилик тизимини яратишда ўзгача йўлдан боришни истаган совет ҳокимияти ўша пайтда бошқа ривожланган давлатлар қўллаётган давлат ҳокимиятини юқорида тилга олинган учта тармоққа ажратишдан иборат классик концепциясини қўллаш орқали амалга оширишни хоҳламадилар. Парламентаризм ва ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши ғоялари буржуа жамиятининг тамойиллари сифатида қандай бўлмасин рад этилаверди[10]. Большевиклар советларни қонун чиқарувчи, қонунларни ижро этувчи ва ўзлари қа-

[9] Ражабов Қ. Бухоро Халқ Совет Республикаси//Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари 196-бет.

[10] Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 30-бет.

бул қилган қонунларни тўғри ва ўз вақтида ижро этилиши устидан назорат қилувчи орган бўлишини истадилар[11]. Хуллас, бу даврдаги расман белгиланган қонун чиқарувчи олий орган парламент билан мазмуни жиҳатидан ҳеч қандай умумийликка эга эмас эди. Совет давридаги бўлиб ўтадиган сайловларда сайланадиган барча депутатлар якка ҳукмрон коммунистик партия вакили ёки жуда кам ҳолларда партиясиз бўлардилар. Ваҳолонки, жамиятда турли тоифалар, қарашлар, манфаатларни ифода этувчи парламент таркиби жиҳатидан албатта бир нечта сиёсий ташкилотлардан (кучлар) иборат бўлиши лозим. Бундан ташқари аксарият сайлов округларидан сайловчилар сбор-йўғи битта номзод учун овоз беришга мажбур эдилар. Сут соғувчи, тракторчи, пахтакор, колхоз, совхоз директори, ғаллакор, шифокордан иборат Олий Совет давлатчиликда халқ ҳокимияти бутафорияси вазифасини ўтарди холос. У таркиби жиҳатидан профессионал бўлмай, унинг аъзолари Президиумдаги раҳнамо котиблар тайёрлаб қўйган қарорларни урачилик билан қабул қилувчилар эди холос.

1924—1937 йилларда Ўзбекистонда қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширган ташкилотлар бир вақтнинг ўзида ҳам қонун чиқарувчи ҳам фармойиш берувчи, ҳам ижро этувчи, ҳам назорат этувчи идоралар эди. 1937 йилга келиб ЎзССР Конституцияси қонунларни қабул қилиш ҳуқуқини фақат Республика Олий Советига берди Юқорида таъкидланганидек, илгари бу ҳуқуққа ЎзССР Советларининг МИК, МИК Раёсати, шунингдек, ХКС эга эди. И. В. Сталиннинг Конституциявий ислоҳига кўра, бундан буён қонун чиқариш ишлари билан шуғулланиш Ўзбекистон ССР Олий Совети фаолиятининг бош ва асосий соҳаси деб ҳисобланди.

Лекин, шунга қарамасдан парламент институти рисоладагидек ишлашига эришилмади. Бу даврда Конституция нормаларидан жиддий оғишлар содир бўлиб турарди. Ҳатто, расман эълон қилинган «совет демократияси» ҳам амалда анчагина чеклаб. қўйилганди. Бу ҳол айниқса Олий Совет сессиялари белгиланган муддатда чақирилмаслигида ва республика Олий Советига сайловлар вақти кўчирилаверишида намоён бўлиб турарди. Ўзбекистоннинг давлат бюджетлари ва улар юзасидан ҳисоботлар ўз вақтида кўриб чиқилмасди. Чунончи, ЎзССР Олий Советининг сессиялари уруш йилларида фақат икки марта — 1943 йил март ва 1944 йил сентябр ойларидагина ўтказилган[12]. Бу ҳолат фақатгина Ўзбекистон ССР га хос эмас эди, бошқа иттифоқдош республикаларда ҳам аҳвол шундай эди. Урушдан кейинги даврда эса Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияларида, қоида тариқасида, ҳамиша бир хил: давлат бюджети тўғрисидаги, ЎзССР Конституцияси матнига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, ЎзССР Олий Совети Раёсатининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалалар кўрилар эди. ЎзССР Олий Советининг сессияларини чақириш муддатлари бузилардди. Чунончи, 1946—1948 ва 1950—1952 йилларда ЎзССР Олий Советининг биттадан сессияси ўтказилган. Сессия муҳокамасига масалалар жуда кечикиб киритилар эди. Ўзбекистон давлат бюджети тўғрисида-

[11] Хакимов М. Х., Серый Я. М. Борьба большевиков за создание национальной советской государственности в Туркестане. Ташкент: Узбекистон, 1964. С. 67.

[12] История советского государства и права Узбекистана. Т. 3. Ташкент: Фан, 1968. С. 216.

ги масала ҳам, қоида тариқасида, айни ўша бюджет йилининг ўртасида кўриб чиқилар эди. Масалан, 1948 ва 1949 йиллардаги Давлат бюджетлари йилнинг ўртасидагина тасдиқланган[13].

Хуллас, бу даврда Ўзбекистон қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи ҳамон давлат қурилишининг энг муҳим масалаларини ҳал қила олмас эди ва расман федератив, амалда эса унитар давлат бўлган СССР маъмурий бўлинмасининг ратификация қилувчи ва тарғиботчи органи бўлиб қолаверди[14]. Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқлар амалда ўз аксини топмади, «ҳокимият халқникидир» деган шиор фақатгина қоғозда эди, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ваколатлари ва вазифалари аниқ чегараланмади, том маънодаги парламентни шакллантириш, унинг иш механизмини яратиш, унда профессионал ишловчи мутахассисларни тайёрлаш ва бу жараёнга хос бўлган бошқа тадбирлар амалга оширилмади, ҳокимиятнинг уч тармоғи орасидаги чегара йўқлиги охир-оқибат алоҳида шахсга сиғинишга, бир кишининг ўта авторитар диктатураси ҳукмронлигига олиб келди, деярли 70—80-йил давом этган бундай ҳолат кишилар менталитети, фикрлашига салбий таъсир кўрсатди.

Бу вазият деярли 80-йилларнинг охиригача ҳукмрон бўлди. Совет империяси қулаши арафасида ниҳоят сал-пал умидбахш шамоллар эса бошлади .Бу борада 1989 йил 20 октябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун, «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови ҳақида»ги Қонун, «Халқ депутатлари сайловини белгилаш тўғрисида»ги Олий Совет қарори ва улар асосида 1990 йил февраль-март ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон халқ депутатлари сайлови муҳим роль ўйнади.

12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ўзбекистонни суверен давлат сифатида шаклланишида, демократия тамойилларини илк бор қўлланилиши, ўзбек миллий давлатчилигини юзага келтиришда тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, халқимиз иродаси ҳамда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди»[15].

12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида бўлиб ўтган сайловлар олдингиларидан тубдан фарқ қилиб, илк бор доимий ишловчи орган сифатида беш йил муддатга Марказий сайлов комиссияси ташкил этилди, битта партия шароитида бўлса ҳам депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар доираси кенгайтирилди (асосан турли хилдаги меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари номзод кўрсата бошладилар), бир мандат учун сайлов округларида бир нечта номзодлар кураш олиб боришлари қонунан рухсат этилди, биринчи марта давлат ҳокимияти олий ва маҳаллий

---

[13] Агзамходжаев А. Образование и развитие Узбекской ССР. Ташкент: Фан, 1971. С. 211—212.

[14] Халилов Э. Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи: сохта вакилликдан ҳақиқий парламентаризмга қадар. Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 41-бет.

[15] Каримов И. А. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик, 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 16-сессиясидаги маъруза. Тошкент: Ўзбекистон, 1994, 3-бет.

органларининг ваколатлари муддатлари тенглаштирилди. Олий Кенгашнинг тарихда муҳрланишининг яна бир сабаби унда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайланди, Мустақиллик декларацияси эълон қилинди, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисида Қонуни қабул қилинди, қонунчилик ва ташкилотчилик борасида изчил фаолият юритиб, мамлакатимиз турмушининг барча соҳаларини ислоҳ қилишга доир муҳим вазифалар ҳал қилинди. Сайлов тизимини такомиллаштирувчи қатор қонунлар қабул қилинди, ҳокимият органлари орасидаги чегараларни белгилаш ва ажратиш, уларнинг давлат тизимидаги вазифалари, ўзаро муносабатларни меъёрлаш тамойилларига асос солинди.

Мухтасар қилиб айтганда, мустабид совет тузумининг парчаланиши ва Ўзбекистоннинг дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат сифатида шаклланишидек мураккаб даврда айнан Олий Кенгаш янги давлатчилик тизимига босқичма-босқич ўтишни таъминлади, ва бунинг оқибатида ўзгаришлар жараёнини қонуний, легитим бўлишига эришилди. Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон олий давлат вакиллик органи мазмун ва моҳият жиҳатидан мутлақо янги бўлган парламентни шакллантиришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. 1994 йилда илк бор кўппартиявийлик асосида бўлиб ўтган сайловлар натижасида бир палатали, 250 нафар депутатдан иборат Олий Мажлис ташкил топди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда яқин истиқболда икки палатали олий вакиллик ва қонун чиқарувчи орган яратиш учун жиддий тайёргарлик кўрилмоқда.

Тараққийпарвар ватандошларимиз XX аср бошида орзу қилган ва афсуски, амалга ошмай қолган истаклари бугун, истиқбол шарофати билан рўёбга чиқмоқда.

*Ш. Кудратходжаев*

*ИЗ ИСТОРИИ ФОРМИРОВАНИЯ ОРГАНОВ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ*

*Статья посвящена истории зарождения в Узбекистане идей создания законодательного и представительного органов власти в XX веке. Здесь рассматриваются вопросы о ведущей роли представителей национальной интеллигенции — джадидов в разработке этих идей, о пресечении их стремлений (процессов) со стороны советской власти. Впервые анализируются сущность и деятельность законодательных органов власти при советском строе.*

*Sh. Qudratho'jaev*

*FROM THE HISTORY OF ESTABLISHING REPRESENTATIVE GOVERNMENT BODIES IN UZBEKISTAN*

*The article is dedicated to the history of ideas origin of establishing legislatixe and representative government bodies of te 20th century in Uzbekistan. It incorporates leading hand of national intellectuals — jadids in the development of these ideas and the suppression of their aspirations (processes) by the Soviet power.*

2003

1-son

# Тарихшунослик, манба ва талқин

*Ф. Шамукарамова*

## ЖИЗНЬ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МИРЗО УЛУГБЕКА В СОВРЕМЕННОЙ ИСТОРИОГРАФИИ

С обретением независимости в Узбекистане открылись широкие возможности для возрождения духовных ценностей узбекского народа, более полного и всестороннего изучения и освещения жизни и деятельности выдающихся государственных деятелей, чьи имена были преданы забвению в советский период. Научная общественность страны, пользуясь предоставленной возможностью, вновь обратила свое внимание на исторические личности, оставившие большой след в истории народов Средней Азии и мировой цивилизации. В этой плеяде великих личностей особое место занимает Мирзо Улугбек — великий узбекский ученый, астроном, математик, физик, архитектор, государственный деятель, 600-летний юбилей которого отмечался в 1944 году.

Указом Президента Узбекистана И. А. Каримова 1994 год был объявлен годом Улугбека. Международная организация ЮНЕСКО внесла юбилей Улугбека в число праздников, отмечаемых во всем мире. В связи с этим было опубликовано множество статей, заметок, брошюр, сборников, монографий, приуроченных к упомянутой дате. Основные труды Улугбека были переведены на многие языки и с комментариями выпущены в свет. С историографической точки зрения это имеет немаловажное значение.

В ходе подготовки к юбилею были отреставрированы исторические памятники, связанные с жизнью и деятельностью Улугбека (медресе Улугбека, обсерватория) и воздвигнуты новые[1].

В октябре 1994 года в Узбекистане (Ташкент-Самарканд)[2] и во Франции[3] (Париж) были проведены международные научные форумы. В своих выступлениях исследователи из разных стран мира дали самую высокую оценку научной деятельности Улугбека и его школе.

Выступая на главных праздничных торжествах 15 октября 1994 года, Президент Республики Узбекистан подчеркнул: «Научный подвиг такого несравненного ученого, как Мирзо Улугбек, совершенный им в условиях средневековья, продолжает удивлять современных ученых.

Судьба возложила на плечи этой великой личности грандиозные и чрезвычайно трудные задачи. Сделав его наследником салтаната, созданного великим полководцем Амиром Темуром, она подвергла его неисчислимым испытаниям.

---

[1] Народное слово. 2 ноября 1994 г.

[2] Материалы Международной научной конференции, посвященной 600-летнему юбилею Мирзо Улугбека. Ташкент—Самарканд, 12—16 октября 1994 г. Ташкент, 1994.

[3] Народное слово. 27 октября, 2 ноября 1994 г.

Благодаря своему интеллекту, твердости, справедливой политике, Мирзо Улугбек в течение сорока двух лет являлся мудрым правителем Мавероуннахра. При осуществлении вековой мечты народов о мире, благополучии, на пути утверждения прогресса во всех сферах жизни им были проявлены несравненные смелость и стойкость...

Он наблюдал тысячи звезд, создал завершенную карту небесной сферы и совершенные астрономические таблицы, почти не отличающиеся по точности от современных...

То обстоятельство, что астрономические таблицы, названные «Зижи жадиди курагоний», в средние века были переведены на латинский язык и получили широкое распространение среди ученых Европы — яркое доказательство этого»[4].

Все публикации, приуроченные к юбилею Улугбека, можно разделить на две группы. Первая — это работы, изданные с целью популяризации Улуғбека, для широкого круга читателей[5]. Вторая — основанная на новых научных исследованиях. Журнал «Общественные науки в Узбекистане» в нескольких номерах опубликовал целый ряд статей, посвященных Улугбеку и его школе. В них освещаются разные аспекты жизни Улугбека: правление[6], научная деятельность[7], деятельность его учеников[8] и потомков[9]. Также имеются статьи, где содержатся переводы письменных источников периода Улугбека[10].

В статье Р. Г. Мукминовой «Ремесленное производство в Самарканде времен Улугбека» показано, какие виды ремесла были развиты здесь и в других крупных городах Мавероуннахра благодаря умелому правлению Мирзо Улугбека. Высокое качество продукции ремесленников Мавероуннахра удовлетворяло потребности не только местного населения, но и позволяло экспортировать бумагу, ткани, цветное стекло и другой товар по трассам Великого Шелкового пути в далекие страны.

Статья Г. П. Саркисянц «Мирзо Улугбек и отправление правосудия» отражает Улугбека как знатока теории мусульманского права (фикх). Его стремление к справедливости, сведение земельных пода-

---

[4] Речь Президента Узбекистана И. Каримова на праздничных торжествах, посвященных 600-летнему юбилею Мирзо Улугбека//Ислам Каримов. Наша цель: свободная и процветающая Родина. Т. 2. Ташкент: Узбекистон, 1994. С. 320.

[5] Аҳмедов А. Улуғбек Муҳаммад Тарағай. Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. 40-бет; Абдураҳмонов А. Улуғбек академияси. Тошкент. Қомуслар Бош таҳририяти. 1994. 29-бет; Файзиев Т. Мирзо Улуғбек авлодлари. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 40-бет; Қориев М. Юлдузларда эди хаёли. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 16-бет; Мамадазимов М. Улуғбек ва унинг расадхонаси. Тошкент: Ўзбекистон. 1994. 100-бет.

[6] Саркисянц Г. П. Мирзо Улугбек и отправление правосудия//ОНУ. 1994. № 7. С. 21—26; Ртвеладзе Э. В. Монеты Улугбека//Там же. С. 15—17; Мукминова Р. Г. Ремесленное производство в Самарканде времен Улугбека//ОНУ. 1994. № 7. С. 17—21.

[7] Аҳмедов А. Ўрта асрларнинг буюк алломаси//ОНУ. 1994. № 7. С 4—10: Матвиевская Г. П. Мировая литература о научном наследии школы Улугбека// Там же. С. 67—72.

[8] Ўринбоев А. Али Қушчи — Улуғбек мактабининг давомчиси//Там же. С. 34—37.

[9] Файзиев Т. Улуғбек Мирзо Курагоний авлоди//Там же. С 27—33.

[10] Бўриев О. Улуғбек даврига оид баъзи тарихий манбалар//ОНУ. 1994. № 7 С. 43—54; Зиёева А. «Жаҳонгирнома» Улуғбек ва Амир Темур ҳақида//Там же. С. 55—57; Остонова Г.Ю. Саккокий Улуғбек ҳақида//Там же. С. 57—61.

тей до минимума, благосклонное отношение к простому народу и рядовым воинам, твердая опора на установленные нормы торгово-ремесленного налога (тамга) способствовали росту благосостояния населения. Ценность данной статьи определяется еще и тем, что автор подтверждает свои выводы примерами из произведений современников Улугбека. В советской историографии считалось, что Улугбек был недостаточно сильным правителем и полководцем. Однако следует заметить, что во внутреннем управлении страной, в частности в решении правовых вопросов, облегчении жизни дехкан он старался быть справедливым. Как отмечал В. В. Бартольд, правление Улугбека было «сравнительно мягкое» для той эпохи.

Академик Э. В. Ртвеладзе обратил свое внимание на монеты, чеканившиеся в годы правления Улугбека. В своей небольшой статье он вкратце изложил историю исследования монет того периода, которыми располагает наука на сегодняшний день, и на этой основе дал обобщающую картину денежного хозяйства и монетного чекана в период правления Улугбека.

Главный труд Улугбека «Зидж» вот уже несколько столетий привлекает к себе внимание многих исследователей разных стран мира. Его многочисленные копии хранятся в рукописехранилищах США, Англии, Франции, Турции и др. Этот же труд — предмет работы для переводчиков на английский, французский, немецкий, турецкий и узбекский языки начиная с середины XVII в. вплоть до наших дней. Известный исследователь наследия Улугбека Г. П. Матвиевская в статье «Мировая литература о научном наследии школы Улугбека» наряду с кратким изложением историографии изучения «Зиджа» останавливается и на истории изучения трудов сподвижников Улугбека и его учеников. Таким образом, эти две статьи стали продвижением ученых в области историографии Мирзо Улугбека.

Другим анализом такого рода, но касающимся деятельности Института востоковедения АН РУз, начиная с 50-х годов вплоть до юбилейного 1994 года, в изучении рукописей о жизни и деятельности Улугбека, его сподвижников и учеников является статья Т. Г. Абаевой[11]. Целый ряд ученых (археологи, нумизматы, востоковеды, историки) принимали участие в составлении сборников, переводов рукописей, выпущенных по инициативе института. Благодаря этой работе, изучение эпохи Улугбека значительно раздвинуло рамки исследования и выявило целый ряд новых имен, оставивших заметный след в истории культуры Средней Азии[12]

Особое место в историографии Мирзо Улугбека занимают археологические работы, касающиеся той эпохи или памятников, имеющих непосредственное к нему отношение. Таким открытием в изучении наследия Улугбека стало обнаружение И. Д. Иваницким[13] мраморной плиты, идентичной плитам главного инструмента обсерватории Улугбека секстанта. Это произошло в 1990 г. в ходе археологических наб-

---

[11] Абаева Т. Г. Изучение научного и культурного наследия Мирзо Улугбека в Институте востоковедения АН РУз//ОНУ 1994. № 9—10.. С. 31—38.

[12] Ашраф Аҳмад. Улугбек Муҳаммад Тарағай (1394—1449). Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 40-бет.

[13] Иваницкий И. Д. Фрагмент обсерватории Улугбека из квартала Абдуллайса//ОНУ. 1994. № 1—2. С. 54—56.

людений за строительством общественного здания на территории квартала Факих Абдуллайса. Основываясь на результатах исследований, он сделал выводы о том, что нахождение там плиты было связано с «наиболее интенсивным разносом населением кирпичей, изразцов и мраморных плит из обсерватории и садов» в XVI веке.

И. Д .Иваницкий полагал, что данная находка дала новый толчок к научным поискам, связанным с изучением обсерватории в Самарканде.

Одним из приуроченных к юбилею достижений был выпуск Институтом востоковедения им. Абу Райхана Беруни АН РУз на русском и узбекском языках первого полного перевода главного труда Улугбека «Зидж» — «Новые Гурагановы астрономические таблицы» («Зиджи джадиди Гурагони»), осуществленный А. Ахмедовым[14]. Это издание уникально тем, что снабжено исчерпывающими комментариями средневекового автора (1523 г.) Бирджанди. В него вошли четыре книги сочинения Улугбека. В первой из них, посвященной хронологии и календарям, приводятся сведения о хронологии и летосчислении китайцев, древних тюрков, персов, греков и арабов; во второй, посвященной сферической астрономии и математической географии — математические и географические таблицы; в третьей — о движениях планет и звездной астрономии — таблицы движений планет и звездный каталог, описывающий координаты 1018 неподвижных звезд, полученные на основе оригинальных наблюдений, проведенных в Самаркандской обсерватории; в четвертой книге, посвященной астрологии, также приводятся астрономические таблицы.

Во вступительной статье А. Ахмедов дает краткую биографию Улугбека и характеризует его как правителя, справедливо отмечая, что существование 108 вариантов «Зиджа» — «лишь простой перечень литературы свидетельствует о громадной роли данного произведения в истории мировой науки. В течение нескольких веков его комментировали, исследовали, стараясь понять и осмыслить. На протяжении XVII — начала XVIII в. Европа по нему сверяла уровень и точность своей науки»[15]. На основе глубокого изучения «Зиджа» А. Ахмедов приходит к выводу, что в обсерватории Улугбека был изготовлен глобус звезд[16].

Наряду с Европой, «Зидж» произвел большое воздействие и на ученых Индии. Есть предположение, что этому способствовал один из Темуридов — Захириддин Мухаммад Бабур[17].

Помимо полного перевода «Зиджа», в том же году отдельной книгой была издана «Астрология» — четвертая книга из «Зиджи джадиди Гурагони» на узбекском, русском и английском языках[18]. Автор

---

[14] Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гурагони. — Новые Гурагановы астрономические таблицы//Вступ. ст., пер., коммент. А. А. Ахмедова. Тошкент: Фан. 1994.—445 с.

[15] Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гурагони... Вступ. ст., пер., коммент. А. Ахмедова. С. 28.

[16] Аҳмедов А. Ўрта асрларнинг буюк алломаси//ОНУ. 1994. № 7. С. 4—10.

[17] Улугбек Мухаммад Тарагай. Зиджи джадиди Гурагони... Вступ. ст,. пер., коммент. А. Ахмедова. С. 28.

[18] Мирзо Улугбек. Илми нужум. Астрология. Astrology. Ташкент: Из-во народного наследия им. Абдуллы Кадыри. 1994.—112 с.

перевода и комментариев А. Ахмедов в своем предисловии подчеркивает, что четвертая книга «Зиджа» Улугбека представляет собой перевод, выполненный на основе 12 рукописей, хранящихся в рукописехранилищах мира. Перевод снабжен исчерпывающими комментариями, составленными на основе различных ценных источников.

В то же время была издана и брошюра «Улугбек Мухаммад Тарағай»[19] — часть многолетних исследований А. Ахмедова в изучении жизни и наследия Улугбека. Он по-новому подошел ко многим проблемным вопросам, касающимся жизни и деятельности ученого. Автор не преуменьшая, но и не преувеличивая, указывает на достижения и ошибки Улугбека как правителя, приведшие его к трагической гибели. Делая выводы о том, что как правителю и полководцу Улугбеку не удалось достичь того уровня, на котором был его великий дед — Амир Темур, в частности, подводя итог жизни Улугбека, А. Ахмедов пишет: «История распорядилась по-своему и Улугбек прославился не как правитель, а как ученый»[20].

Ценным подарком к юбилею были перевод Б. Ахмедовым и издание на узбекском языке исторического труда Улугбека «Тўрт улус тарихи» («История четырех улусов»)[21]. Это произведение содержит важный материал по истории Улуг юрта, Золотой Орды, государства Хулагидов и Чигатайского улуса. Перевод был осуществлен на основе копии рукописи, хранящейся в Британском музее (Англия) под номером АДД 26 190.

Известно, что В. В. Бартольд ставил под сомнение авторство Улугбека и историческую ценность данного произведения[22]. Он, в частности, указывал: «Приписанный Улугбеку исторический труд, вероятно, представлял бы некоторый интерес как литературный памятник и как материал для исторической критики, но едва ли открытие экземпляра этого труда существенно обогатило бы наши сведения по истории монгольской империи и образовавшихся после ее распадения государств». Б. Ахмедов, приводя конкретные факты из первоисточников, т. е. из произведений историков и современников Улугбека, опровергает данную точку зрения[23]. Наряду с этим, Б. Ахмедов, комментируя «Тарих-и арба улус», раскрыл новые грани таланта Улугбека не только как астронома и математика, но и как эрудированного историка. Следует сказать, что и во вступительной статье к переводу «Тўрт улус тарихи» Б. Ахмедов внес некоторые коррективы. Он, в частности, пишет: «В опубликованной несколько лет назад статье[24] по поводу «Тарих-и арба улус» мы писали, что так как произведение вобрало в себя историю глубокого изучения и перевода, наше мнение относительно

---

[19] Ашраф Аҳмад. Улуғбек Муҳаммад Тарағай (1394—1449). Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994. 40-бет.

[20] Там же. С. 21.

[21] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи//Сўз боши ЎзР ФА мухбир аъзоси Б. Аҳмедов/Тарж. Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, М. Ҳасанов. Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994. 351-бет.

[22] Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия//Соч. Т. I. М., 1963. С 105. Улугбек и его время//Соч. Т. II. Ч. 2. М., 1964. С. 142.

[23] См.: Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент: Фан, 1979. С. 29—36.

[24] Ахмедов Б. Улугбек и его исторический труд «Тарих-и арба улус»//Из истории науки эпохи Улугбека. Ташкент, 1979. С. 29—36; ОНУ. 1994. № 7. С. 10—15.

содержания изменилось. Мы пришли к выводу, что его условно можно разделить на семь глав, а также «введение» и «заключение»[25].

Большим вкладом в историографию проблемы явился и коллективный труд Института истории АН РУз «Темур ва Улугбек». На основе средневековых рукописей и достоверных архивных материалов авторы отразили политические, экономические и культурные аспекты эпохи Амира Темура и Улугбека.

Лучше узнать о жизни выдающихся людей прошлого, социально-экономическом и политическом положении того времени нам помогают первоисточники. Благодаря произведениям историков, писателей и поэтов прошлого, можно наглядно восстановить исторические события. Группа ученых Института востоковедения АН РУз во главе с академиком Б. Ахмедовым[26] создала ценный сборник «Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида». В книгу вошли отрывки из произведений Алишера Навои, Давлатшаха Самарканди, Бабура, Ибн Арабшаха, Клавихо, Мирхонда, Хафиза Абру и др. Всего в сборнике помещены ценные сведения шестнадцати мыслителей об Амире Темуре и Улугбеке.

На сегодняшний день, помимо «Зиджа» и «Истории четырех улусов», известны еще две работы, принадлежавшие перу Улугбека. Это «Трактат об определении синуса одного градуса». Ранее считалось, что трактат написан Кази Заде Руми (учитель и сподвижник Улугбека). Но А. Ахмедов совместно с Б. А. Розенфельдом еще в 1975 г. установили, что данный труд написан самим Улугбеком[27].

Существует еще один, в единственном экземпляре, математический труд Улугбека «Трактат Улугбека» («Рисала-йи Улуғбек»). Он хранится в Алигархе («Индия»)[28], но этот труд еще не исследован.

Новые публикации об Улугбеке периода независимости раскрыли много ранее неизвестных фактов его жизни и деятельности и показали его вклад не только в науку, но и в развитие цивилизации мира. Всего ученым было известно четыре произведения, принадлежавших перу Улугбека. Только копий «Зиджа» к настоящему времени известно около ста на фарси и более 15-ти на арабском[29]. Ни одно произведение, написанное в средние века, не было столь популярным. Таблицы, составленные на основе практических наблюдений, ценны и поныне.

Несмотря на то, что Улугбека как государственного деятеля исследователи оценивали по-разному, он был и остается для мировой научной общественности великим ученым своей эпохи. Результаты исследований Самаркандской астрономической школы заняли достойное место в сокровищнице мировой науки.

---

[25] Аҳмедов Б. Мирзо Улуғбек ва унинг «Тарих-и арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») асари ҳақида//Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент: Чўлпон нашриёти, 1994, 6-бет.

[26] Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. (Рисола)/Б. Аҳмедов, У. Уватов, Г. Каримов ва бошқ. Тошкент: Ўқитувчи, 1996.—312-бет.

[27] Ахмедов А., Розенфельд Б. А. Кто был автором «Трактата об определении синуса одного градуса»?//ОНУ. 1975. № 10. С. 51—53.

[28] Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII—XVII вв.), Кн. 2. М.: Наука, 1983. С. 493—495.

[29] Аҳмедов А. Ўрта асрларнинг буюк алломаси//ОНУ. 1994. № 7. С. 4—10.

Однако ещё не все страницы жизни, научного наследия Улугбека и созданной им Самаркандской обсерватории полностью изучены. Ученые Узбекистана и разных стран мира ведут исследования по выявлению новых данных о научной деятельности Улугбека и его школы. Хочется надеяться, что поиски в этом направлении увенчаются успехом.

Следует сказать, что это лишь часть опубликованных трудов в Узбекистане о жизни и деятельности выдающегося ученого-правителя Мухаммада Тарагая Улугбека периода независимости. Полное историографическое исследование трудов о нем ещё предстоит осуществить.

*Ф. Шомукарамова*

*МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИДА*

*Мазкур мақола буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳаёти ва илмий меросига доир мустақиллик даври адабиётлари таҳлилига бағишланади. Унда алломанинг 600 йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилган кенг ҳажмдаги мақола ва рисолалар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этилади.*

*F. Shamukaramova*

*MIRZO UGUGBEK S LIFE AND ACTIVITY IN THE MODEDN HISTORIOGRAPHY*

*The article deals with works writfen in yiars of Independence concern Mirzo Ulugbek s life and activity as a great schol ar and stateaman. The author analyses works publiohed to Ulugbek s 600 jubilee Considering these works the autor concentrates on the historiograpic aspects.*

*Н. Хидирова*

## ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО ТАФСИРИНИНГ НОЁБ ҚЎЛЁЗМАСИ

Шарқда шахсни ҳар томонлама камол топтириш муаммоси ҳамиша етакчи масала бўлиб келган. Ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммаларига олган маълум бир тоифа жамиятда пайдо бўлганки улар сўфийлар деб аталиб, асосий маънавий озуқани исломдан олганлар. Ўрта Осиёда тасаввуф таълимотининг яссавия ва хожагон-нақшбандия тариқати камол топиб ривожланган. XIV—XV асрларда Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётнинг Амир Темур ва темурий шаҳзодалар томонидан изга солиниши чингизийлар ҳукмронлигидан кейин ислом динини янада тараққий топишига туртки бўлди. Айниқса, хожагон-нақшбандия тариқати ўз ривожланишининг янги босқичига кирдики ушбу тариқат XV асрга келиб бошқа тариқатлардан фарқли ўлароқ жамиятда ўша даврда мавжуд бўлган талабларга мувофиқ шаклда намоён бўлди[1].

Баҳовуддин Нақшбанд (1318—1389) вафотидан кейин нақшбандия тариқатини кенг тарғиб қилган шахслардан бири Баҳовуддин Нақшбанднинг иккинчи халифаси хожа Муҳаммад Порсо эди. Унинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий Бухорий бўлиб, «Порсо»[2] лақаби хожа Муҳаммадни ўта тақводор бўлганлигига ишора си-

[1] Каримов Э. Э. Суфийские тарикаты Центральной Азии XII—XV вв. Автореф. дис... докт. ист. наук. Ташкент. 1998. С. 37.

[2] *Порсо*-тақводор, художўй. Навоий асарлари учун қисқача луғат. Тошкент, 1993. 224-бет.

фатида берилган. Али ас-Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» асарида келтирилишича, Баҳовуддин Нақшбанд илк учрашувдаёқ хожа Муҳаммадни «Порсо» деб атаган ва у кейинчалик шу исм билан машҳур бўлган[3]. Муҳаммад Порсонинг туғилган йили тўғрисида қўлёзма манбаларда аниқ маълумотлар учрамаса-да, айрим шарқшунослар қуйидаги санани ҳижрий 746 ражаб ойининг 24 чи куни (милодий 1345 йил 20 ноябрь) деб аниқ кўрсатадилар ва асосий манба сифатида «Рашаҳот айн ул-ҳаёт»нинг Тошкент литографиясига суянадилар[4]. Муҳаммад Порсо ҳижрий 822 (милодий 1420) йилда иккинчи марта муборак ҳаж зиёратини адо этаётган вақтда 72 ёшида Мадина шаҳрида вафот этади.

Хожа Муҳаммад Порсо сўфий шайхлари ҳақида маълумот берувчи қўлёзма манбаларда нафақат шайх, балки ўз даврининг етук олими сифатида тилга олинади .Буни унинг бизни давримизгача етиб келган, ҳозирги кунда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган ўнлаб асарлари ҳам кўрсатиб турибди[5]. Унинг асарлари тасаввуф тарихи ва тасаввуф масалаларига бағишланган бўлиб, у ўз асарларида асосий эътиборини нақшбандия тариқатининг ўзига хос томонларини илмий нуқтаи назардан тартибга солишга ва айримларида эса сўфиёна истилоҳларни батафсил таҳлил қилишга қаратган. Хожа Муҳаммад Порсонинг бундан ташқари шаръий масалаларга бағишланган бошқа асарлари ҳам мавжуд .Айниқса, «Фасл-ул-хитоб би-вусули аҳбоб («Дўстлар висолига етишда оқ ила қорани ажратувчи китоб») асари ислом уламолари орасида машҳур бўлган. Бу асар қомусий бўлиб, исломда баҳсли бўлган масалалар турли далиллар асосида ечиб берилган[6].

Маълумки, хожагон-нақшбандия тариқати вакилларидан Мавлоно Ёқуб Чархий Қуръони Каримга тафсир ёзган Хожа Муҳаммад Порсонинг ҳам Қуръони Каримга тафсир ёзганлиги фанга маълум. Унинг ягона нодир қўлёзма нусхаси ҳозирги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида 2180 рақами остида сақланмоқда. Айрим шарқшунослар бу манбага «кўринишидан муаллиф дастхати» деган ноаниқ мулоҳазани билдирганлар[7]. Бизни ҳам айнан шу масала қизиқтиради. Ушбу нодир манбадаги дастхат муаллиф (хожа Муҳаммад Порсо) дастхатими ёки дастхати эмасми? Буни аниқлаш учун асар қўлёзмасини синчиклаб ўрганиш жараёнидаги фикрларимизни изҳор этишни лозим топдик.

Манба Қуръоннинг охирги жузъининг 97—104-сураларига Муҳаммад Порсонинг ёзган тафсиридир. Форс тилида. Манба СВР (шарқ

---

[3] Али ас-Сафий. Рашаҳот айн ул-ҳаёт. ЎзР ФА ШИ қўлёзма № 632. 62-варақ.

[4] *Қаранг:* Муминов А., Пауль Ю. Муҳаммад Парса. Ислам. Энциклопедический словарь. Вып. 3. М., 2001. С. 72—73; Тагирджанов А. Т. Описание таджикских и персидских рукописей. ЛГУ, 1962. С. 287; Наврўзова Г. «Рисолаи қудсия» — Баҳовуддин Нақшбанд таълимотига оид манба//Шарқшунослик, № 7. 116-бет.

[5] *Қаранг:* СВР III том. Тошкент, 1955. 220—256-бетлар; Бўриев О., Хасанов М. Муҳаммад Порсо. Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент, 1996. 49—50 бетлар.

[6] Jurgen Paul. Doctrine and organization. The Khwajagan Naqsbandiya in the first generation after Bahauddin. Berlin. 1998. P. 45.; Бўриев О., Ҳасанов М. Муҳаммад Порсо. Буюк сиймолар, алломалар. Тошкент, 1996. 49—50-бетлар.

[7] *Қаранг:* Муминов А., Пауль Ю. Мухаммад Парса. Ислам. Энциклопедический словарь. Вып. 3. С. 73.

қўлёзмалари каталоги)га киритилмаган. Котиб муаллифнинг ўзи (бу унвон варағида ёзилган). Ёзилган ери номаълум. Ёзилган йили ҳижрий 815 (милодий 1413—1414). Манба яхши сақланган. 108 *а*, *б*, 109 *а*, *б*-114 *а*, *б*-115 *а*, *б* варақлари сарғайган, 206 *б*-214 *б*-215 *а*-230 *б*-231 *а* варақларининг сиёҳи ёйилиб кетган, лекин матнга у қадар жиддий таъсир қилмаган. Қўлёзманинг умумий ҳажми 237 варақ. Ҳар бир саҳифада матн одатда 25—26 қатордан жойлаштирилган. Ҳар бир саҳифага пойгир қўйилган. Бир устунда. Хат тури Қуръоний насх, айрим жойлари насх аралаш настаълиқ. Асар қора сиёҳда битилган суралар қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Оч сариқ (новвот ранг) Самарқанд қоғози. Аввалги ва охирги варақлар таъмирланган. Ҳар бир саҳифага «Вақф китобхонаи Муҳаммад Дониёл бий оталиқ, ҳижрий 1197 (милодий 1783)» муҳри туширилган 1 *а* ва 237 *а*, *б* варақларига «Қози ал-Қузот Муҳаммад Шариф ибн домла Абдушукур, ҳижрий 1307 (милодий 1890)» муҳри туширилган.

Қўлёзма манбанинг унвон варағида (1 *а*) турли даврларда ёзилган уч хил хат мавжуд бўлиб, сулс-жалийда ёзилган, тахминан XV асрларга тўғри келадиган хат диққатимизни жалб этди. Унда форс тилида қуйидагилар битилган (маъноси): «Ушбу тафсир ҳақиқатлар султони, муфассирлар ва муҳаддислар бурҳони ҳазрати хожа Муҳаммад Порсоникидир, хат ҳам ўша кишининг хатти шарифидир. Аллоҳ сирларини муқаддас ва азиз қилсин. Бу саҳифаларнинг аввалидан (кейинги) янги битилган уч саҳифадаги хат ҳақоиқ паноҳ маъорифи дастгоҳ ҳазрати мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомийнинг хати таърифидир, Аллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин». Юқоридаги сўзлардан кўриниб турибдики, нусха котиби муаллифнинг ўзи.

Афсуски, хожа Муҳаммад Порсонинг бундан бошқа дастхати бизгача жуда ҳам оз етиб келган[8]. Бироқ, хат тури ва қоғознинг қайси даврга тегишлилиги масалага ойдинлик киритиши мумкинлигини ҳисобга олиб асар битилган қоғоз ва хат турини синчиклаб ўргандик ва қуйидаги хулосага келдик.

Қоғоз мутахассисларининг фикрича, XV аср бошларига тўғри келади, зиғир ва пахта аралашмасидан тайёрланган Самарқанд қоғози новвот ранг, қалин силлиқ ва бир оз дағалроқ, қоғоздаги қамиш излари қоғоз олишни қадимги Самарқанд усулини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Самарқанд қоғозига ёзилган 1487 рақамли (ёзилган йили XV аср охири) ва 8271 рақамли (ёзилган йили XVI аср охири XVII аср бошлари) қўлёзмалари билан солиштирилганда қоғозлар жуда ўхшаш эканлигини кузатдик.

Энди хат турига келсак, бир оз шикастароқ услубда ёзилган Қуръоний насх[9]. Унвон варағидаги иккинчи хат ҳам қўлёзма муаллиф даст-

---

[8] Рисолаи мунтахаба мин ақида Абул-Қосим ас-Самарқандий асарини ҳисобга олмаганда. Чунки бу асар Муҳаммад Порсонинг дасхати билан ёзилган бўлиб ҳозирги кунда Теҳрондаги senai-sina (228/IV) кутубхонасида сақланади; *Қаранг:* Муминов А., Пауль Ю. Мухаммад Парса. Ислам. Энциклопедический словарь. Вып. 3. М. 2001, С. 73.

[9] Хабибуллаев Н. Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарихидан. Тошкент, 1992. 61-бет.; Биз ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзма китобларини тиклаш бўлими ходими М. Салимовга қоғоз тури ва даврини аниқлашда ҳамда етакчи илмий ходим т. ф. н. Қ. Мунировга хат тури ва даврини аниқлашда кўрсатган беминнат ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

хати эканлигини таъкидлайди ва асарни бизга маълум бўлмаган тақдирига ишора қилади.

Энди асарни янада қимматини оширадиган бир жиҳати борки, у ҳам бўлса қўлёзмани айрим саҳифаларини Абдураҳмон Жомий томонидан қайта тикланиб кўчирилганлигидир. Ҳақиқатдан ҳам қўлёзмани 6 *а*-10 *б* варақлари силлиқ пахта ва ипак аралашган сифатли қоғоздан қайта тикланган ва айнан шу саҳифаларнинг 6 *а*-6 *б*-7 *а* варақлари ҳошиясига Абдураҳмон Жомий дастхати билан кўчирилганлиги таъкидланган. Бу дастхатни ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган Абдураҳмон Жомийнинг ўз дастхати билан солиштирганимизда хатлар айнан бир хил эканлигига амин бўлдик[10] 16 *а*-17 *б*-18 *а* варақлари ҳошиясидаги айрим шарҳлар ҳам Абдураҳмон Жомий томонидан битилганлиги ҳошияда ишора қилинган.

Унвон варағидаги учинчи хат чиройли настаълиқда Мирзо Муҳаммад Шариф (Садр Зиё) томонидан ёзилган бўлиб унда қуйидаги сўзлар битилган: (маъноси) «Маҳфий қолмасинки, китобдаги ушбу хат султони фозил Амир Саид Баҳодир Султоннинг хатидир. Аллоҳ раҳматига олсин. Мен Аллоҳнинг заиф қули қозилар қозиси Муҳаммад Шариф латиф бўлган Аллоҳдан авф сўрайман»

Тахминимизча, унвон варағидаги иккинчи хатга ишора қилиняпти, чунки у ерда «Хожа Муҳаммад Порсо тафсири уларнинг ўз муборак хатларидир. Қози Мир Носир болалари ас-Соф (?) га совға сифатида келтирди». Бу сўзлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тахминимизча, асар Бухоро амири Саид Баҳодир султон Абдулаҳадга (1885—1910) совға сифатида келтирилган ва кейинчалик бу нодир асар Садр Зиё кутубхонасига берилган. Юқорида келтириб ўтганимиздек тафсир аввал Муҳаммад Донёл бий оталиқ (1758—1785) кутубхонасида, кейинчалик машҳур Муҳаммад Шариф (Садр Зиё) (1867—1932) кутубхонасида сақланган[11] ва айнан шу ерда таъмирланиб муқоваланган. Чунки китоб муқоваси XIX асрда қилинган.

Ҳозирги кунда асарнинг бошқа котиблар томонидан турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари жаҳон кутубхоналарида сақланмоқда[12]. Асарнинг Истанбулда сақланаётган қўлёзма нусхасини Абдураҳмон Жомийнинг дастхати билан кўчирилган деб тахмин қиладилар[13]. Хожа Муҳаммад Порсо 100 жилддан ортиқ тафсир ёзганлиги эслатилса-да, фақатгина унинг 7-жилди сўз ва иборалар изоҳи бўлими фанга маълумдир[14].

Турк олими Мустафо ибн Абдуллоҳ Котиб Чалабий (Хожа Халифа) (1609—1659) «Кашф уз-зунун». («Шубҳаларнинг ечилиши») аса-

---

[10] Уринбоев А., Епифанова Л. М. Рукописи произведений Абдурахмана Джами. Ташкент, 1965. С. 99.

[11] Vahidov S. H., Erkinov A. Le Fihrist (catalogue) dt la bibliotheque de Sadrziya-une image de la vie intenctuelle dans le Mavaraannahr (fin XIX-debut XX ciecles) In Pantimoine et vie intellectuelle de l'Asie centrale islamique. Cahiers l'Asie cenrale 7 (1999), str 149 v. spiske no. 33.

[12] Стори Ч. А., Брегель Ю. А. Персидская литература. Т. I. М., 1972. С. 118.

[13] Там же.

[14] Халидов А. Б. Рукописи из библиотеки Мухаммада Парса. Петербургское востоковедение. Вып. 6. Спб., 1994. С. 515.

рида хожа Муҳаммад Порсо тафсирини «Мулк» ва «Набаъ» сураларига ёзилган шарҳ деб маълумот беради[15].

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Муҳаммад Порсо Қуръони Каримни нафақат 97—104-сураларига, балки бошқа сураларига ҳам шарҳ ёзган бўлиши мумкин.

Асарнинг 43 *а*-43 *б*, 68 *а*- 84 *б* варақларидаги хат тури ва услуби бошқа варақлардан бир оз фарқли, лекин хатлар жуда ўхшаш. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, асар муаллифи асарни кун оралатиб вақти-вақти билан ёзган ёки худди шу тарзда дастлабки асар вариантидан кўчирган.

Хулоса қилганда асарнинг ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар бўлимида сақланаётган 2180 рақамли нусхаси Муҳаммад Порсонинг ўз дастхати билан ёзилган. Асар нодир нусха бўлганлиги учун ҳам айрим яроқсиз ҳолга келган варақлари шахсан Абдураҳмон Жомий томонидан тикланган. Қўлёзманинг 237 *а* варағи ҳошиясида «Ушбу китобни тасниф қилган хожа Муҳаммад Порсонинг вафоти (таърихи) зулҳижжа ойининг 24 чи пайшанба куни ҳижрий 822 йил (милодий 1420) ва (яна) бу китоб (уларнинг) вафотларидан 7 йил олдин ёзилган» деган сўзлар бор.

---

[15] Хожа Халифа. Кашф уз-зунун. ЎзР ФА ШИ. Тошбосма № 11624. 305-варақ; Flutgel. Bibliograpkicum et Encyclopaedicum. London. 1858. Voi-11 361.

*Н. Хидирова*

## РЕДКАЯ РУКОПИСЬ ХОДЖА МУХАММАДА ПАРСЫ

*Статья посвящена трактату известного деятеля суфийского тариката ходжагон-накшбандийа Ходжа Мухаммада Парсы (ум. в 1420 г.). Это трактат «Тафсира», состоящий из 97—104 сур Корана. Наиболее интересным аспектом исследования является то, что базовым письменным источником для данной статьи предположительно является автограф самого Ходжа Мухаммада Парсы, частично восстановленный другим деятелем того времени, известным поэтом и последователем течения накшбандийа Абдурахманом Джами.*

*N. Hidirova*

## THE RARE MANUSCRIPT OF KHODIJA MUHAMMAD PORSO

*The article is devoted to the tractate of the known figure of the Sufi tariqat (brotherhood) Khwajagan-Naqshbandiya Khwaja Muhammad Parsa (died in 1420). The given tractate «Tafsir» on 97—104 Suras of Koran. The most interesting aspect of research is that a base written source for given clasumably is the autograph of Kwaja Muhammad Parsa, which was partialli restored bu other figure of thei time known poet and a follower of Naqshdandiya brotherhood Abd ar-Raman Jami.*

# Тарих фактлар тили билан

*Р. Шамсутдинов*

## ЎЗБЕКИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИНИНГ ШИМОЛИЙ КАВКАЗГА СУРГУН ҚИЛИНИШИ

Советлар даврида 20—30-йилларда зўравонлик билан амалга оширилган жамоалаштириш ва у билан боғлиқ қулоқ қилиш тарихи синфийлик, партиявийлик, комфирқа мафкураси руҳида тадқиқ этилди. Мавзуга оид нашр этилган асарлар ва улардаги фикрлар эса ўша мустабид тузумни ҳимоялашга, уни ҳар жиҳатдан мақташга хизмат қилган.

Жамоалаштириш ўзбек халқининг турмуш тарзига, вужудига, қалби ва онгига мутлақо ёт бўлган. Шу боис Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси жамоалаштиришга, қулоқ қилишга норозилик билдирди, исён ва ғалаёнлар кўтарди. Ўзбекистон қишлоқларида советларга, комфирқага, уларнинг аграр сиёсатига қарши инқилобий ҳаракатлар юз берди. Большевиклар уни «кишлачная контрреволюция» (қишлоқ аксилинқилоби) деб номладилар. Аслида бу инқилоб эди.

Жамоалаштириш натижасида қишлоқ маблағи шаҳарга кўчирилди, ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари қатлами тугатилди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тўла давлатлаштирилди. Жамоалаштириш ёмон, хунук фожиали оқибатларга олиб келди. Унинг фожиаси шу бўлдики, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қишлоқ инфраструктурасидаги каттадан-катта маблағ бошқа соҳага беҳуда сарфланди, деҳқонлар ўз мулки ва меҳнати натижаларидан бегоналашди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий рағбатлари тугатилди, қишлоқда малакали ишчи кучи тақчил бўлиб қолди.

Унинг даҳшатли, фожиали оқибатларидан яна бири минглаб, юз минглаб деҳқонларнинг ноҳақдан қулоққа тортилиб узоқ ўлкаларга «махсус сургун қилиниши» бўлди. Бегона юртларда мислсиз азоб-уқубатлар, қаҳратон совуқ, очарчилик, қаҳатчилик, сиёсий қатағон, сургун қилинишлар оқибатида кўплаб деҳқонлар ўлиб кетдилар. Аммо жамоалаштириш ва қулоқ қилишнинг ана шу даҳшатлари тўғрисида советлар даврида сукут сақлаб келинди.

Қайта қуриш ва истиқлол туфайлигина ушбу масала тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортмоқда. Д. Алимова ҳаққоний таъкидлаганидек «аҳоли миқдори, урушлар очарчилик, мажбурий кўчиришлар ва қатағонлар билан боғлиқ йўқотишлар тарихимиздаги яна бир очилмаган қўриқ»[1]дир.

Тарихнинг ана шундай кемтик томонларини ёритиш борасида маълум ишлар қилинаётган бўлса-да, аммо Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилиниши ва уларнинг тақдири ҳозиргача ўрганилгани йўқ.

---

[1] Алимова Д. Хотирага нақшланган ёзувлар//Мулоқот, 2002, 3 сон, 13—15-бетлар.

ВКП (б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилди ва қулоқлар бўйича комиссия раиси СССР ХКС раиси ўринбосари А. А. Андреев тақдим этган қарорни тасдиқлади. Унда «а) Ўрт. Бауманнинг[2] Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ хўжалигини кўчириб, ундан 3 мингини Украина ҳудудига, 3 мингини Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С. Косиор[3] ва Шеболдаев[4]лар билан келишилган таклифи маъқуллансин; б) Бу қулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ўрт. Евдокимовга[5] топширилсин»[6] — дейилган. Ушбу қарор асосида ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода ва ОГПУ бошқарма бошлиғи Е. Г. Евдокимов 21 июнда Тошкентга, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли вакили Матсонга[7] телеграмма йўллаб, Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ хўжалиkини кўчиришга қарор қилингани, 3 минг оила Шимолий Кавказ ўлкасига, 3 минг оила Украинага жўнатиш зарурлиги билдирилади.

Сургун қилинаётган ҳар бир оилада меҳнатга яроқли киши, оила бошлиғи бўлиши шарт қилиб қўйилди.

Сургун қилинаётган ҳар бир оила камида 3 ойлик озиқ-овқат заҳираларини, қишлик кийимларини ,уй-хўжалик анжомларини ўзи билан бирга олиши, меҳнатга яроқли қулоқлар қочиб кетмасликларининг олдини олиш учун ГПУ ходимлари бундайларни олдиндан, тахминан аниқлаб, уларнинг ижтимоий аҳволини пухта текшириб чиқишлари телеграммада кўрсатилган. Бир кун муддатда сургун қилиш режаси, қайси райондан қанча оила, нечта жон, қайси станциядан жўнатилиши, вақт-соати, эшелонларни жўнатиш навбати, йўналиши, сургун қилиш операциясини ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг минимал сметаси, сургун қилиш режасини тўғридан-тўғри сим орқали юбориш талаб қилинган.

Ушбу директивани бажариш шахсан Г. П. Матсон зиммасига юклатилди[8].

Г. Г. Ягоданинг 1931 йил 30 июлда Тошкентга, ОГПУ вакили Г. П. Матсонга йўллаган телеграммасида «ниҳоятда қаттиқ назоратни максимал таъминлаш учун барча чоралар кўрилсин, ҳақиқатдан ҳам қулоқ-бой унсурлар синфийликдан келиб чиқиб, пухталик билан танлаб олинсин, кўчиришда ҳеч қандай хатоликларга йўл қўйилмасин, ўз таркибида собиқ қизил партизанлар, қизил гвардиячилар, қизил армия командирлари, партия, комсомол аъзолари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчилар, алоҳида хизматлари бўлган шахслари бор оилалар ҳар қандай шароитда ҳам кўчирилмасин, қулоқ-бойларни кўчириш, асосан пахтачилик районларида, пахта етиштиришни биладиган жойларда

---

[2] *Бауман К. Я.* — ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюросининг биринчи котиби (1931—1934 йиллар).

[3] *Косиор С. В.* — ВКП (б) Украина Марказий Комитетининг биринчи котиби (1928—1938).

[4] *Шеболдаев Б. П.* — Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг биринчи котиби (1931—1934).

[5] *Евдокимов Е. Г.* — ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича ваколатли вакили (1931).

[6] Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. М. РОССПЭН. 2001, т. 3. С. 146.

[7] *Матсон Г. П.* — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли вакили.

[8] Россия Федерацияси Давлат архиви. (РФДА) 9479-фонд, 1-рўйхат, 3-иш, 53—54-варақлар.

амалга оширилсин, кўчириш операциясини бошлаш муддати кўчириладиганларни жойлаштириш жойи аниқлангач, бир-икки кун ичида қўшимча хабар қилинади»[9], деб кўрсатилган.

Г. Г. Ягоданинг 1931 йил 11 августда Г. П. Матсонга йўллаган меморандумида Г. П. Матсон томонидан белгилаб қўйилган қулоқ-бой хўжаликларини эшелон билан жўнатиш маршрути тасдиқлангани билдирилди[10].

Москванинг, Ўрта Осиё Бюросининг кўрсатма ва талаблари асосида Ўзбекистон КП(б) МК прокуратура ва ГПУ билан биргаликда республика бўйича қулоқ қилиш, сургун қилиш операциясини ўтказишга киришади.

ЎзКП (б) МК 1 августда қулоққа тортиш ва сургун қилиш бўйича 20 кишидан иборат, 6 августда эса 5 кишидан иборат ўз вакилларини тасдиқлаб, уларни махсус йўриқнома билан жойларга юборади[11].

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли вакилининг ўринбосари Каруцкийнинг[12] 1931 йил 28 августда ЎзКП (б) МК котиби Лепага ҳамда Марказий Комитет аъзоларига йўллаган «Қулоқ хўжаликларни қўлга олиш ва сургун қилиш ишининг бориши тўғрисида қисқача ахбороти»да республика бўйича қулоққа тортиш ва уларни сургун қилиш операциясини ўтказиш тафсилоти берилган[13].

Андижон районида 23 август соат 11 даги ҳолатга кўра 150 хўжалик қулоққа тортилгани, уларда 200 меҳнатга яроқли эркак борлиги, шаҳар ва район аҳолиси кайфияти қониқарсиз аҳволдалиги, Далварзин қишлоқ совети томонидан қулоқ қилинган Мирзараҳим Ортиқбоев кўчириш пайтида ишни олиб бораётган Ҳакимжон Умрзоқовга пичоқ билан оғир жароҳат етказгани, қулоқ қилинган оилалар ўз уйларидан кетиб қолаётганликлари, бошқа жойларга қочиб кетаётганликлари қайд этилган. Янгиқўрғонда 22 август кечаси, Ўрта Осиё ҳудудидан ташқари жойларга сургун қилинадиган меҳнатга яроқли қулоқлар район бўйича қамоққа олина бошланди. 22 августда 122 қулоқ оилалари Наманганга жўнатилди. Қулоқ қилинганларни қамоққа олиш, сургун қилинаётганлар устидан соқчилик қилиш коммунист ва комсомоллар томонидан колхозчиларнинг фаол иштирокида амалга оширилмоқда[14].

Пойариқ районида 23 август соат 10 гача 43 та, Жарқўрғон районида 50 та, Юқори Чирчиқ районида 75 та қулоқ хўжаликлари қўлга олинган. Сариосиё районида операция 22 августга ўтар кечаси бошланди. 22 август соат 19 га бориб 25 нафар меҳнатга яроқли қулоқ, 2 оила бошлиғи, 24 киши қамоққа олинди. Жами 100 оила (558 киши) сургун қилиш учун 1931 йил 24 августда тайёрлаб қўйилган. 27 августда Термиз станциясида эшелонга 100 оила (482 киши) ортилиб олиб кетилган[15].

---

[9] РФДА, 9479-фонд 1-рўйхат, 3-иш, 89-варақ.
[10] Ўша архив, ўша жой, 99-варақ.
[11] ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 292-иш, 26—27-варақлар.
[12] *Каруцкий В. А.*—ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги ваколатли вакили ўринбосари, СОУ, (махфий оператив бошкармаси) бошлиғи.
[13] РГАСПИ (РИСТДА — Россия ижтимоий-сиёсий тарих давлат архиви) 62-фонд, 1-рўйхат, II қисм, 2138-иш, 95—99-варақлар.
[14] Ўша архив, ўша жой.
[15] РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2520-иш, 93-варақ.

Хуллас, 1931 йил августидаги операция натижасида Тошкент районидан 293 хўжалик (1102 жон), Юқори Чирчиқ районидан 73 хўжалик (412 жон), Самарқанд округидан 700 хўжалик (3680 жон) Фарғона округидан 1949 хўжалик (8343 жон), Бухоро округидан 691 хўжалик (3820 жон), Термиз оператив сектори (Жарқўрғон, Сариосиё, Денов районлари) бўйича 100 хўжалик (482 жон) Ўзбекистон бўйича жами 3795 та хўжалик (17839 жон), Ўрта Осиё бўйича 5681 та хўжалик (27745 жон) қулоқ қилиниб сургун қилинди[16].

Ўзбекистоннинг қайси округларидан Шимолий Кавказга сургун қилингани тарихий адабиётда акс эттирилмаган. Шу боис «Мерос» илмий амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси 2002 йил апрель ва октябрь ойларида республиканинг Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларига икки марта экспедиция уюштирди. Шунда Шимолий Кавказга сургун қилинганлар ва уларнинг авлодлари аниқланди ва улар билан учрашилди Нарпайнинг Пускарон қишлоғидан Абдуғаффор Юсупов, Абдусаттор Юсупов, Саловат Асадова, Каттақўрғондан Шукрулло Ражабов, Абдулазиз Зубайдуллахўжаев, Зубайда Худоёрова, Зайнаб Худойназарова, Зоир Мўминов, Абдуллажон Ражабов, Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғидан Марҳабо Эшонкулова, Оҳалиқ қишлоғидан Асрор Қурбонов Пойариқ тумани Чопорошли қишлоғидан Абдураҳмон Тоштемиров, Бухоро шаҳридан Исоқ Мардонов, Коғон шаҳридан Адиза Ҳамроева, Вобкент тумани Усмон Юсупов кўчасида яшаётган Ширин ая Паноева (Ўринова)ларнинг эсдаликларида Шимолий Кавказдаги меҳнат посёлкаларида аксарият Самарқанд, Бухоро округларидан сургун қилинганлар яшаганлиги ифодаланган.

Сургун қилинаётганлар 26—27 август кунлари темир йўл станцияларидаги йиғув пунктларидан қизил вагонларга жойлаштирилиб, эшелон қилиниб жўнатилди. Улар Красноводскгача темир йўлда, сўнгра Каспий денгизи орқали пароходда Маҳачқалага, Маҳачқаладан яна вагонларга ортилиб, 3—4 суткадан сўнг Георгиев станциясидан айланиб Прикум (ҳозирги Будёновский) станциясига келтирилган, уларнинг бир қисми Нальчик, бир қисми Моздок ва яна бир қисми Прикум ҳудудларига жойлаштирилган Меҳнат учун кўчирилиб келтирилганлар Дивное, Арзгир, Новоромановка, Киста, Дербетовка, Петропавловка, Николо-Александровка, 4-сон меҳнат посёлкаси, Малая Жалга, Киевка, Белое Копани меҳнат қишлоқларига жойлаштирилган.

Николо-Александровкада Каттақўрғоннинг «Катта араб» қишлоғидан сургун қилинган 12 жонли Ражаб Дўстмуродов оиласи жойлашган. Каттақўрғон шаҳридан Нуриддин Худойназаров, Мулла Ниёз Муҳаммад, Муҳаммад Ҳакимов, Мустафоқулов, Мурод Тошдовондўз, Пасткичордора қишлоғидан Туронбой Мамадиев, Кунадам қишлоғидан Муҳаммад Расул қори Зубайдуллаев оилалари ҳам ўша посёлкага жойлаштирилган.

Арзгир меҳнат посёлкасига Нарпай райони Пускарон қишлоғидан 14 жонли Мамаюсуф Саидов оиласи ўрнашган. Шофиркон райони Қайрағоч қишлоғидан Қилич Шукуров бошлиқ оила Будёнов, кейин Николо-Александровкага жойлашган.

[16] Ўша жой. 92—94-вароқлар.

Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғидан Ёқубжон Муҳитдинов оиласи ҳам Прикум районига жойлашган. Шу оила аъзоси, ҳозирда 80 ёшга бориб қолган Марҳабо Эшонқулова шундай эслайди: «Биз тоғ ортидаги даштлик воҳага тушган эдик. Чўлнинг ўртасидаги иккита нешайвонли гош, харсангдан қурилган уйга жойлашдик. Эркаклар чодир қуриб далада турадиган бўлишди. Тоққа яқин жойда биттагина қудуқ бор. Ҳаммаёқни тикан, ёввойи ўтлар босиб кетган, атроф паст-баланд тепачалар-жарликлардан иборат. На ариқ бор, на канал. Кечалари зим-зиё, ваҳимали, йиртқич ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг ҳаммасидан бор. Биз бу ерда деҳқончилик қилиб турмуш кечира бошладик»[17]. Меҳнат кўчкиндиларининг яшаш шароитлари ниҳоятда оғир бўлган. Шу боис улар сафида ўлим, қочиб кетиш ҳоллари жуда кенг кўламда бўлган. Масалан, 1932 йил 1 январдан 1933 йил 1 январгача туғилиш 703, вафот қилганлар 2845, қочганлар 6897, қочоқликдан қайтарилганлар 1890 кишини ташкил қилган. 1933 йил 1 январ билан 1934 йил 1 январ оралиғида эса туғилиш 341, вафот этганлар 7107, қочганлар 7190, қочоқликдан қайтарилганлар 3721 кишини ташкил қилган. 1932 йил 1 январдан 1934 йил 1 январигача меҳнат кўчкиндиларининг камайиш кўрсаткичи Шимолий Кавказ ўлкаси бўйича 29528 кишини ташкил қилган[18].

Меҳнат сургунидагилар бегона юрт, оғир иқлим шароитида ўз меҳнатлари билан пахта етиштириш борасида юқори натижаларга эришганлар. Дивенск районидаги 1-сон пахтачилик совхозида 1932 йилда 373 гектар ерда пахта етиштирилган пахта ҳосили гектаридан ўртача 7,2 центнерни ташкил қилган. Совхозларда асосий пахтакорлар бўлмиш меҳнат кўчкиндиларига кунига 30—35 килограммдан, маҳаллий ишчиларга эса 15—20 килограммлик норма белгиланган. Ўзбек меҳнат кўчкиндиларига бириктиб қўйилган майдонларда асосий пахта теримчилари кунига 50 килограммдан 100 килограммача пахта терганлар[19].

Пахтачилик совхозларида пахтакорлар учун етарлича шарт-шароит яратиб берилмаганлиги ҳатто расмий органлар томонидан ҳам тан олинган. Масалан, 1933 йил 21 апрелда ВКП (б) нинг Марказий назорат комиссияси ва СССР ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги «Пахтачилик совхозларида махсус кўчирилганлар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишга мажбур бўлган[20].

Ўзбекистонликлар асосан ғаллачилик, пахтачилик, қўйчилик билан машғул бўлганлар. Прикум ва Дивенск районларида пахтачилик совхозлари, пахтачиликка асосланган қишлоқ хўжалик артеллари, колхозлар ташкил қилинган. 1937—1938 йилларда Шимолий Кавказ меҳнат посёлкаларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича давлат мажбуриятлари ортиғи билан бажарилди. 1937 йилда меҳнат посёлкаларида 66209,7 тонна буғдой, 8112 тонна пахта, 1569,7 тонна истеъмол ёғи ва техник ёғ, 857,1 тонна картошка, 1703,7 тонна сабзавот, 957,2 тонна чорва озуқаси, 2188,5 тонна пичан, 2665 тонна силос тайёрланиб, давлатга топширилган. 1938 йилда меҳнат кўчкиндилари қарамоғида 2107 бош иш ҳайвони, 15499 бошли йирик

[17] Қишлоқ ҳаёти. 2002 йил, 4 октябрь.
[18] РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 98-иш, 208-варақ.
[19] Ўша архив, 20-иш, 6—9-варақлар.
[20] Ўша жойда, 15-иш, 6—9-варақлар.

шохли қорамол (сигирлар бўлмаган), 3843 бош чўчқа, 86769 бош қўй-эчки бўлган[21].

СССР МИКининг 1934 йил 27 майдаги меҳнат кўчкиндиларининг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги қарори кўплаб меҳнат кўчкиндиларини озод қилиниб, ўзларининг аввалги доимий яшаш жойларига қайтиб келишига имкон берди. 1934 йил 1 ноябрига қадар Шимолий Кавказ ўлкасидаги 1698 меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқи тикланган, улардан 399 киши меҳнат посёлкасида қолиб, қолганлари ўзларининг аввалги яшаш жойларига қайтганлар[22]. Шулардан бири Ёқуб Муҳитдиновга Прикумский район ижроия комитети раиси Делюшенко имзоси билан 1934 йил 30 июлда берилган 4991-сонли гувоҳномада унинг сайлов ва бошқа барча фуқаролик ҳуқуқлари муддатидан олдин тиклансин, фуқаро Ёқуб Муҳитдинов ва унинг 1899 йилда туғилган хотини Санобар, 1918 йилда туғилган қизи Нафия ва 1925 йилда туғилган қизи Марҳабо ССР Иттифоқида эркин яшашлари учун рухсат этилади, деб ёзилган. Бу оила тез орада Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғига қайтиб келади[23]. Аммо озод қилиш жараёни кўп ўтмай тўхтаб қолди. Бунга СССР Ички ишлар Халқ Комиссари Г. Г. Ягоданинг 1935 йил 5 январда лагерлар бошқармаси бошлиғи М. Д. Берманга «Ҳуқуқда тиклаш кетиб қолиш ҳуқуқини бермайди», деган кўрсатмаси ҳамда унинг 17 январда ВКП (б) МК секретари И. В. Сталинга йўллаган хати сабаб бўлди. Г. Г. Ягода ҳуқуқда тикланган меҳнат кўчкиндиларининг ўз уйларига — улар сургунга жўнатилган пайтдаги жойларига қайтиб келишлари сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблади. Меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқларини тикланиши уларга ҳозир яшаб турган жойларини ташлаб кетиш ҳуқуқини бермаслиги кўрсатиб ўтилди»[24].

Хатдаги фикр И. Сталинга маъқул келади, шундан сўнг ҳуқуқда тикланган меҳнат кўчкиндилари меҳнат посёлкаларидан кета олмай қоладиган бўлиб қолди.

Сталинча қатағонлик авжига чиққан 1937—1938 йилларда Шимолий Кавказдаги меҳнат кўчкиндиларининг бир қисми қайтадан қатағон қилинди, улардан баъзиларига асоссиз айблар қўйилиб отиб ташланди, айримларига 10 йил қамоқ жазоси берилди. Улар қамоқ жазосини ўташ учун Сибирь, Узоқ Шарқ, Шимолга юборилди. Маҳбусларнинг камдан-кам қисми у жойлардан қайтиб келди, аксарият катта қисми ўша лагерларда ўлиб кетди.

Меҳнат кўчкиндиларининг 1941 йилдаги миллий таркибида 10218 рус, 336 ўзбек, 197 немис, 176 туркман, 113 тожик, 55 арман, 38 украин, 22 кабардин, 10 черкас, 7 грек, 6 авар, 6 грузин, 6 татар, 5 нўғай, 4 болгар, 6 молдаван, 3 абхаз, 3 чечен, 1 белорус, 1 поляк, 1 латиш, 1 қирғиз, 1 яҳудий оилалари бўлган.

Уруш бошланиши туфайли меҳнат қишлоқлари имкониятлари ҳарбий изга солинди, меҳнат кўчкиндилар елкасига яна оғир юк тушди. 1941 йил май—июн ойларида меҳнат кўчкинди ёшлардан 1578 киши қизил армия, қурилиш батальонларига олинди. Улардан 8 минг киши

---

[21] Ўша архив, 48-иш, 21-варақ.

[22] РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 14-варақ.

[23] Ёқуб Муҳитдиновнинг шахсий архивидан 2002 йил 25 октябрда олинган маълумот.

[24] РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 29-иш, 10-варақ.

мудофаа иншоотлари қурилишига сафарбар қилинди, меҳнат армиясига олинди, ёши 18 дан 45 ёшгача бўлган эркаклар бошқа жойларга эвакуация қилинди. 1942 йил июнида меҳнат кўчкиндилари ҳам ҳаракатдаги армияга олина бошланди[25].

Мисслсиз оғир шароитда меҳнат кўчкиндилари армия учун валенка (кийгиз этик)лар, яъни пўстинлар, фуфайкалар, қўлқоплар, ички кийимлар ишлаб чиқара бошладилар. Дивинск меҳнат посёлкаси иссиқ кийим-кечак тўплаш бўйича намуна кўрсатди. Бу жойдан фронтга 300 калта пўстин, 500 та кийгиз этик, 700 жуфт иссиқ пайпоқ ва қўлқоп юбордилар. Мудофаа жамғармасига 500 минг сўмлик маҳсулот ва пул топширдилар[26].

Немислар маълум муддат Шимолий Кавказдаги меҳнат кўчкиндилари истиқомат қилаётган ҳудудларни босиб олганлар ва колхозларнинг бутун мол-мулки немислар томонидан таланган ёки йўқ қилиб юборилган.

1944 йилдан бошлаб меҳнат посёлкасидаги боқувчиси йўқ оилалар ва оила эркакларидан бирортаси урушда ёки ишчи батальонида бўлган оилаларга ўзларининг аввалги яшаш жойларига жўнаб кетишига рухсат берилади. Ўзбекистондан сургун қилинган собиқ «қулоқ»ларнинг бир қисми 1944 йилда, аксари қисми эса 1945—1946 йилларда ўз юртига қайтиб келдилар.

Лекин қайтиб келганлар сони жуда оз эди. Чунки очарчилик, «катта қатағон» ва уруш йилларида ўзбек оилаларининг кўпи ўлиб кетганди ёки катта-катта оилалардан 2—3 киши омон қолган эди, холос.

Хуллас, Ўзбекистондан Шимолий Кавказга сургун қилинган деҳқонларнинг ҳаёти ҳасрат ва надоматлар билан лиммо-лим тўлиб тошган аламли, аччиқли саҳифалардан иборатки, тарихимизнинг ана шу қирраларини тўла-тўкис очиб бериш ҳам ўзбек тарихшунослигининг ҳозирги вақтдаги долзарб масалаларидан биридир.

---

[25] РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 27-иш, 91—93-варақлар.
[26] Ўша жойда, 82-иш, 21-варақ.

*Р. Шамсутдинов*

### *ССЫЛКА ДЕХКАН УЗБЕКИСТАНА НА СЕВЕРНЫЙ КАВКАЗ КАК ПОСЛЕДСТВИЕ КОЛЛЕКТИВИЗАЦИИ*

*В статье на основе нового и разнообразного круга источников прослеживается процесс насильственной ссылки дехкан Узбекистана на Северный Кавказ, освещаются их трагическая жизнь, быт, труд, анализируется численный состав трудопереселенцев, раскрывается деятельность узбекских дехкан в области хлопководства, а также перечисляются жертвы, понесенные ими в условиях голода и второй мировой войны.*

*R. Shamsuldinov*

### *SENDING PEASENTS OF UZBEKISTAN TO THE SOUTH CAUCASUS IN THE RESULT OF COLLECTIVISATION*

*In this article we can observe the process of forced exile of peasents from Uzbekistan to the South Caucasus based on a great number jf different historical sourcer and facts. The number of the exiled people, their tragic fortune, slavery existance, explotation of labour, their contribution to cotton growing, as well as their sacrifices and starving during World War II are analysed and lightened in tyis work.*

O'ZBEKISTON TARIXI

2003 1-son

# Ёш тадқиқотчи минбари

Б. Турсунов

## XIX АСРНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ҚЎҚОН ҚАЛЪАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ХОНЛИК ҲАРБИЙ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Ҳар бир давлат табиий равишда ташкил топган дақиқасидан бошлаб, ўз чегарасини ҳимоя қилиш, уни мустаҳкамлаш борасида қайғуради ва ғамхўрлик қилади. Ўрта Осиёда қадимги даврдан бошлаб кечган тарихий жараёнлар ва бу ҳудудда шаклланган давлатчилик анъаналари шундан далолат берадики, ушбу заминда вужудга келган давлатлар ўзларини ташқи хавф ва муҳолиф кучлар ҳужуми, кўчманчилар тажовузидан ҳимоя қилиш, давлат бутунлигини сақлаш, мамлакат фаровонлигини таъминлаш мақсадида ўз чегараларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратганлар. Давлатчилик тараққиётида, ҳарбий иш муҳим ва ажралмас омил ҳисобланади. Ҳарбий соҳада Ўрта Осиё хонликларида амалга оширилган ишлар ибратлидир. Жумладан, Қўқон хонлигида ҳам чегарани ҳимоя қилиш борасида кўплаб диққатга сазовор ишлар амалга оширилган. Хусусан, давлат чегарасини мустаҳкамлаш ва уларни мудофаа қилиш учун кўплаб қалъалар бунёд этилган.

Қалъалар хонликни нафақат ташқи хавфдан ҳимоя қилиш, балки мамлакатни узоқ ва яқин ҳудудлар, кўчманчи дашт билан боғланган маҳаллий ва транзит карвон йўлларини қўриқлаш учун ҳам таянч нуқтаси вазифасини бажарар эди. Бундай қалъалар одатда асосий карвон йўллари ва муҳим чегара пунктларида қурилган[1]. Ана шундай мақсадда бунёд этилган Қўқон хонлигидаги асосий қалъалар сирасига Чу ва Талас водийсида Тўйчибек қўрғони, Тўқмоқ, Пишпек, Ит кечув, Оқ сув, Мерка, Авлиё ота, Иш тепа, Чолдевор, Жумгала, Куртак; Сирдарёнинг қуйи оқимида — Чўлоқ қўрғон, Сўзак, Қумуш қўрғон, Жони қўрғон, Оқ мачит, Жулек ва бошқалар кирган. Хонликнинг шимолий қисми мустаҳкам ҳимояланган бўлиб, бу ерда Туркистон, Чимкент каби шаҳарлар, йирик сиёсий ва иқтисодий марказ — Тошкент жойлашган эди. Ангрен ва Чирчиқ воҳасида Қировчи, Бўка, Тўйтепа қалъалари, хонликнинг ғарбий қисмида эса стратегик жиҳатдан катта аҳамиятга молик бўлган Ўратепа, Хўжанд Махрам ва Лолак қалъалари, шарқий чегарада эса Ўшдан бир фарсах масофада жойлашган қадимий Моду қалъаси мавжуд бўлган. 1858—1859 йилларда Лангар қалъаси қайта таъмирланади ва мустаҳкамланади.

Хонликдаги қалъаларнинг асосий кўпчилиги XIX асрнинг 20—30-йилларида бунёд этилган. Уларнинг айнан шу даврда бунёд этилишига сабаб ташқи хавфнинг кучайиб бориши эди. Зеро, бу даврга келганда Россиянинг борган сари Қўқон хонлиги ҳудудига силжиб бори-

---

[1] ЎзР МДА, йиғма жилд. И-715, 1-рўйхат, 14-иш, 250-варақ.

ши, Қашқар томонидан хавфининг кучайиб бориши сабабли улкан ҳудудни ҳимоя қилиш учун кўплаб қалъалар бунёд этилишига олиб келган[2].

Асосий қалъаларнинг қурилиши Умархон даврида (1810—1822 йй.) хонлик чегараларининг кенгайиши билан боғлиқ. Хусусан, 1813—1815 йилларда Бухоро амирлигига қарашли бўлган Жанг қарорғоҳи қўқонликлар томонидан қайта тикланади ва Оқ мачит номини олади. 1814 йилда Қора тоғнинг шимолида Чўлоқ қўрғон бунёд этилади[3].

Тахминан шу даврларда Гулча ва Мурдаш дарёларини қўшилиш жойида Қизил қўрғон пункти ташкил топади. 1825 йилда Чу дарёси бўйида Мерка, Пишпек, Тўқмоқ ва Отабоши номли қалъалар бунёд этилади[4]. Цин империяси қўшинининг хонлик ҳудудида бостириб кириш хавфи хонликнинг жанубий чегараларини мустаҳкамлашни талаб этар эди.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Қўқон хонлигидаги айрим қалъаларининг бунёд этилган вақти мунозаралидир. Жумладан, Б. Султонов Пишпекка қўқонликлар томонидан 1800—1812 йилларда асос солинган деб ҳисобласа, Ҳ. Зиёев Пишпек ва Тўқмоқ Умархон даврида, яъни 1822 йилда барпо қилинган деб таъкидлайди. Шу боис жануб томондан мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш учун Мадалихон Андижон ҳокими Исо додҳога Сўфи қўрғонни қуришни ва Қизил қўрғон қалъасини эса мустаҳкамлашни буюради[5]. Шу тарзда олий ҳукмдорнинг амри билан Олойда Сўфи қўрғон бунёд этилади, Қизил қўрғон мустаҳкамланиб, кенгайтирилади.

Қалъалар хусусида сўз кетганда уларнинг қурилиши, тузилиши ва ҳимояланиши қандай бўлганлиги диққатни тортади. Қайд этиб ўтиш лозимки, қалъалар ўлчамлари билан бир-биридан фарқ қилган. Хонликдаги қалъаларнинг қурилиш ва ҳимояланиши билан бир-бирига ниҳоятда ўхшаш бўлган. Қалъаларнинг барчаси Ўрта Осиёда тарқалган анъаналарга кўра (буни биз сўнгги ўрта аср Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги мисолида ҳам яққол кузатишимиз мумкин) деворлар билан ўралган, девор ташқарисига чуқур хандақ қазилиб, у сув билан тўлдирилган[6].

Қалъа деворлари кунгурасимон бўлиб, у ерда ҳимоячиларнинг қурол отиши учун махсус тешиклар-буржлар бўлган. Қалъа деворларининг учига осилган оғир ғўлалар душман устига ташлаш учун мосланган[7].

Қалъа миноралари ҳимоя учун мосланган бўлиб, юқори қисми қоровул учун кузатув нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Тўплар дарвоза тепасига ва минораларга жойлаштирилган[8]. Хонликдаги бошқа қалъалардан фарқли равишда Қўқон шаҳри қалъаси иккита ҳимоя девори билан ўралган эди[9].

---

[2] Халфин Н. А. Присоединение Средней Азии к России. М., 1974. С. 116.
[3] Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства. Ташкент, 1973. С. 57.
[4] Ўша жой.
[5] Плоских В. М. Киргизы в Кокандском ханстве. Фрунзе, 1977. С. 140.
[6] ЎзР МДА, йиғма жилд. И-715, 1-рўйхат, 5-иш, 33-варақ.
[7] Ўша жой.
[8] Ўша жой.
[9] Ўша жой.

Қалъа ичида деворлар билан ўралган бир неча бинолар мавжуд бўлган. Бу биноларда жангчиларнинг отлари, қурол-яроғ заҳираси сақланган ва уларнинг ўзлари учун бошпана вазифасини бажарган.

Буни биз хонликнинг шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий чегарасида Оренбург йўлида жойлашган Оқ мачит ва Сибирь, Ўрта Осиё ва Хитой йўлида жойлашган Пишпек қалъалари мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Уларнинг биринчиси Оқ мачит савдо-сотиқ ва ҳарбий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этувчи Қўқон қалъалари сирасига кирган.

Чор Россияси армиясининг генерал-адъютанти А. Перовский Оқ мачит қалъаси ҳақида шундай деб қайд этган эди: «Бу қалъа Қўқон хонлигида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги энг муҳим қалъалардан ҳисобланиб, бир неча ҳужумларини мардонавор қайтарган ва енгилмаслиги билан шуҳрат қозонгандир».

Архив ҳужжатлари маълумотларидан аён бўлишича, 1853 йилда Оқ мачит қалъаси ҳимоячилари 300 кишидан иборат бўлиб, шулардан 100 таси отлиқ бўлган[10]

Қалъада ҳимоячилар учун уруш ҳолатида (қамал ҳолатида) бир ойга етадиган озиқ-овқат заҳираси ғамлаб қўйилган[11]. Ушбу қалъа ҳимоячилари Қўқон ва Тошкентда ясалган 3 та тўп билан қуролланганлар[12].

Пишпек қалъаси хонликнинг «шарқдаги калити» ҳисобланган. Шу сабабдан бу қалъанинг ҳимоясига ҳам жиддий эътибор берилган. Қалъа дарвозасининг олдига 4 метр чуқурликда ҳандак қазилган ва сув билан тўлдирилган. Қалъа деворларининг баландлиги 7 метр, пойдеворнинг қалинлиги 6 метр, юқори қисми 3 метрни ташкил қилган. Қалъага кириш дарвозаси шимолда жойлашган бўлиб, қўрғонга эса ғарбдан кирилган. Ташқи томондан қалъа деворлари бўйлаб, Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида кузатилгани каби савдо шохобчалари ва турар жой бинолари жойлашган. Қўрғонда қалъа бошлиғининг уйи, аскарларнинг турар жойлари, жиноятчилар учун зиндон ва қурол-яроғ ҳамда озиқ-овқат заҳираси бинолари жойлашган эди. Қалъанинг шимолий қисмида ўқ қуювчи устахона фаолият кўрсатилганлиги ҳақидаги маълумот ҳам диққатга сазовордир[13]. Зеро, бу фактик маълумот қалъаларда ҳарбийлар билан бир қаторда турли ҳунармандлар, хусусан фаолияти ҳарбий иш билан боғлиқ ҳунармандлар ҳам яшаганидан далолат беради.

XIX асрнинг 70-йилларига оид архив маълумотлари Пишпек қалъаси ҳимоячилари 250 та пилта милтиқ билан қуролланган пиёда ва 150 та отлиқ аскардан иборат бўлганлиги ҳимоячилар 3 тадан 5 тагача тўп ва 15 та қўлбола мортирга[14] эга бўлишганлигидан далолат беради[15].

Хонликдаги қалъалар 150 тадан 300 тагача аскарлар томонидан қўриқланган. Вазиятга қараб уларнинг сони бир неча минг кишига ортиши мумкин бўлган. Масалан, Пишпек қалъаси рус қўшинлари то-

---

[10] Ўша жой.
[11] Ўша жой.
[12] Ўша жой.
[13] ЎзР МДА, йиғма жилд. И-715. 1-рўйхат, 14-иш, 268-варақ.
[14] *Мортир* — қалъа ҳимоясида ишлатиладиган калта тўп.
[15] ЎзР МДА, йиғма жилд, И-715, 1-рўйхат, 23-иш, 3—16-варақлар.

монидан вайрон қилингандан кейин 1860 йилда Қўқон хони Маллахон (1858—1862 йй) томонидан янада мустаҳкамроқ қилиб қайта тикланади. Аскарлар сони 600 кишига етказилади ва кейинчалик унга яна 200 киши қўшилади[16].

Хонлик чегараларини қўриқлашда йирик қалъалардан ташқари кичик қўрғонлардан ҳам унумли фойдаланилган. Бундай қўрғонлар 30 метр узунликда девор билан ўралган тўртбурчак кўринишга эга бўлган. Ҳар бир бурчакда кичик миноралар бўлиб, кузатув нуқтаси вазифасини бажарган. Қўрғон ичида 20—50 кишидан иборат ҳарбий гуруҳ бўлиб, улар учун кулбалар ва боғчалар барпо қилинган. Бу қўрғонларнинг вазифалари чегара чизиқларини назорат қилиш, савдо карвонларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган[17]. Хонлик чегараларида жойлашган қалъа ва истеҳкомларни бошқариш қалъабон-кутвол зиммасига юклатилган[18]. Шунингдек, қалъабон, қалъа жойлашган ҳудуддаги туманларнинг ҳарбий-маъмурий, хирож ва бож олиш ишларига, чегаранинг муҳофазасига масъул эди. Одатда қалъабон вазифасига Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизимида турли мавқеларни эгаллаган амалдорлар додхоҳдан қушбегигача бўлган шахслар тайинланарди. Айрим маҳаллий манбалар муаллифларининг маълумотларига қараганда, баъзан хон номақбул амалдорларни ўзидан четлатиш мақсадида уларни узоқдаги қалъаларга масъул қилиб юборарди. Қаноатшоҳ оталиқ Маллахон даврида Туркистон ўлкасида шундай сургунда бўлиб қайтган эди.

Қалъалар давлат томонидан моддий таъминланган. Бу таъминот одатда патталар бериш орқали амалга оширилган. Мисол тариқасида 1873—1874 йилга оид шундай патталардан бирини келтирамиз. Бу патта Султон Муродбек томонидан Фозил саркорга Олой қалъасига жўхори олиш учун берилган Унда: «қилган ишларига муносиб равишда саркорга Олой қалъасини таъминоти учун 20 чорак жўхори беришни буюрдик. Шундай тасдиқланди» деб таъкидланади[19].

Яна бир мисол тариқасида Султон Муродбекнинг солиқ йиғувчи Алим саркорга Олой қалъаси эҳтиёжлари учун 6 чорак гуруч беришни буюргани ва бу патта (санад)ни олиб борувчи ажратилган маҳсулотни олиб кетиши кераклиги ҳақидаги ҳужжатни келтиришимиз мумкин[20]. Бу ҳужжатлар аскарларнинг моддий эҳтиёжлари хон хазинаси томонидан таъминланиб турилганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда мустаҳкамланган қалъалар атрофида ҳам аскарлар учун кулбалар қурилган. XIX асрнинг 30—40-йилларига оид архив ҳужжатларининг далолат беришича оилали аскарлар бундай кулбалар атрофида, кичик ер участкаларига ишлов бериб, деҳқончиликни йўлга қўйган ҳоллари ҳам мавжуд бўлган[21].

Хонликдаги чегара хавфсизлигини таъминлаш учун турли ҳарбий унвон эгалари, жумладан амир лашкар (олий қўмондон), мингбоши, ботирбоши, туғбеги (байроқдор), даҳбоши (ўнбоши), шунингдек, кичик

---

[16] Ўша жойда, 25-иш, 51—52-варақлар.

[17] Ўша жойда, 27-иш, 308-варақ.

[18] Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида унвон ва мансаблар//Шарқ юлдузи. 3-сон, 1995. 214—233-бетлар.

[19] ЎзР МДА. йиғма жилди. И-1043, 1-рўйхат, 831-иш.

[20] Ўша жойда, 2084-иш.

[21] ЎзР МДА, йиғма жилд. И-715, 1-рўйхат, 23-иш, 253-варақ.

ҳарбий унвон эгалари — ботир баҳодир, мерган, маҳрам, жаван, сарбоз, тўпчи кабиларнинг барчаси бирдек масъул ва жавобгар бўлганлар.

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили шундан далолат берадики, XIX асрнинг биринчи ярми ҳамда чор Россияси босқини арафасида шаклланган, мавжуд бўлган Қўқон қалъаларининг хонлик ҳарбий тизимидаги ўрни катта бўлган. Улар мамлакатни ташқи хавфдан ҳимоя қилишда, аҳолининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга оширишда ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. Давлат мавжуд давлатчилик анъаналарига суянган ҳолда бу қалъаларни мустаҳкамлаш, улардаги ички ҳаётни бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилган.

*Б. Турсунов*

*КРЕПОСТИ КОКАНДА ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЫ XIX В. И ИХ МЕСТО В ВОЕННОЙ СИСТЕМЕ ХАНСТВА*

*Статья посвящена истории военных крепостей Кокандского ханства, воздвигнутых в первой половине XIX в. На основе архивных данных анализируются вопросы строительства крепостей, их размеры, функции, управление и снабжение этих единиц обороны и т. д. Раскрыты роль и место военных крепостей в обороне государства.*

*B. Tursunov*

*THE FORTIESSES OF KHOKAND IN THE FIRST HALF OF XIX[th] CENTURY AND THEIR WILITARY MEANS*

*Deaps with fortiesses in Khokand Khanat of the first half of the XIX[th] century. The authors analyses different gustions of their construction, their functions in the time of war of peace.*

*Д. Исмоилова*

## МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ ТУРКИСТОНДАГИ ДИНИЙ СИЁСАТИ

Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб келган. Жумладан, чор Россияси босқинидан сўнг ҳам исломга нисбатан ўтказилган тазйиқлар ва диний эътиқодининг оёқ ости қилинганлигига қарамай, у туб жойли аҳолининг маънавий ҳаётида ўз мавқеини сақлаб қолди. Чунки, бу эътиқод асрлар давомида жамиятнинг онги, тафаккури турмуш тарзига ниҳоятда чуқур сингиб кетган эди.

Ўрта Осиёга Россия империяси бостириб келганида ўзидан кўра ҳарбий жиҳатдан кучсиз аҳолини жангларда енгса-да қалбида маънавият ва эътиқод чуқур илдиз отган бу халқни мустамлакачиларнинг ўз измларига солиши осон бўлмади. Чунки, кучли эътиқодга эга бўлган халқ устидан тўла ҳукмронликни амалга ошириб бўлмасди. Шунинг учун Россия империяси ўз ҳукмронлигининг дастлабки вақтлариданоқ маҳаллий халқлар эътиқод қилган динни камситиш, таҳқирлаш, обрўсини тўкишга ҳаракат қилди. Масалан: Самарқанд шаҳри босқинчилар томонидан босиб олингач, шаҳар мадрасаларидан бирига ҳарбийлар жойлаштирилган бўлса, масжидлар «Рота» ва «Батарея» омборига айлантирилди, биттасига эса округ бошлиғи жойлаштирилди[1].

[1] Соболев Л. Н. Географические и статистические сведения о Зарафшанском округе. Спб., 1874. С. 469.

Империя ҳукумати ўз мустамлакаларида нафақат сиёсий, иқтисодий соҳаларда, балки маънавий соҳада ҳам ўзига маъқул бўлган тартибларни жорий этди. Чунончи, диний бошқарувни кучли назорат остига олди. Жумладан, 1788 йил 22 сентябрда Уфа шаҳрида «Оренбург диний бошқармаси»ни, 1831 йил 23 декабрда «Таврия» диний бошқармасини, 1872 йилда эса «Кавказ ортида яшовчи мусулмонлар диний бошқармаси»ни жорий этди[2]. Туркистон босиб олингач эса ўзбек давлатчилигида асрлар давомида ҳукм суриб келган, «шариати паноҳ» деб қаралган қозикалон ва шайх-ул-ислом лавозимлари фон Кауфман томонидан тугатилди[3]. 1876 йил Қўқон қозикалони ва шайх-ул-исломи ушбу фармонга бўйсунмаганлиги туфайли генерал Скобелевга ҳурматсизлик қилганлиги баҳонасида Вологодск губерниясига сургун қилинди[4]. Қозикалоннинг ва шайх-ул-исломнинг сургун қилиниши кимки чор Россияси олиб бораётган сиёсатга қаршилик қилса бундайларни қаттиқ жазо кутишига ишора эди.

Империя ҳукумати Ўрта Осиё ерларида босқинчилик уруши олиб бораётган даврда маҳаллий диний ишларни Оренбург диний бошқармасига юклатган эди. Кейинроқ, ўлкада Россия ҳукмронлиги ўрнатилиб Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгач, Ички ишлар вазирлиги томонидан 1880 йилнинг 4 мартида Туркистондаги диний ишлар Оренбург диний бошқармаси назоратидан ажратилди[5]. Чунки, фон Кауфман дин хусусидаги қонун асосини Туркистон ўлкасини бошқаришнинг бошқа қонун-қоидалари (хусусан ер, солиқ, маориф, суд ва бошқалар) билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқаришни лозим топди. Шунинг учун ислом дини билан боғлиқ бўлган масалалар «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низом лойиҳасида ўз аксини топди.

Динни халқдан ажратишда мустамлакачилар энг аввало диндорларнинг ўзларидан фойдаланмоқчи бўлдилар. Империя маъмурлари дин уламоларини қўрқитиш, алдаш, рағбатлантириш орқали уларни ўз томонларига, оғдириб, бевосита дин уламолари кўмагида динни Россия манфаатлари хизматига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Бундай йўлга юрган баъзи дин уламолари халқ олдида ўз нуфузини йўқотди.

Мустамлакачилар маҳаллий мактаб ва мадрасалар фаолиятига ҳам қўпол суръатда аралаша бошладилар. Империя маориф вазирлигининг нуфузли маслаҳатчиси Н. И. Ильминский эса мадраса дастурларига дунёвий билимларнинг киритилиши ўлка аҳолисида миллий онгнинг уйғониши, бу билимларнинг империя ҳокимиятининг мустамлака ҳукмронлигига қарши кураш қуролига айланиш эҳтимолини кучайиши мумкинлигидан хавфсираб, «мадрасаларни ислоҳ этиш керак эмас, аксинча ҳеч қандай эътибор бермасдан ва уларга қарама-қарши

---

[2] Рыбаков С. Г. Устройство и нужды управления духовными делами мусульман в России. Спб., 1917. С. 17.

[3] Савицкий А. П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политике царских властей в Туркестане//Труды СаГУ. 1956. № 6. С. 12.

[4] Кауфманский. Сборник, изданный в память 25 лет, истекших со дня смерти, покорения и устроителя Туркестанского края генерал-адъютант К. П. фон Кауфмана I-го. Типо-литография И. Н. Кушнерева и К. М., 1910. С. 11.

[5] Савицкий А. П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политике царских властей в Туркестане//Труды СаГУ. 1956. № 6. С. 12.

ҳолда замонавий билим берадиган рус мактаблари очиш лозим»[6]лигини уқтиради ва ўлкадаги анъанавий ўқув юртларини империя манфаатлари асосида ўзгартириш кераклигини давлат сиёсати даражасига олиб чиқди. Ва шундай турдаги биринчи рус-тузем мактаби 1874 йилда Чимкентда очилди. Лекин, маҳаллий аҳоли фарзандлари учун мўлжаллаб очилган рус-тузем мактаблари аҳоли эътиборини қозона олмади. Рус-тузем мактабларининг маҳаллий аҳоли орасида ёйилиши жуда секинлик билан кечди. 1906—1911 йиллар давомида бундай мактаблар фақат 6 тага ортди, яъни 1906 йилда улар сони Туркистон бўйича 83 та бўлган бўлса, 1911 йилда 89 тага етган[7].

Россия империясининг ислом динига берган энг қаттиқ зарбаларидан бири вақф ислоҳотларининг ўтказилиши бўлди, чунки вақфлар қозихона, масжид ва мадрасаларнинг иқтисодий асоси бўлиб, уларнинг иқтисодий таъминоти бевосита ана шу вақф мулкларидан келадиган даромадга таянган. Шунинг учун мустамлакачилар вақф мулкларини дарҳол ўз назоратларига олишга интилдилар. 1886 йилдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида»ги Низомнинг 226-моддасида «Янги вақфлар ташкил этилишига генерал-губернатор рухсати билан унинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлинган тақдирдагина йўл қўйилади» — деб белгилаб қўйилди. Шу Низомнинг 227-моддасида эса ««Вақф ҳужжатларини тасдиқлаш, вақф даромадларидан фойдаланишнинг тўғрилигини кузатиб бориш ва уларни тафтиш қилиш ҳуқуқи вилоят бошқармаларига тегишлидир» — дейилган. Бу каби вақф ислоҳотларининг ўтказилиши Туркистондаги диний идоралар, ўқув юртлари ва дин уламоларини иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолиши билан биргаликда уларни чор ҳукуматига қарам бўлиб қолишига замин яратди. Бундан ташқари, мадраса ва мактабларда нафақат дунёвий, балки диний таълим бериш ҳам сусайиб кетди.

Диний эътиқодни топташ ва таъқиб остига олиш сиёсатининг яна бир йўналиши миссионерлик бўлиб, улар Туркистонда насроний динини тарғиб этиш учун қатор тадбирларни амалга оширдилар. Шундай тадбирлардан бири «Туркистонда диний ишларни бошқариш тўғрисида»ги Низомда белгиланган бўлиб, унда янги мадрасаларни ташкил этиш шартлари кўрсатилган. Бу шартларга кўра янги мадраса ташкил қилиш учун улар қошида албатта рус тилида таълим берувчи синфлар очиш талаб қилинган. Рус синфлари бўлмаган тақдирда 5 йил муддат ичида рус синфларини ташкил этиш шарти билангина янги мадраса очишга ижозат берилган. Шу тариқа маҳаллий турмуш ва маорифга насроний урф-одатлар ва рус тили киритиб борилган. Бироқ, мусулмон уламоларининг саъй-ҳаракатлари ва халқ оммасининг мустаҳкам эътиқоди туфайли миссионерлик, яъни Россия империяси мустамлакачиларининг Туркистонда насроний динини тарғиб этиш йўлидаги уринишлари ҳам кутилган натижа бермади. Уларнинг ислом динини йўқотиб бўлмаслигига кўзлари етди. Бу ҳақда Туркистон генерал-губернатори С. М. Духовский «Асрлар ўтса ҳам 14 млн. мусулмонлар насронийлик динини қабул қилмайди»[8] — деган хулосага келади.

---

[6] Пўлатова С. Чоризм ва дин//Фан ва турмуш. 6-сон. 1998. 10-бет.
[7] Бобровников. Русско-туземные училища, мектебы и медресе Средней Азии. Спб., 1913. С. 24.
[8] ЎзР МДА, 1-фонд, 11-рўйхат, 1832 *а*-иш, 6-варақ.

Мустамлакачилар ҳукумати барча диний маросимларни ўтказишни, ҳатто Туркистондаги ва унинг ташқарисидаги муқаддас жойларни зиёрат қилишни, шу жумладан Маккага ҳаж қилишни «кўнгилсиз бир ҳол» деб қараса-да, уларни ман қилишга ботина олмади. Ҳукумат Маккага ҳажга борувчиларга йўл очди, шу билан бир вақтда ҳаж қилувчиларга расмий ҳомийлик ҳам қилди[9]. Чунки, ҳукумат ҳаж сафарига борувчиларга маълум шароитларни яратиб бермаса, мусулмонлар турли яширин йўллар билан ҳажга боришлари ёки уларга бошқа мусулмон давлатлари ҳомийлик қилиши мумкин эди. Бу ўринда мустамлакачиларнинг ислом динига нисбатан «чекланган тоқат қилиш» сиёсати олиб борганлиги яққол намоён бўлади.

Диний маросимларни ўтказиш ман этилмади, лекин ушбу маросимларни ташкил этиш, ўтказиш ишлари назоратсиз ҳам қолдирилмади. Генерал-губернаторлик дастлабки вақтларда «Рўзани тугаши» ва ундан кейинги байрам, яъни Рамазон (ийд-ал-фитр) ва Қурбон (ийд-ал-адҳо) ҳайити кунлари уезд бошлиқлари томонидан белгиланишини жорий этди[10]. Чунки, Россия империяси ҳукумати мусулмонларнинг бир жойга йиғилишидан манфаатдор эмас эди. У халқни доимо тарқоқ ҳолда тутиб туришга, жамоатчилик йиғиладиган жойларга ўз айғоқчиларини қўйиб мусулмонлар кайфиятидан доимо бохабар бўлиб туришга интилди.

Маҳаллий аҳолида сунъий равишда ҳукуматга, подшо ва унинг оила аъзоларига ҳурмат ҳиссини уйғотиш учун уларнинг номига хутба ўқилиши ташкиллаштирилди. Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси томонидан Фарғона вилоят ҳарбий губернатори номига 1915 йил 19 февралда юборилган хатда айтилишича, биргина Фарғона вилояти учун император номига ўқиладиган хутбанинг 1400 нусхадан иборат матни юборилган[11]. Мазкур хатда хутбани вилоятнинг барча масжидларида мажбуран бажарилиши буюрилган эди. Ваҳолонки, бундай буйруқлар маҳаллий халқнинг диний эътиқодини оёқ ости қилиш эди. Эътиқоднинг оёқ ости қилиниши нафақат дин арбобларининг, балки бутун мусулмон халқининг русларга, хусусан «оқ пошшога» қарши норозилик кайфиятини туғдирарди. Шундай кайфиятдаги дин уламоларидан бири Наманган уездининг Қирғизқўрғон волостига қарашли Каттатошбулоқ қишлоғи масжидининг имоми Мирза Маҳмудхожи Тўйчиев бўлиб, у император номига ёзилган хутба дуосини ўқишни истамаган ва бошқаларни ҳам шунга даъват этган[12].

Мусулмон халқлари диний эътиқодини бузиш учун мустамлакачилар турли хил усулларни, найрангларни ўйлаб топар эди. Масалан, 1913 йил охирида Петербург Давлат Думасида забҳ (ҳайвон сўйиш) масаласи кўтарилди. Унга кўра бутун империя халқлари учун ҳайвон сўйишнинг ягона тартибини жорий қилувчи қонун қабул қилиниши керак эди. Қонунга кўра ҳайвон сўйишда шариат талаблари инобатга олинмас эди. Ваҳолонки, шариат буюрганича сўйилмаган ҳайвон ҳаромдир[13], деб эътиқод қилувчи Туркистон мусулмонлари учун бу ғоят

---

[9] Даниел Броуэр. Туркистон ҳожилари ва чор ҳукумати.//Турон тарихи. 1993. 32-бет.

[10] ЎзР МДА. 1-фонд. 2-рўйхат. 1724-иш, 68-варақ.

[11] ЎзР МДА. 19-фонд. 9332-иш. 3-варақ.

[12] Ўша жойда.

[13] Мухтасар. Чўлпон. 1994. 245-бет.

ташвишли ҳолат эди. Натижада мусулмонларнинг чор Россиясига бўлган норозилик кайфиятлари янада кучайди.

1917 йил Феврал инқилоби ўлка мусулмонларига умид бахш этди. Уларнинг ўз ҳуқуқларини қайта тиклашга имконият эшиклари очилгандек бўлди. Бироқ, 1917 йил октябр давлат тўнтариши ва ҳокимиятнинг большевиклар қўлига ўтиши ўлка мусулмонларининг орзуларини амалга оширилишида йирик тўсиқ бўлди. Чунки, большевиклар илгари сурган коммунистик мафкура дин, диний эътиқодларни тан олмас, аксинча, уларга қарши кураш сиёсатини олиб борардилар ва даҳрийликни тарғиб этарди. Улар «дин афюндир» деган шиор остида уламолар ва динга қарши кураш эълон қилдилар. Большевикларнинг фикрича, барча уламолар консерваторлар эди. Ваҳоланки, диндорлар орасида илғор фикрли тараққийпарвар уламолар ҳам талайгина эди. Лекин, большевиклар уламоларни реакцион куч сифатида қоралаб уларга қарши ёппасига кураш олиб бордилар. Миллатпарвар уламолар томонидан берилган ҳар қандай таклифлар рад этилиб, уларни янги шароитга мослашиб олишга айёрлик билан интилиш деб баҳоланди[14].

20-йилларда дин, хусусан ислом дини вакилларининг фаолияти борган сари кучли таъқиб остига олиб борилди. Мазкур таъқибларга 1918 йил ноябр ойида «Масжид, бутхоналарни давлатдан, мактабни масжид, бутхонадан ажратиш тўғрисида»ги Туркистонда эълон қилинган қарор ва бошқа кўрсатмалар асос қилиб олинди. Уларга кўра масжид-мадрасалар ёпилди, халқ маданияти, анъаналари, маънавияти таҳқирланди. Бу даврда жамият ҳаётининг ахлоқий тамойилларига ҳужум қилинди. Бу каби ислом динига, дин уламоларига кучли тазйиқ, хўрлашлар кучайганлиги халқ оммасининг қаҳр-ғазабини ошишига сабаб бўлди. Совет ҳокимиятига қарши қуролли кураш тобора кучайиб, оммавий тус олиб борди. Бундан хавфсираган совет ҳукумати вақф, қозиликларни тугатишни тўхтатишга мажбур бўлди. Лекин, бу вақтинчалик ён бериш эди холос. Большевиклар ерли аҳоли имон-эътиқодига душманлик руҳида қолдилар ва ўз сиёсатларини давом эттирдилар.

Совет ҳукумати масжидларни ёпиб вақф мулкларини тугатиш билан чекланмай, диний уламо ва зиёлиларни ҳам қатағонлик гирдобига тортди.

Динга қарши кураш нафақат ислом динига балки, ҳар қандай диний эътиқодларга — насронийлик, будда ва бошқа динларга ҳам қаратилган. 1931 йили Фарғона, Бекобод, Тошкент шаҳарларида баъзи черков, масжид ва диний идоралар ёпиб қўйилди[15].

Россия империяси ислом динидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланганидек, собиқ совет ҳокимияти ҳам ўрни келганда давлат бошига қийинчилик тушганида диндан, хусусан ислом динидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди. Масалан, совет ҳукумати Иккинчи Жаҳон уруши йилларида халқни фашистларга қарши курашга сафарбар этиш учун миллий қадриятлар, миллий қаҳрамонлар ва диний эътиқодга қайтиш орқали кишилар жанговар руҳини тиклашга ҳаракат

[14] Икромов А. О духовенстве в школе. В 3 т.//Избр. тр. В 3 т. Т. 1. Ташкент; Б. и. 1972. С. 280—297.

[15] Ўзбекистон совет мустамлакаси даврида. Тошкент: Шарқ, 2000. 586-бет.

қилди. Айнан ўша йилларда «Навоий» фильми яратилди. Амир Темурнинг Ҳиндистонга юриши ҳақидаги тарихий асар рус тилига таржима қилинди. Ўрта Осиё ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси барпо этилиб, масжидлар очилди[16]. Бироқ, буларнинг барчаси вақтинчалик бўлиб, уруш тугаганидан кейин ҳукумат ўзининг даҳрийлик сиёсатини давом эттирди. Мактаблардаги коммунистик таълим-тарбиянинг маҳсули шундай бўлдики, ёш авлод диний эътиқоддан бебаҳра бўлди.

Дин ва унинг тарихи, диний ғоялар ва диний қадриятларни қораловчи турли хил адабиётлар таъсирида уларда динга қарши нотўғри тушунчалар шаклланди.

Мустабид тузум коммунистик ғояга зид бўлган ҳар қандай қарашларга нисбатан кескин муросасиз эди. Ҳар қандай диний урф-одатлар, қадриятлар «эскилик сарқити» деб қораланди. Диний маросимлар чекланди. Бу йилларда республикада кўплаб масжид-мадрасалар ёпиб қўйилди, улар яна омборхоналарга айлантирилди.

Масжидлар бузилганлиги сабабли диний маърака ва маросимларни ҳар ким ўз билганича ўтказаверди. Оқибатда диний эътиқод сусайиб, халқ диний қадриятларни унутиш даражасига келди.

Қайта қуриш йилларида сўз, матбуот эркинлиги берилиши халқнинг сиёсий фаоллигини оширди. Халқ миллий ва маънавий қадриятларини тиклашга интилди. 1989 йили ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бу йўлдаги дастлабки натижалардан бири бўлди. Маънавий меросимизни ўрганишга бўлган интилиш кучайди. Матбуотда илк бор шариат ахлоқ-одобини шарҳловчи мақолалар эълон қилина бошланди.

Айниқса, И. А. Каримов республикамиз Президенти этиб сайлангандан сўнг бу соҳада миллат манфаатларини, хоҳиш-истакларини ҳимоя қилувчи ислоҳотлар ўтказила бошланди. 1990 йил 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «Саудия Арабистонига ҳаж қилиш тўғрисида»[17] фармонини эълон қилиниши халқимиз хоҳиш-истаклари амалга оширишни диний, маънавий қадриятларимиз тикланишида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов таъкидлаганидек, XX асрнинг охири «...диний қадриятларнинг уйғониш даври, вазмин, беҳуда уринишлардан ҳоли диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди»[18].

1991 йил «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун[19]нинг қабул қилиниши Ўзбекистонда диний ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари билан бирга, давлат органлари билан ўзаро муносабатларини белгилаб берди. Қонунда давлат ва унинг органлари диний ташкилотлар ишига аралашмаслиги, диний маросимлар чеклаб қўйилмаслиги каби моддалар белгиланган. Мазкур қонун орқали республикамиздаги диний муносабатларнинг ҳуқуқий асоси яратилди.

Шундай қилиб, чор Россияси ҳукмронлиги даврида ҳам, мустабид совет тузуми ҳукмронлиги даврида ҳам ислом динига нисбатан зўравонлик, менсимаслик сиёсати олиб борилди. Чор Россияси мус-

---

[16] Ислом. Бағрикенглик ва муттаассиблик .Тошкент, 1998. 46-бет.
[17] Совет Ўзбекистони, 1990 йил. 3 июн.
[18] Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон. 1997. 33-бет.
[19] Халқ сўзи. 1991 йил, 14-июл.

тамлакачилари динга қарши курашда икки ёқлама, яъни вазиятни эътиборга олган ҳолда гоҳ очиқдан очиқ, гоҳ пинҳона кураш олиб борган бўлса, совет ҳукумати динга қарши кескин ва муросасиз бўлди. Вақти келиб қолганида эса чор Россияси мустамлакачилари ҳам, шўролар ҳукумати ҳам диндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга интилди. Фақатгина миллий мустақиллик туфайли халқимиз маънавий қадриятлари, диний эътиқодининг тикланишига, ўзлигини англашга кенг имконият яралди.

*Д. Исмаилова*

*РЕЛИГИОЗНАЯ ПОЛИТИКА КОЛОНИАЛЬНЫХ ВЛАСТЕЙ В ТУРКЕСТАНЕ*

*В статье на основе достоверных источников освещаются такие важные вопросы истории периода колонизации Узбекистана, как религиозное притеснение народов Востока царским самодержавием, ограничение вакуфного имущества религиозных организаций и миссионерская политика царизма. Вкратце освещаются сущность антирелигиозной политики советской власти и ее последствия.*

*Q. Ismoilova*

*THE RELIGIOUS POLICY OF THE COLONIAL ADMINISTRATION IN TURKESTAN*

*The paper deals with the religious policy of tsarist imperia in Turkestan. The author showes the missioner policy of Tsarism, limitation of property of religious organizations, etc. Then, authour describes the essence of antireligious charecter of Soviet policy its consequences.*

# *Фанимиз заҳматкашлари*

## МАВЛОН ЖЎРАҚУЛОВ 70 ёшда

Республикамизда таниқли олим ва педагог, археолог, тарих фанлари доктори, Самарқанд Давлат университети профессори Мавлон Жўрақулов таваллудига 70 йил тўлди.

М. Жўрақуловнинг илмий тадқиқотлари «Ўрта Осиё ибтидоий археологияси», «Энеолит ва бронза даврида Ўрта Осиё», «Археологик тадқиқотларнинг услуби», «Ўрта Осиё антропологияси», «Зарафшон воҳаси археологик ёдгорликларининг геологияси», «Ўрта Осиё палеолити», «Зарафшон воҳаси палеолити», «Зарафшон воҳаси ибтидоий маданияти» сингари йирик нашрлар ва қатор илмий-оммабоп мақолаларида мужассамланган бўлиб, уларнинг сони 350 дан ортиқ ва ҳажми 150 босма табоқни ташкил қилади. 8 таси монография, 18 таси дарслик ва ўқув қўлланмалардан иборат бу асарлар археология фани тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

М. Ж. Жўрақуловнинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти Самарқанд Давлат университети билан боғлиқ бўлиб, бутун умри давомида шу улуғ даргоҳда ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, хизмат кўрсатган профессор лавозимларида ишлаб келмоқда. У СамДУда факультет декани, ўқув ишлари проректори ва ректор лавозимларида ишлаб, университет тараққиётига сезиларли ҳисса қўшди. Айни пайтда университет Оқсоқоллар кенгашининг раиси ва археология кафедрасининг мудири сифатида ислоҳотларни амалга оширишда раҳбариятга яқиндан туриб ёрдам бериб келмоқда.

М. Жўрақуловнинг ватан олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. У мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» унвонига сазовор бўлди.

Республикамиз тарихчилари жамоаси Мавлон Жўрақуловни таваллудининг 70 йиллиги билан қутлаб, унинг илмий ва ижодий ишларига улкан муваффақиятлар тилаб қолади.

*«Ўзбекистон тарихи» журнали таҳририяти.*

## ЖИЗНЬ, ПОСВЯЩЕННАЯ НАУКЕ

Известный ученый-историк и востоковед Розия Галиевна Мукминова родилась 31 декабря 1922 г. в г. Казани в семье образованных религиозных деятелей. Еще в детстве переехав с родителями в Ташкент, она с отличием закончила здесь школу и поступила учиться на исторический факультет Среднеазиатского государственного университета, где впервые начала познавать азы исторической науки и познакомилась со сложными и мало разработанными тогда проблемами истории

Средней Азии с древнейших времен до настоящего времени. Здесь ей посчастливилось прослушать интереснейшие лекции крупнейших ученых-востоковедов, в числе которых были эвакуированные в годы второй мировой войны из России в Ташкент такие известные авторитеты, как С. Б. Бахрушин, В. И. Беляев. Б. Д. Греков, М. В. Нечкина, И. П. Петрушевский, Е. М. Пещерева, А. Ю. Якубовский и др. Кроме них в те годы ей довелось слушать также лекции известных среднеазиатских ученых, таких как Я. Г. Гулямов, М. С. Андреев, А. А. Семенов и др.

С отличием окончив учебу на историческом факультете, в 1944 г. Р. Г. Мукминова была принята в аспирантуру Института истории Академии наук Узбекистана. Вскоре с целью повышения квалификации она была направлена в крупнейший центр востоковедческой науки того времени — Ленинград. Здесь она продолжила научно-исследовательскую работу под руководством известного специалиста по средневековой истории Востока И. П. Петрушевского. В 1949 г. в Институте востоковедения АН СССР в г. Ленинграде она успешно защитила кандидатскую диссертацию по теме: «Борьба за Мавераннахр между Тимуридами и Шейбанидами (К истории образования узбекского государства Шейбанидов)». Официальные оппоненты — А. Ю. Якубовский и Н. Д. Миклухо-Маклай — высоко оценили эту работу, которая, по их мнению, внесла много нового в разрабатываемую проблему. Они отметили, что автором были тщательно изучены многочисленные рукописи не только на таджикско-персидском, но и мало привлекавшиеся до того письменные памятники на староузбекском языке. В частности, тогда член-корреспондент АН СССР А. Ю. Якубовский в своем официальном отзыве писал: «До сих пор данная проблема еще никем не была разработана так всесторонне и обоснованно». Р. Г. Мукминова и теперь бережно хранит эти рецензии оппонентов, которые были восприняты ею тогда как рекомендации в мир науки.

Высокая оценка и добрые советы А. Ю. Якубовского, В. Д. Миклухо-Маклая и Я. Г. Гулямова, находившегося в то время в Ленинграде, воодушевили ее на мобилизацию сил для продолжения научных исследований в избранном направлении и дальнейшего тщательного изучения данных письменных источников, содержащих сведения по средневековой истории Средней Азии. Все последующие годы (1950—1976 гг.) Р. Г. Мукминова сосредоточила свои усилия на исследовании широкого круга нерешенных проблем средневековой истории. Будучи еще младшим, а затем старшим научным сотрудником Института истории АН Узбекистана и позже став руководителем Отдела древней и средневековой истории Узбекистана, она сконцентрировала свое внимание на выявлении и изучении актуальных проблем средневековой истории Средней Азии. Работая в Отделе под руководством академика Я. Г. Гулямова, она занималась разработкой оставшихся белыми пятнами некоторых вопросов источниковедения, политической, социально-экономической, а также этнической истории Узбекистана.

В тот период ею был написан целый ряд исследований в области источниковедения и политической истории Средней Азии эпохи позднего средневековья. В круг ее научных интересов входили также проблемы истории аграрных отношений и в результате проведенных исследований в этой области ею были внесены некоторые уточнения в периодизацию истории средневекового общества, а также выявлены от-

дельные неизвестные ранее важные детали политической, социально-экономической и культурной жизни истории Узбекистана. В ряде ее работ была раскрыта сущность и внесена ясность в содержание отдельных средневековых институтов (*тиул, суюргал, танхо* и др.), налоговой терминологии (*бадж, рахдар, тамга* и др.), разных форм аренды, социальных категорий населения (*чухра* и др.).

В научных трудах Р. Г. Мукминовой получила свою дальнейшую разработку одна из важнейших проблем средневековой истории Средней Азии, а именно характер аграрных отношений, в частности *вакфная* форма землевладения. В результате проведенных исследований в этом направлении она опубликовала монографию «К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. (по материалам «Вакф-наме»). На основе документальных сведений вакфных грамот в работе изложены характерные черты вакфного хозяйства, постепенное увеличение его размеров в период правления Шейбанидов и, отчасти, Аштарханидов. Рассматриваются случаи захвата вакфных земель отдельными представителями привилегированных слоев общества, что категорически запрещалось законами шариата. На примере представительницы правившего дома Михр-Султан-ханум показана роль женщин в организации и управлении вакфным хозяйством. Михр-Султан-ханум учредила вакф, пожертвовав в пользу медресе множество земельных наделов, селений и другие виды недвижимости, а также возложила на себя роль *мутаваллия* этого вакфа. О высоком рейтинге ее политической власти можно судить по тому факту, что она отправила своих послов ко двору Захир ад-дин Мухаммад Бабура в Индию. На основе этих и некоторых других данных документальных источников, не имеющих аналогов в других письменных памятниках, Р. Г. Мукминова показала важную роль высокопоставленной женщины не только в экономической, но и политической жизни средневекового общества Средней Азии.

Еще одной из проблем, вошедших в круг научных интересов Р. Г. Мукминовой, стало исследование городской жизни средневекового Узбекистана. Сравнительно-сопоставительный анализ сведений, содержащихся в письменных источниках, подкрепленных данными археологических и этнографических исследований, позволил ей осуществить комплексное исследование данной проблемы и, тем самым, внести достойный вклад в изучение жизни торгово-ремесленных и культурных центров Средней Азии, таких как Самарканд, Бухара, Ташкент и др. В этой области ей принадлежит целый ряд научных исследований, в том числе и монографических.

В широком круге научных интересов этой многогранной исследовательницы основное внимание, однако, было направлено на изучение проблем истории ремесла Средней Азии. Работа по выявлению конкретных материалов из рукописей, в частности данных по истории ремесла и ремесленников, была довольно трудоемкой, и ее можно было бы сопоставить с рытьем колодца с помощью иголки. Тем не менее, Р. Г. Мукминова успешно справилась с поставленной перед собой трудной задачей и в результате исследования по крупицам собранного из письменных источников материала создала интереснейшую работу на тему: «Ремесло в Самарканде и Бухаре XVI в.», защитив ее в качестве докторской диссертации.

Опубликованные Р. Г. Мукминовой в этой области книги, брошюры и статьи посвящены изучению различных вопросов, таких как история ремесленного производства, организации мелких производителей, способы реализации изготовленной ими продукции, ремесленные корпорации и подготовка специалистов, местная и транзитная торговля, жизнь в караван-сараях и базарах, их роль в социально-экономической и культурной жизни страны, различные типы торговых сооружений, характеристика и типология ремесленной продукции самаркандских и бухарских производителей, пользовавшейся особо высоким спросом среди местного населения и иноземных купцов, и др.

По всем этим и некоторым другим вопросам, касающимся истории ремесленного производства, ученый имел свою научную точку зрения, которая была детально изложена в его фундаментальной монографии «Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре XVI в.». В монографии впервые был дан подробный анализ экономической жизни средневекового Самарканда и, частично, Бухары, в частности, рассматриваются такие вопросы, как характеристика ведущих отраслей ремесленного производства (всего описываются более 130 видов ремесел), ассортимент изделий самаркандских мастеров, социальное и экономическое положение мелких производителей, источники поступления сырья для ремесленного производства и т. п.

Научная общественность высоко оценила данную работу, на которую был объявлен целый ряд официальных рецензий. Так, известный востоковед К. З. Ашрафян, высоко оценивая книгу как важный вклад в историческую науку, в частности отмечает: «Эта книга не только обогащает наше представление о средневековом городе Средней Азии, но и намечает конкретные пути к дальнейшему исследованию истории, экономики и социальной истории городов других стран мусульманского Востока». Другой ученый-востоковед Т. Айди, особо отмечая практическое значение книги Р. Г. Мукминовой, пишет, что «она оказывает большую помощь для восстановления и возрождения старых народных промыслов в Узбекистане». Известный японский исследователь Х. Комацу в своей книге, посвященной историографии средневековых городов мусульманского Востока, оценивает этот труд, как «важное исследование по истории экономики и социальной жизни и ремесленного производства средневекового города, основанное на фактическом материале», называет его «самой выдающейся работой в этой области».

В последующие годы (1976—1993 гг.) научные изыскания по истории средневековых городов Средней Азии были продолжены автором в ряде статей, посвященных как общим теоретическим вопросам истории городов, так и в специальных статьях, посвященных истории отдельных городов, таких как Самарканд, Бухара и Ташкент, представляющих собой серьезный вклад в изучение истории урбанизации и развития городской культуры Средней Азии. В этих работах, а также в соответствующих разделах коллективных трудов ею были отражены характерные особенности городской жизни этих городов, а также их роль в социально-экономической и политической истории Среднеазиатского региона. Еще более фундаментально данные проблемы были рассмотрены в ее следующей крупной работе «Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV—XVI вв.». Эта книга посвящена исследованию социальной дифференциации жителей средневеко-

вых городов Средней Азии по данным письменных источников. В ней приводится исчерпывающая информация о разных категориях городского населения, а именно о светских чиновниках и духовных деятелей, торговцах, мелких лавочниках, ремесленниках, городской бедноте и других слоях населения, описываются характерные черты и особенности каждого из них. Кроме того, в книге подробно раскрывается социальное деление, существовавшее внутри каждого из этих слоев городского населения, характеризуются присущие им общие и отличительные черты, подробно рассматривается роль ремесленников и торговцев в экономической и культурной жизни средневекового общества. Японский ученый Х. Комацу, давая оценку этой книге, характеризует ее как «первое исследование, глубоко и подробно раскрывшее социально-экономическое состояние городского населения Средней Азии», и называет ее так же, как и предыдущую работу, «самым выдающимся исследованием, созданным в этой области, оставившим заметный след в истории изучения среднеазиатских городов».

Последнее десятилетие (1993—2002 гг.) является периодом наибольшего расцвета и активной научной деятельности Р. Г. Мукминовой уже в качестве крупного специалиста в своей области, получившего международное признание. Этот период был особенно насыщен публикациями работ, осуществленных в странах ближнего и дальнего зарубежья на немецком, английском, французском, японском, итальянском и других языках. Можно заметить, что в этот период круг научных интересов Р. Г. Мукминовой еще более расширился и, кроме вышеупомянутых, включает также такие области исторической науки, как история государственности, история банковского дела, роль женщины в средневековом обществе, история международных отношений, политическая история, история городов, история торговых взаимосвязей, история ремесла, спорта, взаимодействие оседлых и кочевых культур и др.

Имя Р. Г. Мукминовой широко известно в ученом мире не только Узбекистана и сопредельных стран, но и далеко за его пределами. Об этом свидетельствует, например, тот факт, что ее часто приглашают выступать в качестве официального оппонента на защитах диссертационных работ в такие страны, как Азербайджан, Туркменистан и др. Ее научные труды хорошо знакомы также в научных кругах дальнего зарубежья. Так в 1989 г. она была специально приглашена на международную конференцию, проведенную в г. Торонто (Канада), где выступила с докладом на тему: «Ремесленники и ремесленные цеха в Самарканде». В 1991 г. она сделала доклад на IV европейском семинаре, проведенном в г. Бамберг (Германия), который был посвящен проблемам истории Центральной Азии. Кроме того, Р. Г. Мукминова принимала также участие в международных конференциях, проведенных в таких зарубежных странах, как Франция (Страсбург, 1987 г.), Турция (Анкара, 1997 г.), США (Лос-Анджелес — Калифорния, 1998 г., Медисон—Висконсин, 1998 г.), Австрия (Вена, 2000 г.), Иран (Тегеран, 2001 г.) и др.

Ученые-востоковеды зарубежных стран, занимающиеся исследованием истории средневековой Средней Азии, хорошо знают научные труды Р. Г. Мукминовой, постоянно обращаются к ним в своих исследованиях и делают на них ссылки. Ее неоднократно приглашали читать лекции в различные университеты мира, такие как Университет иност-

ранных языков г. Киото (Япония, ноябрь 1996 г.), Университет г. Токио (Япония, ноябрь 1996 г.). Университет штата Индиана (США, октябрь, 1998 г.), Университет штата Блюмингтон (США, октябрь, 1998 г.), Университет штата Висконсин (США, октябрь, 1998 г.), Национальный институт иностранных языков и цивилизаций Востока (Франция, 1999 г.) и др. Она поддерживала и до настоящего времени продолжает поддерживать тесные научные контакты с такими известными учеными, как Роберт Макчезни (США), Мария Субтельни (Канада), Юрген Паул (Германия), Мария Шупие (Франция), Эсанбека Тоган (Турция), Хисао Комацу (Япония), Ричард Фрагнер (Германия), а также с Кодзуки Кубо (Япония), Цин Вэй Цин (Китай), Юлай Шамиль Оглы, (США) и др.

Таким образом, на основе приведенных выше данных можно убедиться в том, что вся жизнь Р. Г. Мукминовой состоит из непрерывного поиска, неустанного и кропотливого труда, направленного на постижение неизведанных тайн исторической науки. В лице этого неутомимого исследователя и крупного ученого можно увидеть образ героической женщины интеллектуала, которыми всегда была так богата древняя земля Узбекистана. Мы желаем ей крепкого здоровья и больших творческих успехов в ее дальнейшей научной деятельности.

*Ш. Камолиддин, Г. Агзамова*

# Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар

## АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ВА ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИ» РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ СЕМИНАРИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ ҲАҚИДА

2002 йил 23 сентябрда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Ўзбек давлатчилиги тарихида Қашқадарё воҳаси» мавзусида навбатдаги 21-йиғилиши Қарши Давлат университетида ЎзР ФА Тарих институти билан ҳамкорликда бўлиб ўтди. Семинарда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган етакчи ва ёш тарихчи олимлар ҳамда тарих фанига ихтисослашган ўрта мактаб ўқитувчилари, жами 120 дан ортиқ киши иштирок этди.

Дастурга асосан «Қашқадарё воҳасининг шаҳарсозлик маданияти ва давлатчилигининг шаклланиши» мавзусида тарих фанлари доктори Р. Х. Сулаймонов маъруза қилди. У ўз маърузасида, Қашқадарё воҳасида қадимий шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича сўз юритиб, милоддан аввалги IX—VIII асрларда Кешда илк манзилгоҳ ҳозирги Сангиртепа ёдгорлиги ўрнида шаклланганлиги; бу манзилгоҳ яқинида шаҳар қурилиб, ҳозирда унинг харобалари Узунқир деб номланиши; Нахшаб эса Қашқадарё воҳасидаги иккинчи тарихий-маданий ўлка ҳисобланиб, илк темир асридаёқ вужудга кела бошлаганлиги; милоддан аввалги II асрда эса Ерқўрғон ёнида қалъа типидаги шаҳар Қалъаи Захокимарон вужудга келганлиги ҳамда республикамизда Кеш ва Нахшаб илк давлатчилик пайдо бўлган ҳудудлар қаторига кирганлиги ҳақида қизиқарли маълумотларни берди.

«Торговые пути долины Кашкадарьи в древности и средневековье» мавзуси бўйича ЎзР ФА академиги Ю. Ф. Буряков маъруза қилди. Маърузачи ўз нутқида, Евроосиё мамлакатларининг савдо ва иқтисодий ўзаро боғлиқлиги қадим даврдан бошлаб тараққиётнинг етакчи омили бўлиб, урбанизация ва тараққиёт босқичларида муҳим роль ўйнаганлиги; бундай жараёнлар, Ўрта Осиёнинг икки дарё оралиғида жойлашган Қашқадарё воҳаси мисолида намоён қилинганини хусусида тўхталди.

«Қарши воҳаси эпиграфик ёдгорликлари (XV—XIX асрлар) тарихий манба сифатида» мавзуида Ш. Шоназаров маъруза қилди. Маърузада мамлакатимиз ҳудудида ҳозирга қадар сақланиб қолган турли тарихий манбалар хусусан ислом маданияти маҳсули ҳисобланган ўрта аср қабртош ёзувлари ва уларнинг Қарши воҳасидаги эпиграфик ёдгорликларини ўрганилганлиги илмий асослаб берилди.

«Амир Темур даврида Қашқадарё воҳаси» мавзусида доцент Т. Чориев маъруза қилди. Маърузада ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг XIV—XV асрларида Амир Темур ва темурийлар ҳукм сурган пайтда Қашқадарё воҳаси маданиятининг гуллаган даври бўлиб, воҳада кенг кўламли бунёдкорлик, жумладан, ободончилик ва қурувчилик ишлари амалга оширилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Илмий семинар кун тартибидаги мавзу бўйича тингланган маърузалар юзасидан савол-жавоб, баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Музокараларда академик А. Асқаров, т. ф. д. проф. С. Жўрақулов, Ф. Қосимов, М. Исҳоқов, Д. Бобожонова, т. ф. н. доцентлар Г. Мирзаева, С. Пўлатова, Ғ. Қурбоновлар семинарда кўтарилган масалалар юзасидан таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Жумладан, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлаш арафасида, кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида Қашқадарё воҳасининг тутган ўрни телевидение орқали кенг жамоатга тарғиб қилинишини ҳамда Қашқадарё вилояти ҳудудида археологик изланишларни кучайтириш ва давом эттириш учун Қарши Давлат университети раҳбариятига ЎзР ФА Тарих институти билан ҳамкорликда Қашқадарё археологик экспедициясини ташкил этиш таклифлари берилди.

Мунозара ва мулоҳазалардан сўнг семинар хулосаси ишлаб чиқилди. Семинар якунида, илмий-амалий анжуман раиси ЎзР ФА Тарих институти директори, т. ф. д., проф. Д. А. Алимова тингланган маърузалар ва муҳокамада иштирокчилар томонидан билдирилган мулоҳаза ва таклифлар бўйича ўз хулосаларини баён этди. Шу билан академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг 21-йиғилиши ўз ишини якунлади.

Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» илмий семинарининг «Ўзбекистон тарихи хрестоматиясининг 1-жилди. Муҳокама ва мунозара» мавзусига бағишланган навбатдаги 22-йиғилиши 2002 йил 18 ноябрь куни Темурийлар тарихи Давлат музейи замирида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Семинар ишида Ўзбекистон Президенти маслаҳатчиси Т. Рисқиев иштирок этди.

Семинарда «Ўзбекистон тарихи хрестоматиясининг 1-жилди тайёрланиши ҳақида» тарих фанлари доктори А. Аҳмедов маъруза қилди. У ўз сўзида хрестоматиянинг яратилиши жараёнида қилинган ишлар ва эришилган ютуқлар ҳақида гапириб ўтди.

Маърузадан сўнг Ўзбекистон тарихи хрестоматиясининг 1-жилди бўйича белгиланган тақризчилар: академиклар М. Хайруллаев, Ю. Ф. Буряков, тарих фани докторлари Р. Сулаймонов, М. Исҳоқов Ш. Қамолиддинов ва Й. Жабборовлар ўз фикрларини билдирган ҳолда, хрестоматияни янада яхшилаш мақсадида ҳали мавжуд бўлган камчиликларга эътибор қаратдилар. Шунингдек, семинарга қўйилган масала юзасидан муҳокама жараёнида т. ф. д. Қ. Усмонов, академик А. Асқаров, музей директори Н. Ҳабибуллаев, ЎзР ФА вице президенти Т. Мирзаев ва бошқалар иштирок этиб ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Семинар якунида Ўзбекистон тарихи хрестоматиясининг 1-жилди қайта кўриб чиқилиб кўрсатилган камчиликлар бартараф этилгач, яна бир бор муҳокамага қўйилиши ҳақида қарор қилинди.

Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Давлатчилик ва маданият узвийлиги Ўзбекистон тарихида» мавзусига бағишланган навбатдаги 23-йиғилиши 2002 йил 29 ноябрь куни А. Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ЎзР ФА Тарих институти билан ҳамкорликда ўтказилди.

Семинар ишида «Тарихий цивилизациялар ва Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлатлар» (академик Э. В. Ртвеладзе); Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш жараёнида санъатнинг роли» (академик А. А. Ҳакимов) «Мустақиллик даври Ўзбекистон тарихида маданият масалаларининг методологик асослари хусусида» (т. ф. д. А. Мавруло) каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Мазкур илмий семинарда асосий эътибор Ўзбекистон давлатчилик тарихи жаҳон тарихининг энг қадимий ва кўҳна ўчоқларидан бири эканлигига, мамлакатимиз ҳудудида таркиб топган давлатлар ва цивилизациялар ўзбек халқининг миллий ўзлиги, унинг намоён бўлиши, бошқа халқлар ва улар маданияти билан ўзаро алоқаларининг натижаси бўлганлигига, ўзбек миллий давлатчилиги тарихида маданият ва санъатнинг ўрни ҳамда роли катта бўлганлигига алоҳида урғу берилди.

2002 йил 23 декабрда академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг «Миллий истиқлол ғоясининг тарихий асослари» мавзусидаги навбатдаги 24-йиғилиши Темурийлар Давлат музейи ҳузурида ЎзР ФА Тарих институти билан ҳамкорликда ўтказилди. Семинар кун тартибига 3 та маъруза режалаштирилди. Т. ф. д. М. Исҳоқов «Ўзбекистонда илк давлатчиликнинг ғоявий, ижтимоий-сиёсий асослари» мавзусида маъруза қилди. Ўзбекистонда милоддан аввалги иккинчи минг йилликда кечган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий тизимнинг ғоявий асослари археологик маълумотлар ва ёзма манбалар «Авесто» асосида таҳлил этилди. Шунингдек, қадимги даврда эзгулик, ҳақиқат, адолат ғоялари асосида давлатчилик тарихи бошланганлиги хусусида сўз юритилди.

«Ўрта аср ёзма манбаларида миллий ғояларнинг акс этиши» мавзусида т. ф. д. Э. Каримов маъруза қилди. У ўз маърузасида ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг барча босқичларида илғор миллий ғоялар ҳукм сурганлиги ва жумладан бундай ғоялар ўрта аср ёзма манбаларида ўз аксини топганлиги ҳақида аниқ мисоллар асосида кўрсатиб ўтди.

«XX аср бошидаги миллий озодлик ҳаракатларида илгари сурилган миллий ғоялар» мавзусида т. ф. д. Д. Зиёева маъруза қилди. XX аср бошидаги миллий озодлик ҳаракатларининг тарихий таҳлили жараёнида, мустамлакачилик тузуми ҳукм сурган Туркистон халқларининг олдида турган асосий ғоя озодлик ва мустақил давлатчиликни тиклаш ғоялари эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Асосий маърузалар юзасидан бўлиб ўтган музокараларда т. ф. д. Қ. Усмонов, т. ф. д. Э. Ҳолиқов, т. ф. н. С. Пўлатова ва бошқалар сўзга чиқиб, маърузаларда кўтарилган масалалар ҳақида таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

*Э. Нуриддинов*

## МУНДАРИЖА

### Тарихга янги нигоҳ


А. Хўжаев. Қадимий Хитой манбаларидаги туркий халқларга оид айрим этнонимлар . . . . . . . . . . . . 3

Ш. Шапазаров. Классификация намогильных камней XV—XIX вв. . . 11

Ш. Камолиддин, Р. Мукминова. Заметки о географической карте Средней Азии Абрахама Мааса . . . . . . . . . . 16

Б. Пасилов. Большевизм назарияси ва амалиётининг Ўзбекистонга салбий таъсири . . . . . . . . . . . . 26

Ш. Қудратхўжаев. Ўзбекистонда вакиллик ҳокимияти идорасини шакллантириш тарихидан . . . . . . . . . . . . 34


### Тарихшунослик, манба ва талқин


Ф. Шамукарамова. Жизнь и деятельность Мирзо Улугбека в современной историографии . . . . . . . . . . 43

Н. Хидирова. Хожа Муҳаммад Порсо тафсирининг ноёб қўлёзмаси . . 49


### Тарих фактлар тили билан


Р. Шамсутдинов. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши . . . . . . . . . . . . . . 54


### Ёш тадқиқотчи минбари


Б. Турсунов. XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон қалъалари ва уларнинг хонлик ҳарбий тизимидаги ўрни . . . . . . . . . 61

Д. Исмоилова. Мустабид тузумнинг Туркистондаги диний сиёсати . . 65


### Фанимиз заҳматкашлари


Мавлон Жўрақулов 70 ёшда . . . . . . . . . . . . 72

Ш. Камолиддин, Г. Агзамова. Жизнь, посвященная науке . . 72


### Илмий ҳаёт: анжуманлар, учрашувлар, баҳслар


Э. Нуриддинов. Академик Яҳё Ғуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» республика илмий семинарининг йиғилишлари ҳақида 78


### Муаллифлар ҳақида маълумот


**А. Хўжаев** — ЎзР ФА Шарқшунослик институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

**Ш. Шоназаров** — Ўзбекистон Миллий университети, археология кафедраси ўқитувчиси.

**Ш. Камолиддин** — ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

**Р. Мукминова** — ЎзР ФА Тарих институти етакчи илмий ходими, т. ф. д.

**Б. Пасилов** — ЎзР ФА Тарих институти катта илмий ходими, т. ф. н.

**Ш. Қудратхўжаев** — ЎзР Президенти ҳузуридаги ДЖҚА тадқиқотчиси.

**Ф. Шомукарамова** — ЎзР ФА Тарих институти кичик илмий ходими.

**Н. Хидирова** — Қўқон ДПИ ўқитувчиси.

**Р. Шамсутдинов** -- АнДУ профессори, т. ф. д.

**Б. Турсунов** — ЎзР ФА Тарих институти аспиранти.

**Д. Исмоилова** — Фарғона ДУ аспиранти.

Индекс 1027